

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Иқтисодиёт” кафедраси

Кенжаев Икром Эргашбоевич

**“ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР” ФАНИДАН
МАЪРУЗА МАТНЛАРИ**

Наманган – 2014

Кириш

Бугунги кунда ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект яхши англайди. Шунга кўра, ҳозирги кунда республикаимиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас. Мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларининг жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар қандай давлат дунёдан ажралган ҳолда, жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан ривожланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузасида қуйидаги фикрларни таъкидлади: “Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди.”^{1[1]}.

Шунингдек, маърузада узоқ муддатли истикболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган муҳим устувор йўналишлардан бири – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборатлиги ҳамда 2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларида зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестициялар жалб қилинишини ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 46 фоизга ошиши режалаштирилаётганлиги алоҳида эътироф этилди.

2008 йилда бошланган ва 2009 йилда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқироз салбий таъсир оқибатларининг олдини олиш турли даражалардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни амалга оширишда ўзига хос изчилликни, хатти-ҳаракатларнинг ҳар томонлама ўйланганлиги ва асосланганлигини, туб ислохотларни амалга оширишнинг босичма-босқичлигини, режа ва мақсадларга томон ҳаракатдаги собитқадамликни тақозо этади. Мамлакатимизда чуқурлашган жаҳон-молиявий инқирози шароитларида барқарор ўсиш суръатларининг сақланиб қолиши эса танланган мустақил тараққиёт йўлимиз ва унга мувофиқ амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатимизнинг нечоғлиқ тўғри эканлигини яна бир бор

^{1[1]} Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

тасдиқламокда. Республикамизда доимо қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатларга, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этилди. Натижада миллий иқтисодиётимизнинг халқаро кредитлар бозоридаги конъюнктурага кескин боғлиқлигини ва молиявий инқирознинг салбий оқибатларининг олди олинди.

Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш нечоғлик катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имкониятлар ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштиришга, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Марказий банки ва бошқа қатор вазирлик ва идораларнинг маълумотларидан, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг 2010 йил январь-февраль ойларида бўлиб ўтган минтақавий семинарлари материалларидан кенг фойдаланилган.

Ушбу махсус курсни кенг ўрганишга ёрдам берувчи электрон-визуал ва интерактив воситалар, жумладан, «Иқтисодиёт» нашриёти томонидан 2009 йилда чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма (Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В., Тухлиев Б.К., ўзбек ва рус тилларида), «Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари» (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н., ўзбек ва рус тилларида) илмий-оммабоп қўлланма, «Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида» (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У., ўзбек тилида) экспресс-проспекти, «2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида» (Бекмуродов А.Ш., Амонбоев М.А., Каттаев Н.Т.) экспресс-тестлар ҳамда уларнинг электрон-визуал версияларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

1-боб. Хорижий инвестициялар ҳақида тушунча ва унинг моҳияти

1.1. Инвестиция ҳақида тушунча

Ўзбекистон Республикасида инвестиция хусусида қонуний ҳужжатлар 1991 йилдан бошлаб қабул қилинган бўлиб, улар ўтган вақт ичида анча такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция тўғрисида»ги қонунида кўрсатилишича, «инвестиция бу - иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир»^{1[2]}. Бу иқтисодий таъриф инвестициянинг бозор иқтисодиёти шароитига мос келишини тўғрисида тасдиқлайди. Жумладан, унда, биринчидан, инвестициянинг ўзига ва инвестиция фаолиятининг объектларига кенг таъриф берилган. Иккинчидан, инвестициянинг бевосита иқтисодий ва ижтимоий самара олишга муқаррар боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган. Демак, инвестицияга бозор муносабатларидан келиб чиқиб берилган таърифнинг ўзидаёқ инвестиция жараёнининг ҳажми, асосий босқичлари, яъни жамғармалар (ресурслар), қўйилма маблағлар (сарф-харажатлар), самара (даромад, фойда) аниқ ва равшан кўрсатиб ўтилган. Худди шу каби ёндашув инвестиция фаолиятининг бозор муносабатларига ўтиши учун замин яратади, бу эса, молиявий моддий ва ақлий бойликларни қайта тақсимлашнинг вертикал ва горизонтал усулларида бир хилда фойдаланишни таъминлаб беради.

«Инвестиция» атамаси лотин тилидаги «invest» сўзидан келиб чиққан бўлиб «қўйиш», «мблағни сафарбар этиш», «капитал қўйилмаси» маъносини беради. Кенг маънода инвестиция маблағни кўпайтириб ва қайтариб олиш мақсадида капитални сафарбар этишни билдиради. Кўпгина ҳолларда «инвестиция» тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади. Инвестиция дейилганда барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур. Инвестиция киритишдан асосий мақсад даромад олиш ва ижобий ижтимоий самарага эришишдир.

Инвестиция киритишда, аввало:

- инвестиция фаолияти субъектларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлигининг таъминланиши;
- киритиладиган моддий неъматларга инвестиция мақомини бериш (фуқароларнинг ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун сотиб олган буюмлари инвестиция бўла олмайди);
- қонун билан белгиланган инвестиция фаолиятини амалга ошириш имконияти яратилиши зарур бўлиб ҳисобланади.

^{1[2]} Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.

Инвестиция тушунчасига янги капитални барпо этиш учун сарфланган харажат сифатида ҳам таъриф бериш ўринли. Инвестициялар – бу янги корхоналар қурилишига, машина ва асбоб-ускуналар сотиб олишга, яъни янги капитални барпо этишга кетган харажатлардир.

Инвестиция тушунчасининг мазмунини тўлиқ очиб бериш учун унга берилган таърифларни келтириш жоиз. Инвестициялар – бу ҳали маҳсулот кўринишига келтирилмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган капиталдир. Ўзининг молиявий шаклига кўра, улар фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятига қўйилган активлар ҳисобланса, иқтисодий хусусиятига кўра, у янги корхоналар қуришга, узоқ муддатли хизмат кўрсатувчи машина ва асбоб ускуналарга ҳамда шу билан боғлиқ бўлган айланма капиталнинг ўзгаришига кетган харажатлардир.

Инвестициялар хусусий сектор ва давлат томонидан мамлакат ичкарасида ва унинг ташқарисида турли ишлаб чиқаришларга ва қимматли қоғозларга (масалан, акциялар, облигациялар) қўйилиши мумкин. Инвестицияга кетган харажатнинг миқдори икки омилга боғлиқ: биринчиси – соф фойданинг кутилаётган меъёри, қайсики уни тадбиркорлар инвестицияга кетган харажатларидан олишни мўлжаллайди; иккинчиси – фоиз ставкаси. Агарда, кутилаётган фойда меъёри фоиз ставкасидан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали ва аксинча, фоиз ставкаси кутилаётган фойда меъёридан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали бўлмай қолади.

Инвестиция харажатлари фойда келтиришини аниқлашда номинал фоиз ставкаси эмас, балки реал фоиз ставкаси ҳисобга олинади. Реал фоиз ставкаси нархлар даражасининг ўзгаришини акс эттириб, номинал ставкадан инфляция даражасини айирмаси кўринишида аниқланади. Масалан, номинал фоиз ставкаси 16% га тенг бўлса, инфляция даражаси йилига 12% ни ташкил этса, унда реал фоиз ставкаси 4% (16%-12%) ни ташкил этади. Агарда, бу миқдор кутилаётган соф фойда меъёридан паст бўлса, инвестиция харажатлари ўсиб боради.

Инвестиция талабининг эгри чизиғи исталган инвестиция ҳажми (I) ва реал фоиз ставкаси миқдори (r) ўртасидаги боғлиқликни ўрнатади. Реал фоиз ставкаси, яъни пул капитални қарзга олиш нархи қанчалик юқори бўлса, инвестициялашни хоҳловчилар шунча кам бўлади ва аксинча реал фоиз ставкаси қанчалик паст бўлса, фойда келтирадиган инвестиция лойиҳалари шунча кўп бўлади. Шунинг учун ҳам инвестиция функцияси графиги пасаяувчан кўринишда бўлади (1.1.1-чизма).

Макроиқтисодий сиёсатда фоиз ставкаси билан инвестиция ҳажми ўртасидаги мавжуд боғлиқлик ҳисобга олинади ва кенг фойдаланилади. Фоиз ставкасининг миқдори пул-кредит сиёсатининг муҳим куроли ҳисобланади. Давлат уни ўзгартириш орқали мамлакатдаги пул таклифини тартибга солиб туради. Фоиз ставкасини кўтарилиши пулнинг қимматлашуви ва унга бўлган талабнинг қисқараётганини билдиради. Демак, инвестиция харажатлари ҳам қисқариб боради. Ўз навбатида, инвестиция харажатларининг қисқариши, келажакда миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишини билдиради.

Инвестиция функциясининг графиги



1.1.1-чизма

Инвестициялашда айланма капиталга устуворлик берилишини фақат капиталнинг таркибий тузилиши билан тушунтириш етарли эмас. Гап шундаки, дастлабки капитал жамғариш даврида пулни тез тўплаш учун уни капитал айланиши тез соҳаларга жойлаштирилиши юз беради, чунки бунда юқори фойда меъёри юзага келади. Фойда меъёри юқори жойда эса, уни капиталлаштириш имкони катта бўлади. Бу омил ҳам хусусий секторда пулни айланма капиталга айлантириш учун рағбат яратади. Бозор талабларига биноан тежамли хўжалик юрита билмаслик таннархнинг ортишига олиб келади, бу нарх ўзгармаган шароитда ҳам зарарга олиб келади. Бу албатта, инвестицияларни ўз маблағи ҳисобидан таъминлаш имконини чеклаб қўяди.

Инвестицияларни жалб этилиши кўп жиҳатдан инвестиция бозорини ҳар томонлама ўрганиш, уни башорат қилиш билан узвий боғлиқдир. Инвестиция бозори инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш учун замин яратиб беради. Инвестиция бозори ишлаб чиқариш фондларининг актив қисми ва инвестиция хизматларини ўзида мужассамлаштиради. Унинг асосий унсурларига талаб, таклиф, рақобат ва баҳо киради. Бу унсурлар доимо ўзгариб

туради, ушбу ўзгаришлар иқтисодиётдаги ва бозор ичидаги омиллар таъсирида юз беради. Ҳар бир инвестор учун инвестицияга бўлган талабни ўрганиш, инвестиция бозорини таҳлил этиб, бунинг заминида ўзининг инвестиция дастурини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади

1.2. Инвестиция муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши

Инвестиция муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши ҳуқуқий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, бу фаолият субъектларини суғурталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади. Инвестиция муносабатларининг моҳияти бу фаолият иштирокчилари доирасида ва даражасида ўз ифодасини топади. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солинишининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) Инвестиция фаолиятининг қонунчилик негизини такомиллаштириш.
- 2) Солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табақалаштирувчи солиқ тизимини қўллаш.
- 3) Нормалар, қоидалар, стандартларни белгилаш.
- 4) Монополияга қарши чораларни қўллаш.
- 5) Кредит сиёсати ва нарх сиёсатини ўтказишга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш.
- 6) Инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш.

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш, ҳуқуқий нуқтаи назаридан, турли мулкдорлар ўртасида моддий ва номоддий активларни такрор ишлаб чиқариш хусусидаги ўзига хос, мураккаб, ижтимоий зарур иқтисодий (инвестиция) муносабатларини шакллантириш меъёрларини назарда тутати. Инвестиция жараёнининг барча субъектлари – чет эллик инвесторлардан бошлаб, давлат, юридик ва жисмоний, шу жумладан чет эллик шахслар (резидентлар ва норезидентлар)гача бу муносабатларнинг иширокчиларига айланадилар. Ҳуқуқ нуқтаи назаридан чет эл инвестициялари бошқа давлат ҳудудида капиталга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ. Иқтисодий нуқтаи назардан эса уларнинг ҳудудий, замон ва макондаги ҳаракати кўпдан-кўп қўшимча рисклар билан тўқнашиш эҳтимолига эга бўлади.

Республикада инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш биринчи навбатда давлатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий сиёсатини амалга ошириш мақсадларини кўзлайди. Республика қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл инвестициялари миллийлаштирилиши, давлат тасарруфига олиниши мумкин эмас. Чет эл инвестициялари табиий офатлар, фалокатлар, эпидемиялар ҳолларини мустасно қилганда, реквизиция қилинмайди. Чет эл инвесторларга қонуний фаолият натижасида олинган ўз фойдаси ва бошқа маблағларини чет эл валютасида четга ўтказиш кафолатланади. Қонун ҳужжатларида чет эллик инвесторларга уларнинг давлат бошқарувининг ваколатли органлари билан тузадиган концессия шартномалари

асосида табиий ресурсларни қидириш, фойдаланишга тайёрлаш ва фойдаланиш ҳамда бошқа хўжалик фаолиятини жорий қилиш учун концессиялар бериш назарда тутилган. Республика қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган фаолиятнинг ҳамма соҳалари ва турлари бўйича концессия берилиши мумкин. Чет эллик инвестор қарори билан инвестицияларга ҳамда уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, тасарруф этиш ҳукуқи республика қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда бошқа жисмоний ва юридик шахсларга берилиши мумкин.

Инвестиция фаолиятини амалга оширишни муҳим шартларидан бири муомалада бўлган пул бирлигини қадрсизланишини олдини олишдир. Инвестиция фаолиятдан олинadиган самарани кўпайтириш мақсадида инвестициялар ҳажмини, йўналишларини ва манбаларини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан биргаликда янги молиялаштириш, кредит билан таъминлаш, баҳони таҳлил қилиш, солиққа тортиш тизимларини такомиллаштиришдир. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, инвестиция фаолиятини тартибга солишда энг муҳим ва асосий муаммолардан бири чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни республика минтақалари бўйлаб бир текис жойлаштиришдир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайиб бориши даражасига қараб инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, бевосита чет эл инвестицияларини янги лойиҳаларга, шунингдек, хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қисмини инвестиция фаолиятига жалб қилишни ҳам назарда тутди. Бунда чет эл инвестициялар оқимини рағбатлантириш, шу билан бирга миллий иқтисодиёт субъектларининг бу фаолиятда иштирок этишини тақдирлаш муҳим ўринда туради. Шундай қилиб давлат томонидан инвестиция муносабатларини тартибга солишнинг вазифаси, бир томондан, бевосита чет эл инвестициялари оқимини оширишдан, иккинчи томондан, миллий иқтисодиётдаги хусусий мулкчилик субъектларининг қўйилмаларини кенгайтиришдан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланadиган расмий муассасалар қуйидаги жадвалда келтирилган.

1.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланadиган расмий муассасалар

	Расмий муассаса номи	Муассасанинг чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан боғлиқ фаолият доираси
	Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти	<i>Қуйидаги жорий жараёнларни мувофиқлаштиради:</i> <i>-инвестиция фаолиятини, биринчи навбатда чет эл инвестициялари билан амалга ошириладиган лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур ҳукумат қарорларини ишлаб чиқиш;</i> <i>-давлат бошқаруви идоралари, вазирликлар ва идоралар ишини ташкил этиш.</i>

	Иқтисодиёт вазирлиги	<i>Инвестиция сиёсатини ва дастурларини ишлаб чиқиш</i>
	Ташқи Иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	-Мамлакат ва хориж инвесторларининг инвестиция таклифлари тўғрисида маълумотлар банкни шакллантириш; -инвестиция муҳитини ўрганиш; -хорижий инвесторларга ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатиш; -инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мамлакат ва хориж инвесторларига ёрдам кўрсатиш; -чет эл капитали иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини кузатиш (мониторинг); -корхоналарни ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари тарзида рўйхатга олиш ва хорижий компаниялар ваколатхоналарини аккредитациялаш
	Давлат мулкни бошқариш қўмитаси	<i>Давлатга тегишли мулкни хусусийлаштириш ва тасарруф этиш жараёнларида чет эл инвестицияларини тартибга солиш.</i>
	Молия вазирлиги	<i>Қарз сиёсати ва ҳукумат кафолатларини бериш.</i>
	Адлия вазирлиги	<i>Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш.</i>
	Ташқи ишлар вазирлиги	<i>Хорижий инвесторларга ва Ўзбекистонда ишлаётган хорижий фуқароларга визалар бериш.</i>
	Ички ишлар вазирлиги	<i>Хорижий инвесторларни ва Ўзбекистонда ишлаётган хорижий фуқароларни турар жойи бўйича рўйхатга олиш.</i>
	Давлат солиқ қўмитаси	<i>Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уларнинг божхона билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиш.</i>
	Марказий банк	<i>Конвертация тартиб-қоидаларини, шунингдек, унинг ўтказилишини, валюта маблағларидан фойдаланишини тартибга солиш, қарз сиёсати.</i>
	Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	<i>Ташқи иқтисодий фаолиятга банк хизмати кўрсатиш ва лойиҳани молиялашни амалга ошириш.</i>
	«Ўзбекинвест» давлат суғурта компанияси ва «Ўзбекинвест-интернешнл» қўшма корхонаси	<i>Чет эл инвестицияларини инвестиция таваккалчилигидан ва хавф-хатарлардан суғурталаш.</i>
	«Ўзбекинвестлойиҳа» миллий инжиниринг компанияси	<i>Дастлабки техник-иқтисодий асосномани ва инвестиция лойиҳалари техник-иқтисодий асосномаларини тайёрлаш.</i>
	Давлат мулкни қўмитаси ҳузуридаги қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази	<i>Қимматли қўғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш. Мамлакат ва хорижий эмитентларнинг қимматли қўғозларини сотиб олиш орқали мажмуа инвестицияларини амалга ошириш.</i>

Давлат хорижий инвестицияларни тартибга солишнинг қуйидаги усулларидадан фойдаланади:

1) молиявий: жадаллаштирилган амортизация; солиқ имтиёзлари; субсидиялар, қарзлар бериш; кредитларни суғурталаш ва кафолатлаш;

2) номолиявий: ер участкалари ажратиш; зарурий инфратузилма объектлари билан таъминлаш; техник ёрдам кўрсатиш.

1.3.Хорижий инвестициялар ва уларни жалб қилиниш сабаблари

Бир давлатдан бошқа давлатга даромад олиш учун йўналтирилган ҳар қандай шаклдаги мулкни тўла қонли равишда хорижий инвестиция дейишимиз мумкин. Аммо шундай мулк шакллари борки, биз уларни хорижий инвестиция дея олмаймиз. Масалан, элчихона чет давлат мулки ҳисобланади, ёки хорижий фукаро шахсий уй сотиб олса бу хорижий шахс мулки ҳисобланади, лекин хорижий инвестиция бўла олмайди.

Хорижий инвестициялар - бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликлардир.

1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида «Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади».^{1[3]} Хорижий инвестицияларининг умумий таърифи Ф. Хениуснинг 1947 йил АҚШда чоп этилган ташқи савдо луғатининг 2-нашрида қуйидагича берилган: «Хорижий инвестициялар – бу бир мамлакат ҳудудидан иккинчи мамлакат ҳудудига киритилган, экспорт қилинган инвестициялар»^{2[4]}.

Чет эл инвестициялари дейилганда чет мамлакатларнинг миллий иқтисодиётга моддий, молиявий ва номоддий кўринишидаги муддатли қўйилмаларнинг барча шакллари тушунилади. Бу қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: қўшма корхоналарни ташкил қилишда ўз улуши билан қатнашиш, хорижий сармоядорларга тўла тегишли бўлган корхоналарни барпо этиш, хорижий шахслар томонидан қимматли қоғозларни, шунингдек, заём ва кредитлар олиш.

Хорижий инвестициялар ички инвестициялардан фарқли ҳолда ташқи молиялаштириш манбаига киради.

Хорижий инвестициялар қўшма корхоналар ташкил этиш, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш,

^{1[3]} Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 19-сон,-Т.: Адолат,1998.532-бет.

^{2[4]} Dictionary of Foreign Trade. by F.Henus Sec/ Ed. N4.,1947, P.387.

хусусийлаштиришда қатнашиш, хорижий шериклар билан банк тузиш, қимматли қоғозларни сотиб олиш, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш, эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб боришда жуда катта ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Хорижий инвестицияларга асосан 2 гуруҳ омиллар таъсир кўрсатади:

1) иқтисодий омиллар:

-ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва иқтисодий ўсиш суръатларининг бир маромда ушлаб турилиши;

-жаҳон ва алоҳида мамлакатлар иқтисодиётидаги чуқур таркибий силжишларнинг амалга оширилиши (айниқса, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва жаҳон хизматлар бозори тараққиёти таъсири остида олиб борилиши);

-ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослашуви ва кооперациялашувининг чуқурлашуви;

-жаҳон иқтисодиёти трансмиллийлаштирилишининг ўсиб бориши (масалан, АҚШ трансмиллий корпорация (ТМК)лари хорижий филиалларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми АҚШ товар экспортидан 4 маротаба ортиқдир);

-ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви ва интеграция жараёнларининг чуқурлашиб бориши;

-халқаро иқтисодий муносабатларнинг фаол ривожланиши ва бошқалар.

2) сиёсий омиллар:

-капитал экспорти (импорти)ни эркинлаштириш (эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИХ), оффшор ҳудудлари ва бошқалар);

-ривожланаётган мамлакатларда индустриллаштириш сиёсатини олиб бориш;

-иқтисодий ислохотларни олиб бориш (давлат корхоналарини хусусийлаштириш, хусусий секторни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш);

-бандлик даражасини ушлаб туриш сиёсатини олиб бориш ва бошқалар.

Инвестициялар замонавий техника ва технологиялар билан куруланиш, илмий-техник, ишлаб чиқариш ва ақлий имкониятларини тиклашнинг асосий воситадир. Айнан хорижий инвестициялар орқали миллий иқтисодиёт жонланиб, ишлаб чиқариш замонавий, рақобатдошлар товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиб боради. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларининг ташкил этилиши ва мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг ҳал бўлишига олиб келади.

1.4. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг роли

Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳига кириш учун барча шарт-шароитларга, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун бир қатор афзалликларга эга. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасида

географик жойлашиши, табиий ресурсларининг таркиби ва захираси, ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсат ва бошқалар билан муҳим роль уйнайди.

Бозор иқтисодиётининг асосий иқтисодий тушунчаларидан бири инвестициялар тушунчаси бугунги ҳаётимизга кенг ва тез кириб келишининг ўзи унинг моҳияти ва аҳамиятини, зарурлигини кўрсатади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги янги корхоналарнинг сонини тобора ортиб бориши ва барпо этилаётганлиги ҳукуматимизнинг бу соҳага бўлган катта эътибори ва уларга яратиб бераётган қулайликлари натижасидир. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. Инвестиция муҳити – бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуи. Инвестиция муҳити энг аввало қўйидаги иқтисодий омиллар орқали белгиланади: табиий шарт-шароитлар, шу жумладан фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими ҳамда товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиққа тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг белгиланганлиги ва ҳ.к. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён қулай инвестиция муҳитини яратиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг марказий масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Ўтган йили иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этди, бу эса 2008 йилга нисбатан 24,8 фоиздан кўп демакдир. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўсди, энг муҳими, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар бўлиб, уларнинг ҳажми 1,8 баробар ошди (1.4.1-расм).



1.4.1-расм.

Иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуrolлантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва булар асосида миллий иқтисодиётимизни барқарор ва динамик ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1213-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилга инвестицион дастури ҳақида»ги Қарори^{1[5]} тасдиқланган бўлиб, ушбу дастур асосидаги капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари таркибида банк тизими инвестицион кредитларнинг аҳамияти юқори бўлмоқда. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

1.4.1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида 2010 йилги инвестицион дастури капитал қўйилмаларининг асосий параметрлари

№	Молиялаштириш манбаларининг номлари	2010 йилги прогноз, млрд. сўм	Жамига нисбатан фоизда
	Капитал қўйилмалар, жами	18220,3	100
1.	<i>Марказлаштирилган инвестициялар</i>	3819,8	20,9
2.	<i>Номарказлаштирилган инвестициялар</i>	14400,5	79,1
2.1.	Корхоналар маблағлари	7777,7	42,7
2.2.	Тижорат банклари кредитлари	1530,0	8,4
2.2.1	Шу жумладан, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»ининг имтиёзли кредитлари	256,3	1,4
2.3.	Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	3876,8	21,2
2.4.	Аҳоли маблағлари	1216,0	6,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1213-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилга инвестицион дастури ҳақида»ги Қарори.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2010 йилги инвестицион дастурда белгиланган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 18220,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, унинг 8,4 фоизи тижорат банклари кредитлари ҳисобига молиялаштирилади.

Мамлакатимиздаги инвестиция жараёнларининг такомиллашиб бораётганлиги намоён этувчи яна бир жиҳат — давлат бюджетидан молиялаштириш таркибидаги нисбатларнинг сезиларли даражада ўзгариб бораётганлиги ҳисобланади.

Инвестиция жараёнларига давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағлар динамикаси шуни кўрсатадики, агар 2005 йилда давлат бюджетдан

^{1[5]} Қаранг: www.lex.uz

молиялаштирилган маблағларнинг 36,2% республика бюджети, 63,8% маҳаллий бюджет ҳисобига таъминланган бўлса, 2009 йилда бу нисбат тегишли равишда 35,5% ва 64,5% ни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Бу эса инвестиция жараёнларини молиялаштиришда маҳаллий бюджетларнинг иштироки ва роли кенгайиб бораётганлигини кўрсатади.

1.5. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларида инвестицияларни молиялаштиришнинг ўзига хос манбалари шакллантирилган бўлиб, бундай манбалар корхоналарнинг ўз-ўзини молиялаштириш тамойилларига асосланади.

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ва иштирокчилари қуйидаги жадвалда келтирилган (1.5.1-жадвал).

1.5.1-жадвал

Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш манбалари ва иштирокчилари таснифи

Гуруҳлар	Кичик гуруҳлар	Инвестиция фаолияти иштирокчилари ташкилий шакллари
Бюджет ва нобюджет фондлар	Давлат бюджети	Ҳукумат Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги
	Маҳаллий бюджетлар	Маҳаллий ваколатли органлар
	Нобюджет фондлар	Пенсия фонди Бандлик фонди Инвестиция фонди ва бошқа фондлар
Кредит тизими	Банклар Кредит муассасалари	Марказий банк Давлат ғазначилиги Инвестицион банклар Кредит уюшмалари
Суғурта тизими	Суғурта фондлари ва ташкилотлари	Давлат суғурта компаниялари Нодавлат суғурта компаниялари
Молиялаш-тиришнинг жамоавий шакллари	Инвестицион ташкилотлар Инвестицион банклар Суғурта ташкилотлари	Инвестиция компаниялари ва фондлари Нодавлат пенсия фондлари Суғурта компаниялари Пайли инвестицион фондлар
Хорижий инвесторлар	Чет эл давлатлари, ҳукуматлари, халқаро молиявий институтлар, тижорат банклари, институционал инвесторлар, инвестицион банклар	Жаҳон банки Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молиявий корпорация
Корхоналар, жисмоний шахслар		Мулкчиликнинг турли шаклларидаги ҳар қандай корхоналар

Ҳозирги кунда Республикамизда инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг қуйидаги манбалари мавжуддир:

1. Корхона ва жисмоний шахслар жамғармалари.

2. Банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш.

3. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобига молиялаштириш.

4. Хорижий инвестициялар.

Сўнгги йилларда инвестициялар таркиби, хусусан, бюджетдан ажратиладиган инвестициялар ва банк кредитлари аҳамияти кескин ўзгарди.

Айни пайтда инвестициялар молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди (1.5.2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадики, инвестициялар молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2008 йилдаги 9,0 фоиздан 2009 йилда 8,1 фоизга қадар, корхоналар ва аҳоли маблағлари улуши тегишли равишда 53,9 фоиздан 46,9 фоизга қадар пасайган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, аксинча, 25,8 фоиздан 32,4 фоизга қадар кўтарилган.

1.5.2-жадвал.

2005-2009 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши, фоизда

Молиялаштириш манбалари	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ўзбекистонда ҳам инвестиция лойиҳаларни тузиш ва молиялаштириш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Уларнинг негизида иккита асосий омил ётади:

-иқтисодий барқарорлик;

-инфляция жараёнларини тартибга солиш ва миллий валюта-сўмнинг тўлов қобилиятини оширишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсат.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция лойиҳаларини тузиш ва уларни молиялаштириш бўйича қуйидаги омиллар мавжуд:

-инвестиция лойиҳалари билан шуғулланувчи шахсларни рағбатлантириш;

-саноатнинг устувор соҳалари, ёқилғи, энергетика мажмуалари бўйича инвестиция лойиҳаларини тузишни жадаллаштириш;

-иқтисодиётда илм фанга талаб кучли тармоқларида ишлаб турган қувватларни янгилаш ва янгиларини барпо этиш бўйича интеллектуал инвестицион лойиҳаларни амалга киритилиши.

Қисқача хулосалар

1. Инвестициялар замонавий техника ва технологиялар билан қуролланиш, илмий-техник, ишлаб чиқариш ва ақлий имкониятларини тиклашнинг асосий воситадир. Айнан хорижий инвестициялар орқали миллий иқтисодиёт жонланиб, ишлаб чиқариш замонавий, рақобатдошлар товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиб боради. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларининг ташкил этилиши ва мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг ҳал бўлишига олиб келади.

2. Инвестиция муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши ҳуқуқий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, бу фаолият субъектларини суғурталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади.

3. Хорижий инвестициялар - бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлақ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликлардир. Хорижий инвестициялар қўшма корхоналар ташкил этиш, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш, хусусийлаштиришда қатнашиш, хорижий шериклар билан банк тузиш, қимматли қоғозларни сотиб олиши, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишда, эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб боришда жуда катта ва муҳим аҳамиятга эгадир.

4. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларида инвестицияларни молиялаштиришнинг ўзига хос манбалари шакллантирилган бўлиб, бундай манбалар корхоналарнинг ўз-ўзини молиялаштириш тамойилларига асосланади.

Назорат учун саволлар


1. Инвестиция тушунчасига таъриф беринг.
2. «Инвестиция» атамаси қандай маънога эга?
3. Инвестиция киритишдан асосий мақсад нима?
4. Хорижий инвестиция тушунчасига таъриф беринг.
5. Инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омилларни тушунтириб беринг.
6. Инвестиция муносабатлари давлат томонидан қандай қилиб тартибга солинади?
7. Хорижий инвестицияларнинг моҳиятини ёритиб беринг ва уларни жалб қилиниш сабаблари тушунтириг.
8. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестициялар қандай аҳамият касб этади?
9. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг қандай манбалари мавжуд?

2-боб. Хорижий инвестицияларнинг шакл ва турлари

2.1. Хорижий инвестицияларнинг турлари

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва инвестиция тўғрисида мамлакатимизда қабул қилинган қонунларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, инвестициянинг шартли равишда учта турини ажратиш мумкин. (2.1.1-чизма)

Инвестиция турлари



2.1.1-чизма

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир инвестиция турининг ўзига хос ўрни бўлади. **Молиявий инвестициялар** таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул birlikлари, банклардаги омонатлар, депозит сертификатлар, акциялар, облигациялар, вексельлар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда тенглаштирилган бойликлар киради.

Моддий инвестициялар таркибига асосий фондлар, яъни бинолар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, коммуникациялар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисмлари киради.

Ақлий (интеллектуал) инвестициялар миқдори жуда ранг-барангдир, яъни улар мулкӣ ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар, ақлий меҳнатга оид шаклдаги инвестициялар ва табиӣ ресурслардан фойдаланиш шаклидаги инвестициялардан иборат. Мулкӣ ҳуқуқлар гуруҳига кирадиган инвестицияларнинг турлари бозор муносабатларининг нечоғлик ривожланганлигига, миллий бозорларнинг ўзига хос томонларига қараб ҳар хил бўлади. Ақлий меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар таркибига муаллифлик ҳуқуқлари, “ноу-хау”, кашфиётлар, товар белгиларига бериладиган лицензиялар ва бошқа хил эғалик ҳуқуқлари киради.

Таркибий тузилишига кўра инвестициялар ялпи ва соф инвестицияларга ажратилади. **Ялпи инвестициялар** - бу ишлаб чиқариш воситаларининг истеъмол қилинган қисмини қоплаш ҳамда уларни қўшимча ўсиши мақсадида ишлаб чиқариш жамғармалари ва аҳоли маблағлари қўйилмаларидир. Бошқача сўз билан айтганда, ялпи инвестициялар ўз ичига амортизация ва соф

инвестицияларни олади. **Соф инвестицияларни** аниқлаш учун ялпи инвестициялардан амортизация ажратмалари чиқариб ташланади. Ялпи инвестициялар ва амортизация ўртасидаги нисбатга қараб иқтисодиётнинг аҳволи қандай эканлигини, яъни юксалиш, ё турғунлик ёки пасайиш даврини бошидан кечираётганлигини аниқлаш мумкин. Агарда, ялпи инвестициялар амортизациядан ортиқ, яъни соф инвестиция юқори бўлса, иқтисодиёт юксалишда бўлади, чунки унинг ишлаб чиқариш қувватлари ўсади. Ялпи инвестиция ва амортизация бир-бирига тенг бўлган чоғда иқтисодиётда турғунлик ҳолати вужудга келиши мумкин. Бу вазиятда соф инвестициялар нолга тенг бўлиб, иқтисодиётда шу йили қанча капитал истеъмол қилинган бўлса, уни қоплаш учун шунча капитал қўйилмалар керак бўлади.

Иқтисодий фаоллик пасайиб бораётган иқтисодиёт учун ялпи инвестициялар амортизациядан кам бўлган ҳолдаги вазият хосдир, яъни иқтисодиётда йил давомида капитал ишлаб чиқарилганига нисбатан кўпроқ истеъмол қилинади. Бундай ҳолатда соф инвестициялар ишораси манфий бўлиб, унинг мутлақ қисқаришини билдиради. Натижада, йил охирида капитал ҳажми йил бошидагига қараганда кам бўлади. Инвестицияларни хорижга чиқариш, уларнинг мамлакатлар ўртасидаги фаол ҳаракати замонавий жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг ажралиб турувчи хусусиятларига айланди. Инвестицияларни четга чиқариш жаҳон ҳўжалигидаги товарларни четга чиқариш монополиясини тугатди. Ҳозирги вақтда халқаро инвестицияларнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 30%дан ошади. Бу кўрсаткич жаҳон савдосининг ўсиш суръатларидан деярли 5 маротаба ортиқдир. Халқаро инвестициялар ўзида моддий бойлик барпо этиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш, пул ва товар шаклларида жамғарилган захираларни мужассамлаштиради. Ушбу инвестициялар доимий равишда мамлакат ичида бир тармоқдан бошқасига, ҳамда давлатлараро ҳаракатда бўлади.

Инвестициялар турли шаклларда амалга оширилади ва уларни таҳлил қилиш, режалаштириш учун алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳлаштирилади. Хорижий инвестицияларнинг қуйидаги турлари мавжуд: капитал, инновация ва ижтимоий инвестиция.

Капитал инвестиция жумласига асосий фондларни вужудга келтирувчи ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ишлаб чиқаришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Инновация инвестициялар жумласига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Ижтимоий инвестициялар жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради. Хорижий инвестициялар кўламига қараб халқаро доирадаги, яъни халқаро инвестициялар кўринишига ҳам эга бўлади. Қўйилиш объектига, йўналтирилаётган соҳалар ва уларни ишлатишдан олинadиган натижаларга қараб инвестициялар реал ва молиявий шаклларга ажратилади. **Реал инвестициялар** — пул маблағларини корхонанинг моддий ва номоддий

активларига сарфланишидан иборат. **Моддий инвестициялар** асосий капиталнинг элементларини сотиб олиш билан боғлиқ бўлиб, кўпчилик ҳолларда инвестиция лойиҳалари доирасида амалга оширилади. Шунингдек, реал инвестициялар реал капиталнинг ўсишини, яъни ишлаб чиқариш маблағлари, моддий бойликларнинг ўсишини таъминлаши зарур.

Молиявий инвестициялар деб акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар учун сарфланган қўйилмаларга айтилади. Бу қўйилмалар буюм кўринишдаги капиталнинг ўсишини ўзида мужассам этмасада, лекин фойда, шу жумладан, спекулятив фойда, яъни қимматли қоғозлар курси ўзгариши натижасида вужудга келадиган фойда келтиради. Молиявий инвестициялар икки хил кўринишида бўлади. Акцияларни сотиб олиш реал моддий кўринишдаги капитални яратмайди. Лекин келажакда спекулятив кўринишда фойда олиш мумкин бўлади. Акцияларни сотишдан тушган маблағни ишлаб чиқариш учун, асбоб ускуналар сотиб олиш учун сарфлаганда у реал капиталга айланади ва реал инвестиция кўринишини олади. Шу сабабдан қимматли қоғозларни олди-сотди операциялари натижасида олинадиган спекулятив фойда келтирувчи молиявий инвестициялар ва қимматли қоғозларни сотиш натижасида пул кўринишдаги реал молиявий инвестицияларни фарқлаш лозим. Фан-техника тараққиётини тезлашуви билан интеллектуал салоҳият ишлаб чиқаришнинг энг кучли омилига айланди, унинг жиддий унсури бўлиб қолди. XX аср бошларида фан ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун сарфланадиган қўйилмалар ошиб борди. Шунинг учун ҳам жаҳонда реал инвестициялар таркибида илмий изланишлар, фан, таълим, кадрлар тайёрлаш учун сарфланадиган харажатлар ўсиб борди. Масалан, АҚШ, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларда фан ва илмий изланишга сарфланадиган қўйилмалар ўсиш суръатлари асосий фондларга сарфланадиган инвестициялардан устундир. Жаҳон бозорига кириб бориш, кенг қўламда маркетингни ривожлантириш, батафсил ахборотга эга бўлиш, юқори даражадаги компьютерлашган тизимларини ташкил этишни, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва мазкур соҳада дунёдаги ривожланган давлатлар даражасига эришишни талаб этади. Шунинг учун ҳам жадал суръатлар билан ривожланишда реал инвестициялар таркибида фан, техника, таълим, кадрларни қайта тайёрлаш учун сарфланадиган реал инвестициялар асосий ўринлардан бирини эгаллаши зарур. Асосий фондларга сарфланган реал инвестициялар мақсади сарфланиш йўналишлари ва бошқа кўрсаткичларга кўра ҳудудлараро, тармоқлараро, технологик, қайта ишлаб чиқариш таркибларига эга. Асосий фондларга сарфланган инвестицияларни, уларнинг актив (машиналар, асбоб-ускуналар) ва пассив (бино, иншоотлар) қисмларини ташкил этиш учун сарфланган умумий ҳаракат йиғиндисидagi улуши технологик таркибини ташкил этади. Инвестицияларнинг қайта ишлаб чиқариш таркиби уларнинг қандай мақсадларга йўналтирилганлиги янги қурилишга, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтиришга, реконструкцияга ва янги техника билан қайта қурулантиришга жалб қилинган харажатларни умумий харажатлардаги ҳар бирининг нисбий жиҳатдан улушини кўрсатади.

Инвестицияларнинг ҳудудлараро ва тармоқлараро таркиби эса уларнинг нисбий жихатдан ҳудудлар ва тармоқлар бўйича тақсимотини билдиради.


Ривожланган мамлакатларда реал инвестицияларнинг асосий қисмини хусусий инвестициялар ташкил этади. Давлат секторида реал инвестициялар сарфи муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий мувофиқлаштириш сиёсати асосида кредитлар, субсидиялар ажратилади, давлат капитал қўйилмалари мувозанатлаштирилади ва реал инвестициялар ўзлаштирилади. Давлат томонидан ўзлаштириладиган инвестициялар дастлабки бозор инфратузилмасини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантиришга сарфланади. Инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш асосий капиталнинг фаол қисмларини вужудга келтириш ва ўстириш ҳисобига амалга оширилади. Реал инвестицияларни тавсифлаш уларнинг ҳажми ва даромад келтириши асосида амалга оширилади. Молиявий инвестициялар капитални, тўлов ва молиявий мажбуриятларнинг барча турларини ўзида мужассамлаштирувчи, молиявий активларга жойлаштирилишини англатади. Ушбу молиявий воситаларнинг энг муҳимлари қимматли қоғозлардир: улушли (акциялар) ва қарз (облигациялар). Реал инвестициялардан фарқли ўлароқ молиявий инвестицияларни кўпроқ портфель инвестициялар деб аташади, чунки бу ҳолда инвесторнинг асосий мақсади бўлиб молиявий активларнинг мукамал йиғмасини (инвестициялар портфелини) шакллантириш ва қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган турли операцияларни бошқариш ҳисобланади. Молиявий инвестициялар шахсий компаниялар ва давлат идоралари томонидан муомалага чиқарилган акцияларга, облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга ва банк депозитларига, узоқ муддатга жалб қилинадиган қўйилмалардир. Молиявий инвестицияларнинг асосий қисми капитални ноишлаб чиқариш соҳасига сарфланишини билдиради. Молиявий инвестициялар аксарият ҳолатларда реал инвестицияларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Молиявий инвестициялар эркин бозор инфратузилмаси ривожланган мамлакатларда, қимматли қоғозлар бозори орқали капитални соҳалар бўйича тақсимланишида муҳим аҳамиятга бўлган давлатларда кўпроқ тарқалган.

Қуйида келтирилган чизмада хорижий инвестицияларнинг таснифланиш белгилари келтирилган (2.1.2.-чизма). Хорижий инвестициялар инвестиция турлари, инвесторнинг иштирок этиш шаклига, қайта ишлаб чиқариш шаклига, маблағ қўйиш объектига, инвестиция киритиладиган даврига, инвестиция билан таъминлашда иштирок этишнинг хусусиятига ва молиявий хавф даражасига кўра таснифланади.

Инвестицияда қатнашиш тавсифига кўра инвестициялар бевосита ва портфель (билвосита) инвестицияларга ажратилади. Бевосита инвестициялар инвесторнинг ўз молиявий маблағларини жойлаштириш объектини барпо этиш имкониятини беради. Портфель инвестициялар эса тижорат банклари, инвестицион компаниялар ва фондлар ва бошқалар ёрдамида амалга оширилади.

2.1.1-чизма

Хорижий инвестицияларнинг таснифланиши



Инвестициялаш даврига қараб инвестициялар қисқа муддатли (бир йилгача) ва узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ) бўлади. Масалан, оддий акцияларнинг муомалада бўлиши умуман бирор бир муддат билан чекланмайди. Депозит сертификати (олти ой муддатга берилиши мумкин) қисқа муддатли қўйилма тури бўлса, облигациялар (масалан, 20 йилда қайтариш муддати билан) узоқ муддатли қўйилма турига киради. Лекин, узоқ муддатли қимматли қоғозларни сотиб олиш ва қисқа муддатда, масалан олти ой ўтгандан сўнг, инвестор узоқ муддатли воситалардан қисқа муддатли мақсадлар учун фойдаланиш мумкин. Кўпинча инвесторлар ана шундай воситаларни танлайдилар ва ўз пулларини қисқа муддатларга қўйишни хоҳлайдилар. Масалан, яқин олти ой мобайнида инвестор керак бўлмайдиган маблағига олти ойлик муддатга эга бўлган депозит сертификати сотиб олиши мумкин. Қирк ёшга тўлган инвестор пенсияга чиққунча пул йиғиш учун бирон-бир компаниянинг облигациясини 20 йилга сотиб олиш мумкин. Одатда узоқ муддатли инвестициялар капитал қўйилмалар шаклида намоён бўлади.

Мулк шаклларида келиб чиқиб инвестициялар хусусий, давлат, қўшма ва хорижий шаклларга ажратилади. **Хусусий инвестициялар** нодавлат юридик шахсларининг ва фуқароларнинг маблағларини тадбиркорлик фаолияти объектларига қўйилишини англатади. **Давлат инвестициялари** - бу давлат томонидан миллий даромаднинг давлат бюджети маблағлари кўринишида мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши учун сарфлаётган маблағларидир. Инвестиция муносабатлари шу даражада мураккаб ва кўп қирралики, кўпинча давлатлар ўртасидаги муносабатлар хусусий шахслар ўртасидаги муносабатлар билан узвий боғланган бўлади. Бундай алоқа инвестор ҳуқуқ ва талабларни давлатга топширганда яққол кўринади. Хорижий инвестициялар ҳам давлат ёки хусусий инвестициялар шаклида бўлиши мумкин. Биринчи шаклда давлат инвестициялари иштирок этиб, бунда бир давлат бошқа давлатга кредитлар ёки бошқача шаклдаги қарзлар бериши мумкин. Бундай муносабатларга халқаро ҳуқуқ нормалари қўлланилади. Иккинчи шаклда эса, бир мамлакат хусусий фирмалари, компаниялари ёки фуқаролари бошқа мамлакатнинг тегишли субъектларига берадиган инвестициялар тушунилади.

Ҳудудий жойлаштирилиши бўйича инвестициялар ички ва ташқи инвестицияларга бўлинади.

Ҳозирги даврда бир қатор давлатларда моддий ишлаб чиқариш жарёнидаги инвестициялашдан ташқари ижимоий-маданий соҳалар учун, фан тармоқлари учун, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳалари учун, информатика соҳаси, табиатни муҳофаза қилиш учун инвестиция маблағлари ажратилмоқда. Бу инвестициялар хорижий адабиётларда «инсон инвестицияси», «инсон капиталига инвестиция қилиш» деб аталмоқда. Бу инвестициянинг алоҳида бир кўриниши бўлиб, асосан кишиларнинг соғлиғини сақлаш, ақлий ва маънавий ривожланиши учун, ҳаётини узайтириш ҳамда кишиларнинг иш фаолиятида ижодий қатнашиши ва унинг самарадорлигини ошириш учун сарфланади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида инвестициянинг асосий қисмлари соғлиқни сақлаш, маориф учун сарфланмоқда. Бунга мисол қилиб, қишлоқ жойларда врачлик амбулатория

пунктлари, коллеж ва лицейлар қуриш дастурларини мисол қилиб келтириш мумкин.

2.2. Инвестиция фаолиятига тегишли ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ва субъекти


Инвестициялар иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар ҳисобланса, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи **инвестиция фаолияти** деб юритилади. Инвестиция фаолияти тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг бир кўринишидир, шунинг учун ҳам тадбиркорликка хос бўлган белгилар, яъни мулкӣ мустақиллик, ташаббускорлик ва таваккалчилик унга ҳам хос бўлган хусусиятдир.

Инвестиция фаолиятининг объекти моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқариш объектлари ҳисобланади.

Инвестиция фаолиятининг субъектларидан бири инвестор бўлиб, у ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларни, мулкӣ бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни, шунингдек интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти объектларига жалб этишни амалга оширади. Бундай ўзига хос фаолият субъектларининг яна бир катта гуруҳи мавжуд бўлиб, улар инвестиция фаолияти иштирокчилари деб юритилади ва уларнинг асосий вазифаси инвесторнинг буюртмаларини бажарувчи сифатида инвестиция фаолиятини таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

2.2.1-чизма

Инвестиция фаолиятининг иштирокчилари



Инвесторлар буюртмачи (мблағ киритувчи), кредитор, сотиб олувчи бўлишлари, шунингдек инвестиция фаолияти иштирокчиси вазифасини бажарувчи ҳам бўлишлари мумкин.

Инвестиция фаолиятини амалга оширувчилар (инвесторлар) қуйидаги белгилари бўйича таснифланади.

1. Жорий фаолиятнинг йўналишлари бўйича институционал ва индивидуал инвесторлар. Институционал инвесторлар ролида саноат, савдо, транспорт, алоқа ва бошқа соҳалардаги акциядорлик жамиятлари намоён бўлсалар, индивидуал инвесторлар ролида фуқаролар намоён бўлади.

2. Инвестициялаш мақсадлари бўйича стратегик ва бевосита инвесторлар. Улар ўз олдига компанияларни бошқариш ҳуқуқини олишни мақсад қилиб қўядилар. Буни улар бошқа компаниялар акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш ёки уларнинг устав капиталининг катта қисмини эгаллаш орқали амалга оширадилар.


3. Резидентликка тегишлилиги бўйича инвесторлар миллий ва хорижий инвесторларга ажратилади.

2.3. Бевосита ва портфелли хорижий инвестициялар

Мақсадига кўра хорижий инвестициялар бевосита ва портфель инвестицияларга бўлинади. **Бевосита инвестициялар** – бу капиталнинг тўғридан-тўғри экспорти бўлиб, инвестиция киритувчига шу корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради. Бунда корхона асосий компаниянинг хориждаги шахобчасига айланади. Бевосита хорижий инвестициялар (БХИ) асосан хусусий тадбиркорлик капитали шаклида бўлади.

Халқаро статистикада инвестицияларни БХИлар турига киритиш бўйича ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Хорижий инвесторлар томонидан назорат қилиш ҳуқуқини белгиловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлган акционерлик капиталининг ҳиссаси кўрсаткичидан фойдаланилади (2.3.1-расм).

Бир қатор мамлакатларда акционерлик капиталида хорижий инвесторнинг назорат қилиш ҳуқуқини берувчи ҳиссаси



2.3.1-расм

Бу кўрсаткич АҚШда 10%, Франция ва Буюк Британияда 20% га яқин, Германияда 25%дан 50% гача, Ўзбекистонда эса 49% даражасида белгиланган. Шунингдек, шу корхонанинг бошқарувида бевосита амалга оширилаётган инвестицияларнинг узок муддатли эканлиги ҳам унинг муҳим белгиларидан биридир. Инвестициянинг бу кўриниши таваккалчиликни, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги учун маъсулиятни давлат ва аҳоли зиммасига юклагандан, балки уларни тадбиркорлик тизимлари ўртасида тақсимлашнинг энг яхши ва синалган усули ҳисобланади.

БХИ борасидаги яна бир ёндашув бу турдаги инвестицияларни фақат мулкчилик кўлами билан, яъни акционерлик капиталидаги улуши билан боғлиқ, деб кўрсатади. Унга мувофиқ БХИларни:

- а) хорижда акцияларни сотиб олиш орқали;
- б) фойдани қайта инвестициялаш ёрдамида;
- в) фирма ички қарзлари ва қарздорликлари орқали амалга ошириш мумкин.

Кўпчилик иқтисодчилар бу шакллар етарли эмас, деб ҳисоблашади ва асосли равишда турли хил ноакционер шакллар орқали бу рўйхатни давом эттиришади: субконтрактлар, бошқарув келишувлари, франчайзинг, лицензион келишувлар ва бошқалар.

БХИларнинг шакл ва усулларига боғлиқ тушунчалар билан боғлиқ турли хил ёндашувларнинг кўпайиши қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Бу муаммолар умумбашарий тасифга эга бўлиб, ностандарт ёндашувлар ечимини талаб этади.

Бевосита инвестициялар асосан икки гуруҳга ажратилади:

1. Трансконтинентал капитал қўйилмалар.
2. Трансмиллий қўйилмалар.

Трансконтинентал капитал қўйилмалар - инвестиция киритиш учун қулай бозор шароити бўлган бошқа бир давлат ёки қитъага инвестиция экспортини амалга оширишдир. Асосий мақсад – бозорни эгаллаш ва шу континентда янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш. **Трансмиллий капитал қўйилмалари** эса асосан қўшни давлатларга амалга оширилади.

Бевосита инвестициялар икки мақсадда йўналтирилади:

- янги компания ташкил этиш;
- банкрот бўлган компанияларни харид қилиш.

Портфель инвестициялар - шундай инвестицияларки, бунда капитални даромад олиш мақсадида корхоналарнинг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозларини сотиб олиш учун сарфланади. Бундай инвестициялар корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолияти устидан назорат ўрнатиш ҳуқуқини бермайди. Хорижий портфель инвестициялар барча халқаро операцияларни амалга оширишда фирмалар учун муҳим аҳамиятга эга. Бу турдаги инвестицияларга асосан молиявий муаммоларни ечиш учун мурожаат қилинади. Корпорацияларнинг молиявий бўлимлари маблағларнинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга қисқа муддатли инвестициялардан юқори фойда олиш учун ўтказадилар.

Портфель инвестициялар қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

-акционер қимматли қоғозлари - бозор муомаласидаги пул ҳужжати бўлиб, ҳужжат эгасининг ушбу ҳужжатни чиқарган шахсга нисбатан мулкӣ ҳуқуқга эгалигини тасдиқлайди;

-заём қимматли қоғозлар - бозор муомаласидаги пул ҳужжати бўлиб, заём эгасининг ушбу ҳужжатни чиқарган шахсга нисбатан муносабатини тасдиқлайди.

Заём қимматли қоғозлари қуйидаги шаклларда чиқарилади:

-облигация (оддий вексель, қарз мажбурияти) қимматли қоғоз бўлиб, унинг соҳибига кафолатланган ва қатъий белгиланган пул даромади ёки шартнома асосида белгиланган ўзгарувчан пул даромадини олиш ҳуқуқини беради;

-пул бозори дастаклари (ғазна векселлари, депозит сертификатлари), унинг соҳибига маълум бир давр ичида кафолатланган ва қатъий белгиланган пул даромади олиш ҳуқуқини беради.

Бу дастаклар бозорда кўп ҳолларда пасайтирилган нархларда сотилади, нархни пасайтириш даражаси фоиз ставкасининг катта-кичиклигига ва қарзни қопланиш муддатига боғлиқдир. Буларга ғазна векселлари, депозит сертификатлари ва бошқалар киради.

Молиявий деривативлар— бозор нархига эга бўлиб, унинг соҳибига бирламчи қимматли қоғозларни сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқини беради. Буларга опционлар, фьючерслар, варрантлар, своплар киради.

Нота (қарз мажбурияти) - қисқа муддатли (3-6 ой) пулли дастак бўлиб, банк билан келишув асосида қарз олувчининг ўз номига чиқарилади, бозорда жойлаштирилиши кафолатланади ва сотилмаган ноталар сотиб олинади, резерв кредитлар билан таъминланади. Кенг тарқалган ноталар — Евроноталардир.

Портфель инвестициясининг бевосита инвестициялардан афзаллик томони шундаки, улар тугатилиш вақтида қимматли қоғозлар тезда нақд валютага алмаштириб олиниши мумкин. Портфель инвестицияларнинг амалга оширилишининг асосий сабаби — таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда хорижий инвестор ўз маблағларини хорижда максимал фойда келтирувчи қимматли қоғозларга жойлаштириши мумкин. Маълум бир маънода портфель инвестицияси пулни инфляция ва спекуляция йўли билан фойда кўришдан сақлаш воситаси сифатида қаралади. Бунда инвестиция қилинаётган соҳа ҳам, қимматли қоғоз тури ҳам ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, у устама курс ўсишига қараб исталган фойдани бериши керак бўлади.

Қуйида портфель ва бевосита инвестициялар ўртасидаги фарқ жадвал кўринишида (2.3.1-жадвал) яққол тасвирлаб берилган. Жадвалда портфель ва бевосита инвестицияларни капитал чиқариш мақсади, мақсадга эришиш йуллари, мақсадга эришиш усуллари, даромад шакллари каби белгилари келтирилган.

2.3.1.-Жадвал

Бевосита ва портфель инвестициялар ўртасидаги фарқлар.

Белгилар	Бевосита инвестициялар	Портфель инвестициялар
Капитал чиқаришдан асосий мақсад	Хорижий фирма устидан назорат ўрнатиш	Юқори фойда олиш
Мақсадга эришиш йуллари	Хорижда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва олиб бориш	Хорижий қимматли қоғозларини сотиб олиш
Мақсадга эришиш усуллари	а) хорижий фирмага тўлиқ эгаллик килиш б) акциялар назорат пакетини сотиб олиш (ХВЖ низомига биноан компания акционер капиталининг 25%дан кам булмаслиги керак)	Хорижий фирма акционер капиталининг 25%дан (АҚШ, Япония, Германияда 10%дан) камини сотиб олиши
Даромад шакллари	Тадбиркорлик фаолияти фойдаси, дивидендлар	Дивидендлар, фоизлар

Қисқача хулосалар

1. Молиявий инвестициялар таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул бирликлари, банклардаги омонатлар, депозит сертификатлар, акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда тенглаштирилган бойликлар киради. Моддий инвестициялар таркибига асосий фондлар, яъни бинолар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, коммуникациялар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисмлари киради. Ақлий (интеллектуал) инвестициялар микдори жуда ранг-барангдир, яъни улар мулкый ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар, ақлий меҳнатга оид шаклдаги инвестициялар ва табиий ресурслардан фойдаланиш шаклидаги инвестициялардан иборат. Мулкый ҳуқуқлар гуруҳига кирадиган инвестицияларнинг турлари бозор муносабатларининг нечоғлик ривожланганлигига, миллий бозорларнинг ўзига хос томонларига қараб ҳар хил бўлади. Ақлий меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар таркибига муаллифлик ҳуқуқлари, “ноу-хау”, кашфиётлар, товар белгиларига бериладиган лицензиялар ва бошқа хил эгаллик ҳуқуқлари киради.

2. Инвестициялар турли шаклларда амалга оширилади ва уларни таҳлил қилиш, режалаштириш учун алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳлаштирилади. Хорижий инвестицияларнинг қуйидаги турлари мавжуд: капитал, инновация ва ижтимоий инвестиция.

3. Инвестицияда қатнашиш тавсифига кўра инвестициялар бевосита ва портфель инвестицияларга ажратилади. Бевосита инвестициялар инвесторни ўз молиявий маблағлағларини жойлаштириш объектини тиклаш имкониятини беради. Портфель инвестициялар тижорат банклари, инвестицион компаниялар ва фондлар ва бошқалар ёрдамида амалга оширилади.

4. Инвестиция фаолиятининг субъектларидан бири инвестор бўлиб, у ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларни, мулккий бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни, шунингдек интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти объектларига жалб этишни амалга оширади.

Назорат учун саволлар

1. Инвестициянинг шартли равишда қандай турларини ажратиш мумкин?

2. Хорижий инвестициялар кўламига қараб қандай турларга ажратилади?

3. Хорижий инвестицияларнинг қандай шакллари мавжуд?

4. Инвестицияда қатнашиш тавсифи ва мақсадига кўра инвестициялар қандай турларга ажратилади?

5. Инвестициялаш даврига қараб инвестициялар қандай турларга ажратилади?

6. Мулк шаклларидан келиб чиқиб инвестициялар қандай турларга ажратилади?

7. Инвестиция фаолиятига тегишли ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ва субъекти ҳақида тушунча беринг.

8. Бевосита ва портфелли хорижий инвестицияларнинг асосий ўзига хос хусусиятлари ҳамда фарқ қилувчи жиҳатларини тушунтириб беринг.

3-боб. Глобаллашув ҳамда иқтисодий интеграцияллашувнинг кучайиб боришида инвестиция жараёнлари

3.1. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувида хорижий инвестицияларнинг ўрни

Глобаллашув жараёнига қўшилиш - бу дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорликда бўлиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳадаги давлат сиёсатининг ўзаро манфаатли асосда бу давлатлар сиёсатига мос келишидир. Глобаллашув жараёнига иқтисодиётни эркинлаштириш, илмий-техник тараққиётнинг тезлашиши, рақобатнинг кучайиши ва бошқа бир қатор белгилар ҳам хосдир. Замонавий жаҳон иқтисодиёти учун инвестицион фаоллик ва жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг кучайиши муҳим аҳамият касб этади. Ривожланаётган мамлакатлар ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатларнинг халқаро меҳнат тақсимидаги роли ортиб бораётганлиги ҳам унга ижобий таъсир кўрсатади.

МДХ мамлакатларининг пайдо булиши билан хорижий инвесторларнинг инвестицион фаолиятларини амалга оширишдаги янги имкониятлар майдони пайдо бўлди. Шунини айтиш керакки, хорижий инвесторлар бу масалада катта

тажрибага эга. Албатта бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони инвестициялар қабул қилувчи (МДХ) давлатлар учун замонавий ишлаб чиқариш воситаларини қабул қилишдаги инвестицион танлов имконияти яратилди. Бунга оддий ҳол деб қараш керак эмас, чунки, инвестициялар-иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи, уни олға силжитувчи кучдир.

Мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларининг жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар қандай давлат дунёдан ажралган ҳолда жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан ривожланиши мумкин эмас. Ўзбекистон иқтисодиётида чуқур иқтисодий ислохотлар, таркибий ўзгаришлар амалга оширилар экан, хорижий инвестициялар ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди. Маълумки хорижий инвестициялар иқтисодий ривожланиш гарови, иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Яқин йилларгача фақат хом ашё маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган Ўзбекистон бугун дунё харитасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга, бошқа тараққий топган мамлакатлар, авваламбор, АҚШ, Ғарбдаги демократик давлатлар, шарқдаги Япония, Корея, Малайзия ёки шунга ўхшаш давлатларга тенг бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, бунда биринчи галдаги чет эл сармоялари, чет эл инвестицияси ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Ушбу давлатларнинг тарихи шуни кўрсатадики, агар бу хорижий малакатларга сармоя келмаса, инвестиция келмаса, ҳеч қачон бу давлатлар бугунги ривожланиш даражасига кўтарила олмас эди.

Ўзбекистон бугунги кунда йирик хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатлар қаторига кириш учун барча иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий асосларга эга. Лекин бу дегани Ўзбекистонда хорижий инвесторларни жалб қилиш учун барча ишлар қилиб бўлинди, дегани эмас. Эндиги навбатда бу асосларга таянган ҳолда инвестициялар жалб этишнинг механизмларини такомиллаштириш масалалари туради.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни, салмоғи мазкур давлатдаги инвестицион муҳитнинг қанчалик қулайлигини белгилайди. Бу муҳит кўп жихатдан хорижий инвестицияларга нисбатан давлат олиб бораётган сиёсатини ва ташқи иқтисодий фаолиятининг давлат томонидан тартибга солишнинг хусусиятлари билан баҳоланади. Стратегик инвесторлар кўп миқдордаги маблағларни биринчи навбатда иқтисодиёти ўз ички имкониятлари асосида барқарор ва изчил равишда ривожланаётган мамлакатга йўналтиради. Айнан шундай мамлакатлардагина қўйилган маблағлар сақланишига ва барқарор фойда олишга мўлжал қилса бўлади. Ички ва чет эл инвесторларини биринчи навбатда минимал даражадаги солиқ имтиёзлари эмас, балки бизнесдаги кейинги қулай ва мақбул истиқболлар қизиқтиради.

Хорижий инвестициялар иқтисодий жараёнлар ҳисобланиб, жаҳон бозори билан ўзаро яқин ва тўлиқ боғлиқликда бўлади. Шу нуқтаи назардан у кўпгина иқтисодий жараёнларни ўзида камраб олади. Хорижий инвестициялар бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатлар иқтисодиётини таркибий қайта қуриш

суръатларини тезлаштириш имконини беради. Энг муҳим йўналиш сифатида хорижий инвестицияларни жалб этишни ўз ичига олган инвестиция фаолиятининг жадаллашуви бугунги кунда ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлар учун айтиш мумкин. Хорижий инвестицияларни жалб этиш у ёки бу мамлакатда олиб борилаётган сиёсий ва ижтимоий – иқтисодий ислохотларга боғлиқ.

3.2. Киото Протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш

Киото Протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, мулкчилик шаклларида қатъи назар, юридик шахслар томонидан хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда жаҳон бозорида чиқиндилар чиқаришнинг сертификатланган қисқартиришларини сотиб олишни назарда тутувчи инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш учун асос яратади.

Киото Протоколи - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли Конвенциясига (ИЎҲК) 1997 йил 11 декабрда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси томонидан 1999 йил 20 августда ратификация қилинган ва 2005 йил 16 февралдан бошлаб қўйиб кирган бўлиб, “парник эффекти”ни ҳосил қилувчи газларни атмосферага чиқаришни қисқартириш механизмларини белгиловчи ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 6 декабрдаги ПҚ-525-сон қарорига мувофиқ Киото Протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми бўйича (МРМ) Идоралараро кенгаш ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Киото Протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми бўйича Миллий орган ҳисобланади.

Киото Протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш қўйидагиларни ўз ичига олади.

Биринчи босқичда лойиҳа ташаббускори томонидан МРМ Миллий органига ёзма ариза киритилади, аризага МРМ бўйича назарда тутилаётган инвестиция лойиҳаси тўғрисидаги умумий ахборот илова қилинади. Лойиҳа бўйича буюртманома Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишилади. Зарурат бўлганда, лойиҳа бўйича буюртманомага киритиш учун МРМ Миллий органи томонидан лойиҳа бўйича қўшимча ахборот ва ҳужжатлар сўраб олиниши мумкин. МРМ Миллий органи лойиҳа бўйича буюртманома тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда лойиҳани МРМ доирасида барқарор ривожланиш миллий мезонларига мувофиқ амалга ошириш мумкинлигини кўриб чиқади. Лойиҳани МРМ доирасида амалга ошириш мумкинлиги тўғрисидаги масала ижобий кўриб чиқилган тақдирда МРМ Миллий органи Идоралараро кенгашга лойиҳа бўйича буюртманомани маъқуллаш учун лойиҳани амалга ошириш механизми бўйича хулоса ҳамда лойиҳани амалга ошириш учун инвестор танлаш бўйича танлов ҳужжатларига асосий талаблар билан бирга киритади. Идоралараро

кенгаш таклифни такдим этилган ҳужжатлар асосида кўриб чиқади ва лойиҳани амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида ёхуд лойиҳани пухталаштириш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилади. Лойиҳани амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Идоралараро кенгаш томонидан, зарурат бўлганда, айти бир вақтда инвестор танлаш бўйича танлов комиссияси таркиби, танловни ўтказиш муддатлари ва лойиҳани амалга ошириш учун инвестор танлаш бўйича танлов ҳужжатларига талаблар тасдиқланади. Идоралараро кенгаш томонидан лойиҳани амалга ошириш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда МРМ Миллий органи уч кун муддатда лойиҳа ташаббускорини расмий равишда хабардор қилади, хабарномада лойиҳани амалга оширишнинг тавсия этилаётган механизмини ҳамда лойиҳани амалга ошириш учун инвестор танлаш бўйича танлов ҳужжатларига асосий талабларни кўрсатади. Лойиҳани халқаро молия институтлари орқали амалга ошириш механизмини танлашда лойиҳа-техник ҳужжатларни (ЛТХ) тайёрлаш, инвесторларни, ваколатли оператив органларни ва чиқиндиларнинг сертификатланган қисқартиришлари харидорларини танлаш тегишли халқаро молия институтлари томонидан белгиланган тартиботларга мувофиқ амалга оширилади. МРМ Миллий органи томонидан танлов асосида танлаб олиш зарурлиги кўрсатилган тақдирда лойиҳа ташаббускори лойиҳани амалга ошириш учун Идоралараро кенгаш томонидан белгиланадиган муддатлар ва талабларга мувофиқ инвестор танлаш бўйича танлов эълон қилади.

Иккинчи босқичда ташаббускор томонидан МРМ Миллий органига ёзма ариза киритилади, унга қуйидагилар илова қилинади:

- музокаралар давомида эришилган дастлабки ва якуний қиёсий жадваллар, лойиҳа ташаббускори томонидан танланган таклиф кўрсатилган ҳолдаги танлов қатнашчилари таклифлари;

- МРМ тартиботларига мувофиқ ишлаб чиқилган рус ва инглиз тилларидаги лойиҳа-техник ҳужжатлар;

- лойиҳани амалга оширишнинг ойлар бўйича жадвали;

- Гидрометеорология хизмати марказининг лойиҳа бўйича ижобий хулосаси;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг лойиҳа бўйича ижобий экологик хулосаси.

Қуйидагилар Идоралараро кенгаш томонидан лойиҳани баҳолашнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

- лойиҳани амалга оширишнинг умумий иқтисодий мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги;

- лойиҳанинг экология талабларига мувофиқлиги;


- технологик асбоб-ускуналарнинг замонавий сифат стандартларига мувофиқлиги.

Идоралараро кенгаш икки ҳафта муддатда таклифларни такдим этилган ҳужжатлар асосида кўриб чиқади ва лойиҳани амалга оширишнинг мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилади. МРМ бўйича лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланаётган инвестиция лойиҳасига қўшимча деб ҳисобланган тақдирда

асосий инвестиция лойиҳасини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш тартиби ана шундай лойиҳалар учун татбиқ этиладиган амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Асосий инвестиция лойиҳаси бўйича дастлабки техник-иқтисодий асослаш тасдиқлангунгача ёхуд Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро молия институтлари ўртасида ўзаро ҳамфикрлик тўғрисидаги меморандум имзолангунгача лойиҳа бўйича буюртманома бериш босқичида МРМ бўйича лойиҳа компонентини амалга ошириш юзасидан Идоралараро кенгашнинг ижобий қарорини олиш зарур. Идоралараро кенгашнинг лойиҳани амалга ошириш тўғрисида ижобий қарори қабул қилинган тақдирда МРМ Миллий органи лойиҳа ташаббускорини расмий равишда хабардор қилади ва ИЎХК Ижро этувчи кенгашига лойиҳа бўйича маъқуллаш хати жўнатади. МРМ Миллий органидан маъқуллаш хати олингандан кейин МРМ лойиҳаси ташаббускори валидация (лойиҳани тасдиқлаш тўғрисидаги қарор) қилиш ва кейинчалик лойиҳани ИЎХК Ижро этувчи кенгашида МРМ тартиботларига мувофиқ рўйхатдан ўтказиш учун тегишли Ваколатли органни танлаш бўйича масъул ҳисобланади. Лойиҳа-техник ҳужжатлар экспертизадан ижобий ўтказилганда ва Ваколатли оператив орган томонидан тасдиқланганда лойиҳа ташаббускори Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Ахборот-таҳлил департаментига МРМ лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини киритади. МРМ лойиҳаси ташаббускори шунингдек чиқиндилар чиқаришнинг камайиши мониторинги, МРМ талабларига мувофиқ чиқиндилар чиқаришнинг қисқаришини тасдиқлаш ва сертификатлаш бўйича тадбирларнинг бажарилиши учун жавоб беради. Мусаффо ривожланиш механизми бўйича инвестиция лойиҳаларига нисбатан қўлланадиган Барқарор ривожланиш миллий мезонлари қуйидаги чизмада акс эттирилган.(3.2.1-чизма)

Барқарор ривожланиш миллий мезонлари



3.2.1.- чизма

Иқтисодий мезонлар:

-тайёр маҳсулот бирлиги ҳисобига энергия ва хом ашё сарфини камайтириш;

-замонавий технологияларни жорий этиш йўли билан ишлаб чиқариш самарадорлигини ёки табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

-Ўзбекистон Республикасида бозорнинг хусусий секторини ривожлантиришга кўмаклашиш.

Экологик мезонлар:

-атроф-муҳитнинг сақланишига ва ёмонлашишининг олдини олишга кўмаклашиш;

-табиий хом ашё сарфини ва ишлаб чиқариш чиқитларини камайтириш;

-хом ашёдан такрорий фойдаланишга ва тикланаётган табиий ресурслардан фойдаланишга йўналтирилган технологияларни жорий этиш;

-атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш.

Ижтимоий мезонлар:

-аҳолининг иш билан бандлигининг ўсишига ва ҳақиқий даромадларининг ошишига кўмаклашиш;

-лойиҳани амалга оширишга жалб этилган ходимларнинг ва лойиҳа амалга оширилаётган ҳудудда яшайдиган аҳолининг соғлиғини яхшилаш;

-аҳолининг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларидан хабардорлигини ошириш.

Тавсия этилаётган инвестиция лойиҳаси барча Барқарор ривожланиш миллий мезонларини қондириши шарт эмас, лекин кўрсатиб ўтилган мезонларга мувофиқ мамлакатнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак.

3.3. Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш

Инвестиция лойиҳаси (лойиҳа) - иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида инвестициялар киритган ҳолда олдиндан белгиланган муддат мобайнида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар комплекси.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш шартларига боғлиқ ҳолда инвестиция лойиҳаси ҳужжатлари қуйидагича изчилликда ишлаб чиқилади:

а) дастлабки техник-иқтисодий асослаш (ДТИА) - молиялаштириш манбалари ва шартларини келишиш;

б) дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблаш (ДТИХ) - молиялаштириш манбалари ва шартларини келишиш;

в) ишчи лойиҳа-танлов ҳужжатлари.

Инвестиция лойиҳасининг ДТИА (ДТИХ) бўйича хулосаларни кўриб чиқиш ва тайёрлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси томонидан - ДТИА (ДТИХ) ҳамда тегишли вазирликлар ва лойиҳа ташаббускорлари бўлган идораларнинг - Шаҳарсозлик кодекси талабларига, норматив ҳужжатлар талабларига ва қабул қилинаётган қурилиш қийматининг қарор топган бозор конъюнктураси даражасига мувофиқлиги юзасидан тармоқ ҳулосаси тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда;

б) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан - ДТИА (ДТИХ) ва "Давархитектқурилиш" қўмитасининг қуйидагилар бўйича ҳулосаси тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда:

ДТИА бўйича - иқтисодиётни барқарор, мутаносиб ривожлантиришни ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришни, таркибий қайта ўзгартиришларни, тармоқлараро кооперациялашни амалга оширишни, инвестиция сиёсатини рўёбга чиқаришни, ишлаётган қувватлардан фойдаланишни, шунингдек хом ашё ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бозори конъюнктурасини таъминлаш нуқтаи назаридан лойиҳани амалга оширишнинг умумий иқтисодий мақсадга мувофиқлигини баҳолаш юзасидан;

ДТИХ бўйича - ижтимоий аҳамиятини, ижтимоий соҳанинг алоҳида тармоқларини ва "бошқа тармоқлар"ни ривожлантириш бўйича Ҳукумат қарорларига мувофиқлигини ишлаб турган қувватлардан фойдаланишни ва уларни жойлаштиришни мақбуллаштиришни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш юзасидан;

в) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан - ДТИА (ДТИХ) ҳамда "Давархитектқурилиш" қўмитасининг тавсия этилаётган маркетинг концепцияси, тайёр маҳсулотни сотиш истиқболлари асосида жаҳон бозори конъюнктураси, шунингдек тавсия этилаётган технологияга мувофиқ асбоб-ускуналарнинг нархларнинг чекланган параметрлари нуқтаи назаридан лойиҳани амалга ошириш имкониятини баҳолаш юзасидан ҳулосаси тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда кўриб чиқиладди.

Ташаббускор томонидан талаб қилинаётган асбоб-ускуналар (технологик линия), шу жумладан яқка тартибда тайёрланаётганларининг тўлиқ ва муфассал тавсифини тақдим этиш мумкин бўлмаган тақдирда асбоб-ускуналарнинг нархларининг чекланган параметрлари Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ТИА(ТИХ)ни экспертизадан ўтказиш жараёнида баҳоланиши мумкин. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги ўз ваколатлари доирасида ташаббускорга инвестиция лойиҳаларининг ДТИА (ДТИХ)ни ишлаб чиқишда прогнозланаётган уч беш йиллик давр учун ички ва ташқи бозорлар маркетингини ишлаб чиқишни ташкил этишда кўмаклашадилар.

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан - ДТИА (ДТИХ) ва "Давархитектқурилиш" қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг қуйидагилар бўйича ҳулосалари тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда:

ДТИА бўйича - лойиҳанинг молия-иқтисодий самарадорлигини ва қопланувчанлигини баҳолаш, лойиҳанинг мақбул параметрларига эришишни

таъминлайдиган молиялаштиришга эҳтиёжни аниқлаш, шунингдек лойиҳани молиялаштиришнинг тавсия этилаётган вариантларини баҳолаш юзасидан;

ДТИХ бўйича - лойиҳани амалга оширишнинг мумкин бўлган вариантыни танлаш, молиялаштиришнинг тавсия этилаётган схемасининг мақбуллиги, лойиҳанинг мақбул параметрларига эришишни таъминлайдиган молиялаштиришга эҳтиёжини аниқлаш юзасидан;

д) хизмат кўрсатувчи банк томонидан - ДТИА (ДТИХ) ва "Давархитектқурилиш" қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги, лойиҳа ташаббускорларининг кредит тарихини ўрганиш, пул оқимлари таҳлили, таваккалчиликларни баҳолаш ва лойиҳанинг мақбул параметрларига эришишни таъминлайдиган молиялаштиришга эҳтиёжини аниқлаш юзасидан хулосалари тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда. Молиялаштиришни бюджет маблағлари ҳисобига (бошқа манбалардан фойдаланмасдан) амалга ошириш назарда тутилаётган объектлар бўйича хизмат кўрсатувчи банкнинг эксперт хулосаси талаб қилинмайди.

Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектлар, жалб этилаётган кредитларни тўлаш учун маблағлар тақчиллигини бюджет маблағлари ҳисобига узишни назарда тутадиган ДТИА (ДТИХ) бўйича хулосаларида назарда тутилаётган бюджет маблағларининг мақсадга мувофиқлиги (мувофиқ эмаслиги) ҳамда ҳажмлари, шу жумладан солиқ имтиёзлари бериш тўғрисидаги хулосалар мавжуд бўлиши керак.

Ваколатли экспертиза органлари қайта ташкил этилган тақдирда хулоса ҳуқуқий ворис бўлган ташкилот томонидан берилади.

ДТИА (ДТИХ)ни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжат лойиҳанинг номи, унинг ташаббускори, қурилишнинг чекланган қиймати (шу жумладан, импорт технологик ва бошқа асбоб-ускуналарни сотиб олиш харажатлари), объектнинг ҳисоблаб чиқилган қувватини (ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг йиллик ҳажми ва номенклатурасини), шунингдек иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини, шу жумладан экспорт ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Лойиҳанинг тасдиқланган ДТИА (ДТИХ) параметрлари, шу жумладан, харажатлар турлари бўйича молиялаштиришнинг чекланган лимитлари асосида лойиҳа ташаббускори томонидан, белгиланган тартибда:

а) молиялаштириш манбалари белгиланади ва келишилади;

б) пудратчиларни ва лойиҳа бўйича харид қилинадиган технологик - асбоб-ускуналарни етказиб берувчиларни аниқлаш учун танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилади.

Халқаро молия ва иқтисодиёт институтлари (ХМИИ) - давлатлараро битимлар асосида ташкил этилган, Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳаларини молиялаштирувчи (ҳамкорликда молиялаштирувчи) институтлардир.

Хорижий ҳукумат молия ташкилотлари (ХХМТ) - Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳаларини молиялаштирувчи (ҳамкорликда молиялаштирувчи) хорижий ҳукумат молия ташкилотларидир.

ХМIIИ ва ХХМТ қарз маблағлари жалб этилган ҳолда рўёбга чиқариладиган лойиҳаларни кўриб чиқиш ва тайёрлаш икки босқичда амалга оширилади.


Биринчи босқичда лойиҳа ташаббускорлари "Давархитектқурилиш" кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига ХМIIИ(ХХМТ)нинг баҳолашдан олдинги миссиялари ҳисоботлари асосида тайёрланган, лойиҳа қийматининг дастлабки баҳосини ва жалб этиладиган қарз маблағлари миқдорини ўз ичига олувчи лойиҳани амалга ошириш зарурлиги тўғрисида таклифлар киритадилар.


ХМIIИ(ХХМТ)нинг лойиҳани молиялаштириш/ҳамкорликда молиялаштириш юзасидан розилиги олинган тақдирда уларнинг баҳолаш комиссиялари ҳисоботлари асосида Ўзбекистон Республикаси билан ХМIIИ(ХХМТ) ўртасида ўзаро англашув тўғрисидаги меморандум белгиланган тартибда имзоланади. Иккинчи босқичда лойиҳа ташаббускори ХМIIИ(ХХМТ)нинг баҳолаш миссияси ҳисоботи асосида ТИАни ишлаб чиқади ва айти бир вақтда кўриб чиқиш учун ваколатли экспертиза органларига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштиришга(ҳамкорликда молиялаштиришга)тавсия этилаётган инвестиция лойиҳасининг ДТИА(ДТИХ) ва ТИА(ТИХ) ушбу бўлимда баён қилинган талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади (3.3.1-чизма).

Лойиҳаолди ҳужжатлари - қабул қилинган параметрларга кўра лойиҳани амалга оширишнинг имконияти ва мақсадга мувофиқлигини, шунингдек унинг ҳаётийлигини асослаб берувчи ҳужжатлар йиғиндиси ҳисобланади

Лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш схемаси





3.3.1-чизма

Лойиҳаолди ҳужжатларига лойиҳанинг техник-иқтисодий асослаши (техник-иқтисодий ҳисоблаши), материаллар ва асбоб-ускуналар етказиб бериш, қурилиш-монтаж ишларини ва ишларнинг бошқа турларини бажариш юзасидан тендер ўтказиш учун танлов ҳужжатлари; лойиҳанинг якуний техник-иқтисодий асослаши ёки техник-иқтисодий ҳисоблаши, шунингдек молиявий таклифлар ёки кредит ва инвестиция шартномалари (пул маблағлари жалб этилган тақдирда) киради.

Лойиҳа ҳужжатлари - ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган архитектура-шаҳарсозлик ечимлари ва техник ечимларни, қурилишнинг смета қийматини ўз ичига олувчи ҳужжатлар. Лойиҳа ҳужжатлари тасдиқланган техник-иқтисодий асослаш асосида ишлаб чиқилади.

Дастлабки техник-иқтисодий асослаш ёки дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблаш (ДТИА ёки ДТИҲ) - вариантларни кўриб чиқиш асосида лойиҳани оқилона жойлаштириш ва амалга оширишнинг энг самарали техник, ташкилий ва иқтисодий ечимини танлашни, умуман лойиҳанинг чекланган қийматини, шу жумладан, технологик асбоб-ускуналар қийматини асословчи, уни молиялаштиришнинг мумкин бўлган манбалари бўйича вариантларни ҳисобга олган ҳолда молиялаштиришга бўлган эҳтиёж ҳажмини белгиловчи ҳужжат ҳисобланади.

Якуний техник-иқтисодий асослаш ёки техник-иқтисодий ҳисоблаш (ТИА ва ТИҲ) - инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг танлов савдолари асосида ва лойиҳани молиялаштириш шартларини ҳисобга олган ҳолда аниқланган якуний, энг самарали техник, ташкилий ва молиявий-иқтисодий ечимларини белгиловчи лойиҳаолди ҳужжати (3.3.2-жадвал)

Инвестиция лойиҳасининг дастлабки техник-иқтисодий асосланиши қуйидаги ваколатли экспертиза органларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтади (3.3.1-жадвал).

3.3.1-жадвал

Ваколатли экспертиза органлари

Ваколатли экспертиза органлари	Хулоса натижаси (тавсия этилди/ рад этилди)
Иқтисодиёт вазирлиги	
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	
"Давархитектқурилиш" қўмитаси	
Молия вазирлиги	
Ваколатли банк (банклар)	

3.3.2-жадвал

**Инвестиция лойиҳасини техник-иқтисодий асослаш (ТИА)нинг
намунавий таркиби**

	Мазмуни
1	Лойиҳа мақсади (резюме).
2	Лойиҳа буюртмачиси.
3	Лойиҳа стратегияси (лойиҳани яратиш тарихи ва шарт-шароитлари).
4	Маркетинг таҳлили (бозорни ўрганиш, маркетинг концепцияси).
5	Моддий ресурслар.
6	Объектнинг жойлашган жойи.
7	Лойиҳалаштириш ва технология.
8	Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қўшимча харажатлар.
9	Меҳнат ресурслари.
10	Лойиҳани амалга ошириш схемалари.
11	Лойиҳани амалга ошириш вариантларини молиявий баҳолаш.
12	Хулосалар (Лойиҳанинг асосий афзалликлари ва камчиликлари, қабул қилинган вариантнинг муқобил вариантлардан афзалликлари, ноаниқлик таваккалчиликлари ва жиҳатлари, лойиҳани амалга ошириш имкониятини баҳолаш).
13	Миллий ва хорижий валютада (харажатлар алоҳида акс эттирилган ҳолда) молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлар акс эттирилиши керак, уларнинг схема кўринишлари мавжуд бўлиши керак.

1 4	Тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари, шу жумладан қуйидагилар мавжуд бўлиши керак: -юримдик ҳужжатлар; -контракт ҳужжатлари; -смета ҳужжатлари ва молиявий ҳужжатлар; -эксперт ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар; -тайёр маҳсулотни сотиш ва хом ашё, материаллар харид қилиш маркетинг тадқиқотлари бўйича ҳужжатлар.
------------------------------	--

3.4. Инвестицияларнинг экспорти ва импорти.

Тобора кенгайиб бораётган капиталлар бозорининг байналмилаллашув жараёни бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар ўртасидаги капитал оқими ҳажмининг ортиб бориши билан ажралиб туради. **Халқаро капиталлар оқими** - бу ишлаб чиқариш омилларидан бирининг ҳаракатидир. Бунда алоҳида товар ва хизматлар бошқа мамлакатлардаги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий афзаллиги туфайли ўша томонга оқиб ўтади. Бу ҳақда бевосита ва портфель инвестициялар ҳажмининг умумий ўсиши, қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ҳажмининг ортиши, евравалюта бозорларидаги операциялар миқёсининг ошиб бориши ва бошқалар дарак беради.

Халқаро капиталлар миграцияси халқаро иқтисодий муносабатларда етакчи ўринлардан бирини эгаллар экан, у ўз навбатида жаҳон хўжалиги ривожига сезиларли таъсир ўтказади. Бу таъсир, авваломбор, капиталлар миграциясининг жаҳон иқтисодиётини ўсиш суръатларида ўз аксини топади. Капитал ишлаб чиқаришнинг қулай инвестиция муҳити мавжуд соҳаларни излаб, чегараларни кесиб ўтади. Халқаро инвестициялар кўпчиликл мамлакатлар учун ишлаб чиқаришдаги капитал етишмаслиги муаммосини ҳал этиш, инвестиция салоҳиятини ошириш ва иқтисодий ўсиш суръатларини тезлатиш имконини беради. Капиталнинг четга чиқиши халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Мамлакатлараро капиталлар ҳаракати улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди, ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви ва кооперациялашувини чуқурлаштиради.

Халқаро капиталлар миграцияси жаҳон савдоси ривожини рағбатлантирар экан, у мамлакатлар ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширади, жумладан, халқаро корпорациялар филиаллари ўртасидаги оралик маҳсулотлар айирбошланишини тезлаштиради. Молиявий бозорларнинг ўзаро интеграциялашув ва байналминаллашув шароитида капиталнинг халқаро тақдорий ишлаб чиқарилиши таъминланади ҳамда халқаро иқтисодий алоқалар механизмининг самарадорлиги ошади. Бошқа томондан эса назорат қилинмайдиган капиталлар оқими мамлакат тўлов баланси мувозанатининг бузилишига ва валюта курсининг сезиларли даражада тебранишига олиб келади.

Деярли барча мамлакатлар амалда инвестицияларни ҳам экспорт, ҳам импорт қилади (чунки, БХИлар асосан ТМК орқали амалга оширилади) ёки

инвестицияларни етказиб берувчи (қаерда ТМК бош бошқарув бўлими жойлашган бўлса) ҳамда қабул қилувчи (ТМК ўз шахобчалари, бўлимларига эга бўлса, улар БХИлар асосида ҳаракат қилишади) сифатида иштирок этишади.

Халқаро капиталлар миграцияси билан боғлиқ оқибатлар мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий мақсадларини амалга оширишга бевосита таъсир ўтказади. Табиийки, улардан кутиладиган салбий ва ижобий оқибатлар ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек, ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар учун турличадир. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам салбий оқибатларни четлаб ўтган ҳолда фақатгина ижобий омиллардан фойдаланиш мумкин эмас. Хорижий капитални жалб қилиш билан боғлиқ ўта мураккаб ва зиддиятли жараён бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатида бу борада устувор йуналишларни белгилаб олиш лозим бўлади.

Ҳозирги кунда капиталларни жалб қилиш ва четга чиқариш борасидаги салбий оқибатларга қарамасдан капитални четга олиб чиқиш тенденцияси тобора кучаймоқда. Четга капитал олиб чиқишни фаоллаштирувчи омиллардан бири миллий иқтисодиётлар ўртасидаги ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлик ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви капиталлар халқаро миграциясига катта таъсир ўтказади ва унинг ҳаракатини тезлаштиради. Капитал экспорти айниқса, бевосита инвестициялар шаклида четга олиб чиқилиши ишлаб чиқаришнинг халқаро тус олишига ва халқаро маҳсулот деб аталмиш маҳсулотларнинг яратилишида асосий омил ҳисобланади. Халқаро капиталлар миграцияси жаҳон хўжалигининг ривожланишида рағбатлантирувчи омил сифатида юзага чиқиши билан биргаликда хорижий капитални жалб қилувчи ва экспорт қилувчи мамлакатлар учун турли оқибатларга олиб келувчи таъсир ўтказади.

Капитални экспорт қилувчи мамлакатлар учун капиталлар миграцияси қуйидагича салбий таъсир кўрсатиши мумкин:

- четга чиқарилаётган капитал ўрнини қопловчи хорижий инвестицияларни жалб қилмаслик четга капитал чиқарувчи мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатларини секинлаштириши мумкин;

- капитални экспорт қилувчи мамлакатлар учун капитални четга чиқариш уларда бандлик даражасининг пасайишига олиб келади;

- четга капитал чиқариш мамлакат тўлов балансида салбий таъсир қилади.

Капитални қабул қилувчи мамлакатлар учун эса қуйидаги ижобий томонлар хос:

- бошқариладиган капитал импорти мамлакат иқтисодий ўсишига ёрдам беради;

- жалб қилинган капитал қўшимча иш ўринларини яратади;

- хорижий капитал янги технологияларни олиб келади, самарали менежмент эса мамлакатда илмий-техника тараққиёти (ИТТ)ни тезлаштиради;

- капиталнинг кириб келиши реципиент мамлакат тўлов балансининг яхшиланишига олиб келади.

Ўз навбатида капитални жалб қилишнинг салбий оқибатлари ҳам мавжуд:

- хорижий капитал миллий капиталнинг ўрнини эгаллаб, уни фойда нормаси юқори тармоқлардан сиқиб чиқаради, натижада маълум шароитлар

таъсирида мамлакат иқтисодиётининг бир томонлама ривожланиши ва унинг иқтисодий ҳолати хавф остида қолиши мумкин;

-капитал импорти кўпинча реципиент мамлакат бозорларида ўз ҳаётий циклини ўтаб бўлган товарларни ўтказиш билан боғлиқ, шунингдек, ишлаб чиқаришдан сифатсизлиги аниқланганлиги боис олиб ташланган товарлар билан боғлиқ бўлади;

-ссуда капитали импорти мамлакат ташқи қарзининг кўпайишига олиб келади;

-молиявий инқирозлар натижасида ва фонд бозорларидан капиталнинг оқиб кетиши мамлакат валютасининг барқарорлигига ва умумий молиявий-иқтисодий ҳолатга жиддий зарар етказади. Мисол учун 1997 йилда Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида юз берган молиявий инқироз ва унинг жаҳон иқтисодиётига таъсирини келтириш мумкин.

ТМКларнинг кўплаб филиаллари орқали капитал қўйиш ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперациялашувига олиб келади. Турли мамлакатларнинг мустақил юридик компаниялари бир халқаро корпорация доирасида тармоқли, технологик, деталли ихтисослашув орқали яқин алоқада бўлишади. Капитал экспорти эса бу алоқаларни мустаҳкамлайди.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодий ўсишни таъминлаш, саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш, бандиликни ошириш учун салмоқли ҳажмдаги хорижий капитални жалб этиш билан боғлиқ иқтисодий сиёсатлари ҳам капиталлар миграциясини рағбатлантирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатлар эса инвестиция муҳитини эркинлаштириш орқали хорижий капитални жалб этиш ва бу орқали иқтисодий ривожланишга туртки беришга ҳаракат қилишади. Капиталларнинг халқаро ҳаракатини рағбатлантирувчи омиллардан яна бири халқаро молиявий ташкилотлар фаолияти бўлиб, улар капиталлар оқимини тартибга солиб туришади.

Мамлакатлар ўртасида тузилган даромадлар ва капиталларни икки карра солиққа тортишнинг олдини олиш мақсадидаги халқаро келишувлар ўз навбатида мамлакатлар ўртасидаги савдо, илмий-техник ҳамда инвестицияларни жалб қилиш борасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди.

Амалда дунёдаги барча мамлакатлар БХИларни фаол қўллаб-қувватлашмоқда. Уларнинг эркин ҳаракати учун қулай муҳит яратишга интилмоқда, мавжуд чекланишлар бекор қилинмоқда, амалдаги бозор рақобати учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон капитални импорт қилувчи мамлакат сифатида жаҳон майдонига чиқмоқда. Бу борада бир қатор миллий манфаатлар ҳисобга олинади. Кириб келаётган хорижий инвестициялар ҳозирча етишмаётган миллий ресурсларни тўлдириши, замонавий технологиялар, ускуналар, «ноу хау»ни олиб кириши, хорижий мутахассислар, эксперт ва консультантларни жалб қилиш туфайли маҳсулот сифати ва ишчи кучи малакасини ошириши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, кўшимча иш жойлари

яратади, ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий кооперация туфайли мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига ёрдам беради.

Қисқача хулосалар

1.Глобаллашув жараёнига қўшилиш - бу дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорликда бўлиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳадаги давлат сиёсатининг ўзаро манфаатли асосда бу давлатлар сиёсатига мос келишидир. Глобаллашув жараёнига иқтисодиётни эркинлаштириш, илмий-техник тараққиётнинг тезлашиши, рақобатнинг кучайиши ва бошқа бир қатор омиллар ҳам хосдир.

2.Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни, салмоғи мазкур давлатдаги инвестицион муҳитнинг қанчалик қулайлигини белгилайди. Бу муҳит кўп жихатдан хорижий инвестицияларга нисбатан давлат олиб бораётган сиёсатини ва ташқи иқтисодий фаолиятининг давлат томонидан тартибга солишнинг хусусиятлари билан баҳоланади.

3.Киото Протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, мулкчилик шаклларида қатъи назар, юридик шахслар томонидан хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда жаҳон бозорида чиқиндилар чиқаришнинг сертификатланган қисқартиришларини сотиб олишни назарда тутувчи инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш учун асос яратади. Киото Протоколи - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли Конвенциясига 1997 йил 11 декабрда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси томонидан 1999 йил 20 августда ратификация қилинган ва 2005 йил 16 февралдан бошлаб кучга кирган, парник газларини атмосферага чиқаришни қисқартириш механизмларини белгиловчи ҳужжат ҳисобланади.

4.Инвестиция лойиҳаси (лойиҳа) - иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида инвестициялар киритган ҳолда олдиндан белгиланган муддат мобайнида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар мажмуасидир.

5.Халқаро капиталлар миграцияси халқаро иқтисодий муносабатларда етакчи ўринлардан бирини эгаллар экан, у ўз навбатида жаҳон хўжалиги ривожига сезиларли таъсир ўтказади. Бу таъсир, авваломбор, капиталлар миграциясининг жаҳон иқтисодиётини ўсиш суръатларида ўз аксини топади. Капитал ишлаб чиқаришнинг қулай инвестиция муҳити мавжуд соҳаларни излаб, чегараларни кесиб ўтади. Халқаро инвестициялар кўпчилик мамлакатлар учун ишлаб чиқаришдаги капитал етишмаслиги муаммосини ҳал этиш, инвестиция салоҳиятини ошириш ва иқтисодий ўсиш суръатларини тезлатиш имконини беради.

Назорат учун саволлар

1. Глобаллашув жараёнига қўшилиш нимани англатади?
2. Глобаллашув жараёнига хос бўлган қандай белгилар мавжуд?

3. Киото Протоколи қандай ҳужжат ҳисобланади?
4. Киото Протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми ва инвестиция лойиҳаларини тайёрлашнинг ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?
5. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли Конвенциясининг асосий мақсади нима?
6. Киото Протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш нималарни ўз ичига олади?
7. Мусаффо ривожланиш механизми бўйича инвестиция лойиҳаларига нисбатан қўлланадиган Барқарор ривожланиш миллий мезонларини тушунтириб беринг.
8. Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш шартларига боғлиқ ҳолда инвестиция лойиҳаси ҳужжатлари қандай изчилликда ишлаб чиқилади?
9. Халқаро капиталлар миграцияси ва оқими ҳақида тушунча беринг.

4-боб. Хорижий инвесторлар ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари

4.1. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қурулантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Ўзбекистонда Президентимиз И.Каримов раҳбарлигида Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга стратегик устувор вазифа сифатида қаралиб, мазкур масала давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган. Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда. Энг муҳими, хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилган. Булар Ватанимиз равнақи,

халқимиз фаровонлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда чет эл инвестициясини жалб этишнинг тегишли ташкилий-ҳуқуқий, институционал тузилмалари ва инфратизимини яратиш ҳамда мавжуд шарт-шароитларни изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганини яққол тасдиқлайди. Айниқса, бунда қонуний қафолатларни яратиш алоҳида аҳамият касб этди. Мамлакатимизда ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солувчи "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонун ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ушбу қонунларни қабул қилиш, уларга замон талабларига мос равишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб боришнинг сабаби битта - қаерда имтиёз ва шароит яратилган бўлса, қонуний қафолат бериладиган бўлса, шу ёққа инвестиция келади. "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонун йигирма иккита моддадан иборат бўлиб, унинг ўнинчи моддасида чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари алоҳида белгилаб қўйилган.

Чет эллик инвестор халқаро ҳуқуқ принциплари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- инвестициялашни амалга оширишнинг ҳажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш;

- инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

- ўзининг инвестицияларига ва инвестиция фаолиятининг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш. Чет эллик инвесторнинг қарорига биноан инвестицияларга, уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Ҳуқуқлар бошқа шахсга берилганда тарафларнинг ўзаро муносабатлари шартномалар асосида тартибга солинади;

- Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция фаолияти натижасида олинган ўзига қарашли ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини чет элларда ва Ўзбекистон Республикасида патентлаштириш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилиш;

- инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни мустақил ва эркин тасарруф этиш (шу жумладан уни монеликсиз репатриация қилиш);

- Ўзбекистон Республикасига кредитлар ва қарзлар тариқасида пул маблағлари жалб этиш;

- ўз ҳисобварағидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш учун фойдаланиш;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва шартларда ер участкаларига доир ҳуқуқларни сотиб олиш;

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўзига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган мол-мулк ва ҳар қандай мулкӣ ҳуқуқлардан зиммага олган мажбуриятларнинг, шу жумладан қарз маблағларини жалб этишга қаратилган мажбуриятларнинг барча турлари бўйича таъмин сифатида фойдаланиш;

- ўз инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция қилинган тақдирда мутаносиб равишда товон олиш;

-давлат бошқарув органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳамда қарорлари натижасида етказилган зарарларни ундириш.

Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

4.2. Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасидаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилардир:

-Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 4.12.1998 й.;

-Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.;

-Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя чоралари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори, 28.10.2009 й.;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 11.04.2005 й.

Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида", "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунлари хорижий инвестицияларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий, молиявий барқарорлик чет эл инвестицияси учун ҳар томонлама қулай шароит яратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати натижасида қабул қилинаётган имтиёзли муҳитни яратувчи қонунлар чет эллик инвесторларда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда.

Маълумки, чет эл инвесторлари мамлакатимиз ҳудудида ўз ишлаб чиқариш фаолиятини, қоидага кўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш йўли билан амалга оширадилар. Ўз эҳтиёжлари учун юртимиз ҳудудига замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар, уларга бутловчи буюмлар, шунингдек, хомашё ва материаллар олиб кираётган хорижий инвесторлар учун амалдаги қонун ҳужжатларида муайян имтиёзлар назарда тутилган. Жумладан, "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддаси ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка божхона божи солинмас эди. Янги қонун асосида - чет эллик инвесторлар учун янада қулай муҳит яратиш

мақсадида юқорида қайд этилган ҳар икки қонунга ўзгартишлар киритилди. Эндиликда нафақат чет эллик инвесторлар, айни чоғда, устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ҳам ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кирадиган мол-мулк бўйича бож ундирилишидан озод қилиндилар. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддасида ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида белгиланган имтиёзлар устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналарга ҳам татбиқ этиладиган бўлди. Янги қонунда кўзда тутилган имтиёзлар ана шу хайрли мақсадларга эришишимизда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Ушбу қонун халқимиз фаровонлигини оширишда ҳам улкан ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади. Хусусан, аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари очиш, энг замонавий технология ва жиҳозларни келтириш ҳисобига иш унуми ва самарадорлиги ошиши муқаррар. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятига доир ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида хорижий инвестициялар масаласига бевосита тааллуқли бўлган қонунлар муҳим ўрин тутди. Вақт ўтиши билан иқтисодий ўсишнинг жадал боришини таъминлаш, республика иқтисодиётига хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларини жалб қилиш ва умуман жаҳон андозаларига эришиш учун хорижий инвестициялар соҳасидаги мавжуд қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш зарурати объектив равишда пайдо бўлди. Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш стратегияси бўлажак чет эллик инвесторларнинг манфаатларини ҳамда миллий иқтисодиётга зарар келтирмаган ҳолда уларни қондириш имкониятларини ўрганишга асосланади. Бунинг учун, бир томондан, иқтисодиётни таркибан қайта қуришга қаратилган бир қатор аниқ лойиҳаларни амалга ошириш зарур бўлади; иккинчи томондан, ички инвестиция ресурслари чекланган бир шароитда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти жуда юқори баҳоланади. Инвестиция муҳитини янада яхшилаш шартларидан бири банк тизимини такомиллаштириш, молия бозорида рақобатни вужудга келтириш, нақд пулдаги ва нақд бўлмаган пулдаги операцияларни амалга оширишни яхшилаш, шунингдек хорижий инвесторларни ахборот билан таъминлашни яхшилашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларнинг бошланиш давридан чет эл инвестицияларини жалб қилишга тузилмавий қайта қуришнинг ҳамда умумжаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кириб боришини тезлаштирувчи омил сифатида асосий устуворлик берилди. Ҳозирда, Республикада хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳуқуқий база яратилди, инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий инвесторларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма барпо қилинди ва бу жараён такомиллашиб бормоқда. Бу борада «Валютани тартибга солиш» тўғрисидаги қонун қабул қилинди, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг вазифалари қайта кўриб чиқилди, ва унинг миллий валютани конвертацияси ҳамда импорт контрактларини рўйхатдаи

ўтказиш билан боғлиқ бўлган вазифалари бекор қилинди. Жумладан, 2003 йил 15 октябрдан миллий валюта жорий халқаро операциялар бўйича эркин конвертациясининг очилиши мамлакатдаги инвестиция иқлимини яхшилашга ва хорижий инвестициялар оқимининг кўпайишига катта имкониятлар яратди. 1998 йил 30 апрелда Олий Мажлис томонидан янги ҳужжат — "Чет эл инвестициялари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоялаш мақсадида яратилган шарт-шароитлардан ташқари, Республика томонидан Адлия вазирлигига уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат органи ваколоти берилди. Жумладан, Адлия вазирлигининг таркибида 2003 йилдан бошлаб чет эл инвесторлари манфаатларига зарар етиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича махсус бўлинмалар ташкил этилди. Олиб борилаётган амалий ишлар натижасида, иқтисодиёт тармоқлари бўйича хорижий капиталнинг таркибида маълум бир силжишлар юз берди.

4.3. Инвестиция шартномалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 августдаги 180-сонли қарорига асосан "Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби" тўғрисида низом ишлаб чиқилган. Мазкур Низомга Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 июлдаги 133-сонли қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддасига мувофиқ чет эллик инвесторларга қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) беришда улар билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан инвестиция шартномалари тузиш тартибини белгилайди. Чет эллик инвесторлар билан уларнинг қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериш билан боғлиқ бўлмаган инвестиция мажбуриятларини мустаҳкамлашга йўналтирилган шартномаларни тузиш ва амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Низомга мувофиқ чет эллик инвесторларга қуйидаги йўналишларда кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериш кўзда тутилган:

- барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётини прогрессив таркибий ўзгартиришларни таъминловчи устувор тармоқларни ривожлантирилишида;

- республиканинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришни, республикани жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашни таъминловчи устувор лойиҳаларни амалга оширилишида;

- хом ашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга

йўналтирилган кичик тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларни инвестициялашнинг амалга оширилишида.

Бунда солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қўшимча имтиёзлар хорижий инвесторлар томонидан ташкил этилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга фақат аниқ белгиланган муддатга берилади ва муддатсиз тусда бўлиши мумкин эмас. Қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериладиган чет эллик инвесторлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида инвестор билан инвестиция шартномаси тузилади. Инвестиция шартномаси инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция фаолияти объектларига нисбатан ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди. Инвестиция шартномаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда чет эллик инвестор (инвесторлар) ўртасида тузилади. Инвестиция шартномаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан чет эллик инвесторга қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) берилган тақдирда мажбурий тартибда тузилади. Бундай кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолатлари беришни, махсус божхона, солиқ ва тўлов режими яратишни, лойиҳаларни амалга ошириш давлат мониторингини юритишни, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга кўмаклашишни, инвестиция дастурига киритишни ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ўз ичига олиши мумкин.

Инвестиция шартномасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- инвестициялар объекти ва ҳажми;
- инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати ва шартлари;
- инвесторнинг, шу жумладан инвестициялаш ҳажми, ишлаб чиқаришнинг муайян ҳажмини таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва сифатининг кафолатланган даражаси, ўзи ишлаб чиқарган товарлар экспорти ва кўрсатадиган хизматлари ҳажми, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида жалб этиладиган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига, меҳнат қонунчилигига ва техника хавфсизлигига риоя қилиш, ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа соҳалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, шу жумладан қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари бериш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, пудрат ишларига шартномалар тузиш муддатлари, молиялаштириш манбалари, лойиҳани амалга ошириш жадваллари, инвестиция лойиҳасининг амалга оширилишини техник назорат қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар;
- чет эллик инвестор томонидан унинг мажбуриятлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

-томонларнинг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилмаганлиги учун жавобгарлиги;

-ўзгартиришлар киритиш тартиби;

-инвестиция шартномасининг амал қилишини тўхтатиш тартиби;

-инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш тартиби ва кўриб чиқиш жойи.

Инвестиция шартномасида инвестиция лойиҳаси хусусиятига қараб бошқа шартлар, шу жумладан:

-томонларнинг минтақанинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ўзаро мажбуриятлари;

-инвесторнинг шартномани бажариш натижасида ўзига тегишли маҳсулотни ва олинган фойдани (даромадларни) Ўзбекистон Республикасидан четга чиқариш ҳуқуқи;

-чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси жисмоний шахслари бўлган ходимларни ёллаш ва ўқитиш бўйича мажбуриятлари, технологиялардан фойдаланиш шартлари, шунингдек инвесторнинг инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугаллангандан кейин ташкил этилган ташкилотнинг ходимларини ўқитиш бўйича мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

Чет эллик инвестор инвестиция шартномасини тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига қуйидагиларни тақдим этади:

-инвестиция шартномасининг лойиҳаси;

-қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ваколатли органларда экспертизадан ўтказилган техник-иқтисодий асослаш (техник-иқтисодий ҳисоблаш) негизида бажарилган асосий иқтисодий кўрсаткичлар;


-инвестиция шартномаси лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси юзасидан - Адлия вазирлигининг хулосаси;

-чет эллик инвесторларга ва (ёки) ташкил этиладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонага қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча равишда солиқ солиш бўйича имтиёзлар ва преференциялар бериш юзасидан - Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси хулосалари.

Зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги чет эллик инвестордан инвестиция шартномаси лойиҳасини баҳолаш билан боғлиқ бўлган қўшимча материалларни сўраб олиши мумкин. Чет эллик инвестор томонидан тақдим этилган инвестиция шартномаси лойиҳаси ва бошқа материаллар инвестиция шартномаси лойиҳаси олинган кундан бошлаб ўн тўрт иш куни мобайнида ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилади. Зарурат бўлган тақдирда, инвестиция шартномаси қоидаларини келишиб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда чет эллик инвестор (инвесторлар) ўртасида музокаралар ўтказилади. Чет эллик инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан имзоланган инвестиция шартномаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги

томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига уни тасдиқлаш тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилиш учун киритилади. Агар инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослаши (техник-иқтисодий ҳисоби) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши керак бўлса инвестиция шартномасини тасдиқлаш тўғрисидаги тегишли банд инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослаши (техник-иқтисодий ҳисоби)ни тасдиқлаш ҳақидаги Ҳукумат қарори лойиҳасига киритилиши мумкин. Агар инвестиция шартномасида солиқ ҳамда божхона имтиёзлари ва преференциялари бериш назарда тутилса бундай шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади. Чет эллик инвестор билан инвестиция шартномаси агар ушбу қарорда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, уни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кучга киради. Чет эллик инвестор инвестиция шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига (ТИАИСВ) қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

Инвестиция шартномасини тузиш ва амалга ошириш схемаси



Манба: "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 30-31-сон, 232-модда.

ТИАИСВ инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг чет эллик инвестор томонидан бажарилишини назорат қилади.

Қисқача хулосалар

1. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида", "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

2. Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоялаш мақсадида яратилган шарт-шароитлардан ташқари, Республика томонидан Адлия вазирлигига уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат органи ваколати берилди. Жумладан, Адлия вазирлигининг таркибида 2003 йилдан бошлаб чет эл инвесторлари манфаатларига зарар етиш ҳолатларини олдини олиш бўйича махсус бўлинмалар ташкил этилди. Олиб борилаётган амалий ишлар натижасида, иқтисодиёт тармоқлари бўйича хорижий капиталнинг таркибида маълум бир силжишлар юз берди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорига асосан "Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби" тўғрисида низом ишлаб чиқилган. Ушбу Низом "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ чет эллик инвесторларга қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) беришда улар билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан инвестиция шартномалари тузиш тартибини белгилайди. Чет эллик инвесторлар билан уларнинг қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериш билан боғлиқ бўлмаган инвестиция мажбуриятларини мустақамлашга йўналтирилган шартномаларни тузиш ва амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторлар учун берилган ҳуқуқларни тавсифлаб беринг.

2. "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмуни ва моҳиятини тушунтириб беринг.

3. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг қандай ҳуқуқий асослари мавжуд?

4. Ўзбекистон Республикаси "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонунининг мазмунини тушунтириб беринг.

5. "Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби" тўғрисидаги низомнинг моҳияти ва мазмуни нималардан иборат?

6. “Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби” тўғрисидаги низомга мувофиқ чет эллик инвесторларга қандай кафолатлар ва ҳимоя чораларига эга бўлади?

7. Инвестиция шартномасининг таркибига нималар киради?

8. Инвестиция шартномасида инвестиция лойиҳаси хусусиятига қараб қандай шартлар бўлиши мумкин?

5-боб. Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг илмий - услубий асослари

5.1. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётга жалб қилишнинг объектив зарурлиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузасида қуйидаги фикрларни таъкидлади: “2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларида зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестициялар жалб қилинишини эътиборга оладиган бўлсак, ўйлайманки, амалга ошириладиган лойиҳаларнинг кўлами ва салмоғи ўз-ўзидан аён бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 46 фоизга ошади”^{6[6]}.

Ушбу фикрлар хорижий инвестицияларни жалб қилиш, уни иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятини ўта муҳимлигини англатади.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг мунтазам равишда кенгайтириб борилиши, узоқ муддатли инвестициявий қарзларнинг ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши Ўзбекистондаги Инқирозга қарши чоралар дастурида етакчи ўрин тутди. Қуйидаги рақамлар бу тўғрида энг ишончли маълумотларни беради: 2009-2014 йилларда модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан 2009 йилнинг 12 мартида тасдиқланган дастур доирасидаги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молиявий ташкилотлар, икки томонлама шартномалар ва етакчи хорижий компанияларнинг умумий миқдори 22 миллиард

^{6[6]} Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

доллардан зиёд кредитлари ва инвестицияларни жалб этиш кўзда тутилган эди. Ҳозирги кунда умумий қиймати 19 миллиард доллардан ортиқроқ бўлган 80 дан зиёд лойиҳаларни инвестициялаш ва молиялаш бўйича аниқ манбалар белгиланиб, хорижий шериклар билан шартномалар имзоланди.

Бу шериклар орасида Осиё Тараққиёт банки (ОТБ), Жаҳон банки (ЖБ), Ислом Тараққиёт банки (ИТБ) ва бошқа халқаро молиявий институтлари алоҳида ўрин тутди. Узлуксиз макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш, тузилмавий ўзгаришларни изчил амалга ошириб бориш, шунингдек, иқтисодиётни ҳамда унинг таянч ва ижтимоий инфратузилмаларини босқичма-босқич модернизациялаштириб боришни таъминлашга қаратилган Ўзбекистон иқтисодий стратегияси халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик кўламининг янада жадал ўсиб боришига замин яратади.

Умуман айтганда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосида чуқур ўйланган, Ўзбекистонга хос хусусиятлар тўла ҳисобга олинган иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос ва ўзимизга мос модели мужассам. Ушбу дастурнинг изчил амалга ошириб келиниши мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификациялашган, жаҳон бозорига рақобатбардош, кенг даражада хилма-хил тайёр маҳсулотлар билан чиқаётган, узлуксиз юқори суръатлардаги иқтисодий юксалишга мойил, жиддий расмий омиллар ва бенуксон кредит тарихига эга бўлган замонавий иқтисодиётга айланишини таъминлайди.

Бу, ўз навбатида, инқирознинг нафакат салбий оқибатларини юмшатишга, балки Ўзбекистон иқтисодиётини янада кучли ва бардошли иқтисодиётга айлантиришга қаратилган инқирозга қарши чораларнинг кенг миқёсли комплекс дастурини ишлаб чиқиш ҳамда уни тезроқ амалга ошириш имконини берди. Бунда эса энг ҳал қилувчи вазифа — хорижий инвестициялар ва узоқ муддатли инвестициявий кредитларни жалб этиш эвазига иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш асосини тубдан модернизациялаш, уни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдан иборат.

Маълумки, хорижий инвестицияларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юқори ликвидли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг реал секторини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш имконини беради. Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун ўтган 2009 йилда Президентимиз қарорлари асосида республикада инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бир қанча қарор ва дастурлар қабул қилиниб, ҳаётга кенг татбиқ этилди.

Бозор иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустақамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳимлигини эътироф этиш баробарида унинг иқтисодий моҳиятини англаб этиш мақсадга мувофиқдир.

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида **чет эл инвестициялари** деб эътироф этилади.

“Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунга кўра Ўзбекистон Республикасида қуйидагилар чет эллик инвесторлар бўлиши мумкин (5.1.1-чизма)



5.1.1-чизма

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

-биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

-иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор

соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

-учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

-тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

5.2.Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсати

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси уларнинг иқтисодий юксалишида фаол инвестиция сиёсати марказий ўринни эгаллашини тасдиқлайди. Шу боис Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадлари унинг инвестиция сиёсатида тўлиқ акс эттирилишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузасида - “Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат”^{7[7]}- деб таъкидлади.

Мустақилликка эришилгандан бошлаб, мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлидан бормоқда. Бу йўлда инвестиция сиёсатининг аҳамияти жуда катта. Чунки инвестициялар иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар, техник ва технологик янгиланишлар, корхоналарни қайта таъмирлаш ишларини амалга оширишни рағбатлантиради, мамлакат экспорт ва импорт салоҳиятини оширишга имкон яратади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон ўз тузилмавий инвестиция сиёсатини олиб бормоқда (5.2.1 - чизма)

^{7[7]} Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

Ўзбекистон Республикасининг тузилмавий инвестиция сиёсати



Тузилмавий инвестиция сиёсати худудлар, тармоқлар ва корхона инвестиция сиёсатларидан таркиб топиб, улар ўзаро боғлиқдир. Худудлар инвестиция сиёсати - инвестицияни сарфлашда аҳоли, худуд ва инвестор манфаатларини ҳисобга олган ҳолда самарали ишлатишга имкон берувчи худудда олиб бориладиган чора-тадбирлар мажмуи. Тармоқ инвестиция сиёсати эса бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини таъминловчи тармоқлар, саноат маҳсулотларини экспорт қилиш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш, илмий-техника тараққиётини инвестиция йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Давлат тузилмавий инвестиция сиёсатида янги тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш, аҳолининг истеъмол товарлари, иш жойларга бўлган талабини қисқа вақт ичида юқори даражада таъминлашга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларга амал қилмоқда:

- эскирган ишлаб чиқаришларни секин-аста муомаладан чиқариб ташлаш;
- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш;
- тўлов қобилятига эга бўлган ва талабга мос ҳолда ишлаб чиқариш тузилмаларини яратиш;
- ишлаб чиқариш ресурсларидан ва илмий-техника салоҳиятидан имкон қадар юқори даражада фойдаланишни таъминлаш;
- мамлакатнинг экологик ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва уни кучайтириш;
- самарали, рақобатга асосланган ишлаб чиқаришлар, бозор инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш соҳаси ва интеллектуал фаолиятлар ривожланишини уйғунлаштириш;
- иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш ва янги тармоқларни барпо этиш;

-аҳолининг иш билан бандлигини ва ҳамда иқтисодий фаоллигини ошириш;

-худудлар ижтимоий инфратузилмасини тўлиқ шакллантириш.

Тузилмавий инвестиция сиёсатини олиб боришда муҳим стратегиялар ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг моҳияти кичик иқтисодий субъектлар ривожланишини қўллаб-қувватлашдан иборат. Мазкур ишларни амалга оширишда хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда сиёсий барқарорлик, инвестиция муҳитини жуда қулайлиги хорижий инвесторлар узок муддатли инвестиция лойиҳаларини тузишда асос бўлмоқда. Бундан ташқари, жалб этилган чет эл инвестициялар ва кредитлар учун кафолатлар тақдим этиш, солиқ ва божхона таърифлари бўйича имтиёзлар, заём ва фоиз ставкаларини субсидиялаш каби шарт-шароитлар яратилмоқда, ўнлаб қонуний ҳужжатлар амал қилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг асосий йуналишлари орасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

-инвестиция жалб қилиш учун халқаро меъёрлар ва конвенцияларга мос келадиган, саноати ривожланган мамлакатлар инвесторлари томонидан тан олинадиган ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга интилиш;

-республикага жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб берадиган ва иқтисодиётнинг замонавий тузилишини вужудга келтиришга ёрдам берадиган инвесторлар учун очик эшиклар сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш;

-ишлаб чиқариш билан боғлиқ инвестицияларни киритишга кўмаклашиш;

-мамлакатнинг кредит қобилиятини қўллаб-қувватлаш;

-мамлакатнинг айрим минтақаларида ижтимоий ва экология муаммоларини ҳал қилишга қаратилган инвестицияларни киритишга ёрдам бериш.

5.3.Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш шакллари ва уни тартибга солишнинг жаҳон тажрибаси

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимида кўшилишига, рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд. Улар қуйидаги чизмада акс эттирилган(5.3.1-чизма)

5.3.1-чизма

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари



Чизмада акс эттирилган хорижий инвестицияларни жалб қилиш шаклларини куйида алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Қўшма корхоналар ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш кенг тарқалган шаклларида бири ҳамкорликда қўшма корхоналарни ташкил этишдир. Ўзбекистон Республикасида қўшма корхона деганда, низом капиталининг камида 30 % хорижий инвесторларга тегишли бўлган ва хорижий инвестор фақат юридик шахс бўлган, низом капиталининг энг кам миқдори 150 минг АҚШ доллариға тенг бўлган эквивалент суммани ташкил этган корхоналарга айтилади. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхона низом жамғармасининг 150 минг АҚШ долларида кам бўлмаслиги сифатсиз маҳсулотларининг олди-сотдиси ва уларни республикага импорт қилиш ишлари билан шуғулланишга ихтисослашган кичик қўшма корхоналарнинг керагидан ортиқча кириб келишининг олдини олиш мақсадида белгиланган.

Хорижий корхоналарни ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш бугунги кунда кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ташкил этилиши мумкин. Йирик хорижий компания ва корхоналар ўз мол-мулклари бир қисмини ажратиб, шуъба корхоналар очиши мумкин. Бундай шуъба корхоналарга ҳам қўшма корхоналарга қўйилган талаблар белгиланган.

Икки ёки учдан ортиқ давлат ёки корхоналар ўз капиталларини жамлаган ҳолда халқаро ташкилотлар ташкил этиши мумкин.

Концессия шартномалари - бу табиий бойликларни, айрим фойдали казилмаларни қазиб олиш ва ўзлаштириш учун тузилган шартномалардир.

Лизинг шартномаси чет эл инвестициялари иштирокида асбоб - ускуналарни, техника - технологияларни узоқ муддатга ижарага олишдир.

Тендерлар – бу танлов асосида инвесторларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб этилишидир.

Эркин иқтисодий ҳудуд - бу маълум ҳудудда чет эл инвестициялари эркин кириб келиши ва уларга нисбатан қатор имтиёзлар белгиланган ҳудуддир. Ўзбекистон Республикасининг "Эркин иқтисодиёт ҳудудлар тўғрисида"ги Қонунида эркин иқтисодий ҳудудга қуйидагича таъриф берилган: "Эркин иқтисодий ҳудудлар - минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир". Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш жараёнида давлат қўллаб-қувватловчи, рағбатлантирувчи ҳамда назорат қилувчи сифатида бош ислоҳотчи бўлиши лозим. Давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида қатнашиши хорижий тажрибасида аниқ намоён бўлади, масалан, Хитой ҳукумати 1 доллар чет эл инвестицияларини жалб этиш учун 4 доллар ўз маблағларини сафарбар этган. Натижада, миллий ва асосан, хорижий инвесторлар ҳудудларга инвестициялар кирита бошлаган, бу эса ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётини ривожига учун пойдевор бўлиб хизмат қилди. Россияда яратилган эркин иқтисодий ҳудудларга Находка, Калининград вилояти, Санкт-Петербург шаҳри ва бошқалар қиради. Қозғоғистондаги биринчи эркин иқтисодий ҳудудлар 1991 йилда пайдо бўлган. Булар: Жезқозғон вилоятдаги "Жайрен-Атасу", Қостанай вилоятдаги "Лисаков" ва Олмаота шаҳардаги "Отакент" эркин иқтисодий ҳудудларидир.

2009 йилда Навоий вилоятида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг асосий объектларидан бири сифатида Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро ташишлар бўйича интермодаль марказ қурилиши юзасидан катта ишлар амалга оширилди.

Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси – жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган. Навоий эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон

бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат.

Ўтган йил мобайнида «Кореан Эйр» компаниясидан миллий авиакомпаниямиз ижарага олган замонавий транспорт самолётлари билан ушбу аэропортдан халқаро йўналишлар бўйича 330 дан ортиқ рейс амалга оширилди ва қарийб 8,5 минг тонна юк ташилди. Бу Навоий шаҳри аэропортини глобал логистика тармоғига интеграциялаш имконини берди.

Молиявий активлар - бу қимматли қоғозлар бўлиб, у чет эл капиталини жалб этиш, чет эл кредитларини олиш ва чет эл капиталини банк депозитларига жалб этиш учун эмиссия қилинади.

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестициясини фаол жалб этиш учун, нафақат, ҳудудлар балки, тармоқларда, шунингдек, инвестиция фаолиятининг субъекти ва объектларида ҳам инвестицион жозибадорлик рейтингларини таҳлил этиб, ҳисоблаб чиқиш мувофиқ ҳисбланади.

Ривожланган мамлакатлар халқаро капитал ҳаракатини, асосан, капитал экспорти-импортини миллий ва халқаро даражада рағбатлантириш орқали амалга оширадилар. Капиталнинг қарзлар, портфель инвестициялар ва бошқалар шаклида ҳаракат қилиши борасидаги давлат сиёсати унинг ҳаракатидаги барча чеклашларни олиб ташлаш мақсадида олиб борилади. Барча хорижий инвестицияларгарга нисбатан давлат ҳар қандай чеклашларни амалга ошириш ҳуқуқини ўз зиммасида қолдиради, чунки бу миллий иқтисодий ҳавфсизлик билан боғлиқ. Шуниси ҳарактерлики, капитални четга чиқариш уни жалб қилишга нисбатан кам даражада тартибга солиниб турилади.

5.4.Ўзбекистон Республикасида инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. 2009 йили иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этди, бу эса 2008 йилга нисбатан 24,8 фоиздан кўп демакдир. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўсди, энг муҳими, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар бўлиб, уларнинг ҳажми 1,8 баробар ошди.^{8[8]} Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий

^{8[8]} Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Қуйида берилган жадвалда мамлакатимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар, шунингдек тўғридан-тўғри киритилган инвестицияларни йиллар бўйича ўзгариш динамикаси келтирилган.(5.4.1-жадвал)

5.4.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб қилинган ва тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар ҳажмининг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси

Йил	Хорижий инвестициялар (млн. АҚШ доллари)	Тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар (млн. АҚШ доллари)
2001	823.9	96.5
2002	516.5	80.1
2003	602.1	166.7
2004	754.6	333.8
2005	746.6	545.5
2006	895.7	683.8
2007	1009,3	768,4
2008	1700	1258
2009	2856	2264

Манба: Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари

Жадвалда кўриниб тартибдики 2009 йилда хорижий инвестициялар ҳажми салкам 2,9 млрд.АҚШ долл. ташкил этан. Бу кўрсаткич 2008 йилдагидан 1 млрд.АҚШ доллардан ортиқроқ ҳажмда ўсган. Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда. Энг муҳими, хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилган. Ушбу яратилган инвестиция муҳити иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмини йилдан-йилга ортишига олиб келмоқда.

5.4.2-жадвал

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларининг асосий капиталига киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

Трмоқлар	Инвестиция ҳажми (млрд.сўм)	Жамига нисбатан %
Ҳаммаси	8483,7	100
Ишлаб чиқариш соҳасига	6397,5	75,4
саноат	2556,6	30,1
жумладан:		
ёқилғи-энергетика саноати	1170,2	13,8
металлургия саноати	430,2	5,1
кимё ва нефт кимёси саноати	164,4	1,9
машинасозлик саноати	190,2	2,2
енгил саноат	240,1	2,8
озик-овқат саноати	198,1	2,3
қурилиш материаллари саноати	100,3	1,2
Қишлоқ хўжалиги	258,4	3,1
Қурилиш	191,5	2,3
Транспорт ва алоқа	2227,6	26,3
Савдо	212,1	2,5
Геология ва геолог.қидирув	903,8	10,7
бошқалар	47,5	0,4
Ишлаб чиқариш учун мўлжалланмаган мақсадларда	2086,2	24,6
Уй-жой қурилиши	841,8	9,9
Коммунал хўжалик	123,6	1,5
Таълим	134,4	1,6
Соғлиқни сақлаш	748,9	8,8
Маданият ва санъат	43,3	0,5
бошқалар	194,2	2,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвалда кўриниб турибдики, 2008 йилда жами 8483,7 млрд.сўмлик инвестиция мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларининг асосий капиталига киритилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, инвестицияларнинг асосий қисми иқтисодиётнинг транспорт ва алоқа тармоқларига йўналтирилган бўлиб у 2227,6 млрд.сўмни ёки умумий инвестиция ҳажмига нисбатан 26,3 % ташкил этди. Шунингдек ёқилғи-энергетика саноатига 1170,2 млрд. сўм ёки умумий инвестиция ҳажмига нисбатан 13,8 %, геология ва геология қидирув соҳаси учун 903,8 ёки умумий инвестиция ҳажмига нисбатан 10,7 % ва металлургия саноатига 430,2 млрд.сўм (5,1%) инвестиция киритилган.

5.5. Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури бу - давлат томонидан хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирилувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда хорижий инвесторлар учун қулай

инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукаммал ҳуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури – ички ва ташқи сиёсатнинг умумий йўналиши ҳисобга олинган ижтимоий-иқтисодий ва хусусий хўжалик қарорлари мажмуаси бўлиб, маблағлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакат ичига ва хорижга киритилган сармояларнинг йўналиши ва жойлашувини белгилайди. Ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсиши, иқтисодий ўсиш суръатлари, моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатининг кўтарилиши ва бутун инфратузилмасининг ривожланиши кўп жиҳатдан инвестиция ва инвестиция дастурига боғлиқ. Инвестиция дастури давлатнинг инвестиция маблағларини мамлакатда моддий бойликлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун сафарбар қилиш вазифасидан иборатдир. Ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан давлат сиёсатининг бу соҳаси унинг тегишли идоралари томонидан ушбу сиёсатнинг мақсад ва вазифалари амалга ошириладиган фаолиятдир. Инвестиция дастурининг ташқи томони ҳам бор бўлиб, у иқтисодиётни замонавий техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида жадал ривожлантириш вазифасини ҳал этиш учун иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб этишни ўз ичига олади. Бу вазифани қўшма корхоналар барпо қилиш, яъни тўғридан-тўғри хорижий хусусий инвестициялардан фойдаланиш йўли билан ҳал этиш мумкин. Шу муносабат билан хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари долзарблашади. Аниқ, самарадор ва ҳаётий риоя қилинадиган қонунларига эга бўлган очиқ ва либерал инвестиция дастури хорижий инвестицияларни жалб этишнинг қудратли қуролидир. Бундай сиёсатни ишлаб чиқиш республиканинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолиши керак.

Хорижий инвестиция фақат ишлаб чиқариш ва бозор ривожланган шароитда, яъни халқаро бозордаги сармоя экспорти бунгача мавжуд бўлган товарлар экспортидан юқори бўлганда пайдо бўлади.

Давлат инвестиция жараёнини ташкил қилувчи ва асосий инвестор бўлиб хизмат қилиши керак – ижтимоий сиёсат нуқтаи назаридан бу унинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Инвестицияларнинг микдорий ўсиши ички инвестиция дастури (маблағларни ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ҳисобига сафарбар қилиш) воситасида таъминланади. Инвестициялар сифатининг ўсиши ички (фан ва техника ютуқларини татбиқ қилиш) ва тегишли ташқи инвестиция дастури (хорижий инвестициялар-техник таркиби ва хусусиятига кўра юқорироқ бўлганларини жалб этиш) воситасида таъминланади. Ички инвестиция дастури ҳам ташқи инвестиция дастури ҳам инвестициялашнинг турли манбаларидан турли шакллардаги инвестицияларни жалб этиш заруриятини назарда тутди. Инвестиция дастурининг моҳияти ва мазмуни энг қулай ҳуқуқий воситаларни топиш – инвестиция жараёни ва инвестицияни ҳуқуқий тартибга солишдан иборат. Рационал инвестиция

дастурини амалга ошираётган давлат ихтиёрида ҳуқуқий тартибга солишнинг икки воситаси мавжуд: миллий-ҳуқуқий ва халқаро-ҳуқуқий. Давлатнинг ташқи инвестиция дастури ҳуқуқий нуқтаи назардан хорижий инвестициялар учун қулай ҳуқуқий муҳит яратишдан иборат бўлиб, бу миллий ҳуқуқий тартибот, миллий ҳуқуқий шакллар ва нормалардан (қонунлар ва бошқа меъёрий актлар) ҳамда халқаро-ҳуқуқий тартибот, халқаро-ҳуқуқий шакл ва нормалардан (икки ва кўп томонлама шартномалар ва битимлар) фойдаланишни назарда тутди. Буларнинг барчасида ҳам ички, ҳам ташқи инвестиция сиёсатлари ҳисобга олиниши шарт.

Инвестиция дастурининг аниқ мақсадга йўналтирилган ва илмий асосланган асосий вазифаси давлатнинг жамиятда моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун инвестиция маблағларини сафарбар қилиш бўйича фаолият юритишдан иборат. Инвестиция фаолияти (ингл. investment activity) – бу инвестиция киритиш ва инвестицияларни амалга ошириш бўйича олиб бориладиган амалий ҳаракатларнинг йиғиндисидир.

Инвестиция дастури алоҳида давлатлар томонидан инвестиция муносабатлари субъектларининг (давлатлар, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий) инвестиция фаолиятини кучайтириш мақсадида чоралар тизимини назарда тутди. Инвестиция фаолияти эса унинг субъектларининг инвестицияни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятлари йиғиндисидир.

Инвестиция дастури товар-пул муносабатларини такомиллаштириш шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур сиёсат ривожланган товар-пул муносабатларида унча катта аҳамиятга эга эмас. Чунки ўз-ўзини бошқарувчи иқтисодиёт шароитида инвестиция дастури асосан тартибга солувчи аҳамиятга эга бўлади. Инвестицион лойиҳаларнинг манзилий дастури ҳар йили ишлаб чиқилиб, молиялашнинг асосий манбалари асосида инвестицион лойиҳаларнинг керакли рўйхатини ўз ичига олади.

Инвестицион лойиҳаларнинг манзилли дастурига киритишнинг зарур шартлари мавжуд:

- техник - иқтисодий асосларнинг мавжудлиги;
- шартномада кўрсатилган кредитларнинг вақтида қопланганлиги ва молиялаштириш манбалари тасдиғининг мавжудлиги ҳам зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 420-сонли “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ишлаб чиқилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси инвестицион дастури ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлашнинг муҳим қисми бўлиб давлат инвестиция сиёсатининг асосий йўналишларини акс эттиради. Дастурнинг асосий мақсади бўлиб, Ўзбекистон иқтисодиётини динамик ривожланишига, Ўзбекистон иқтисодиётнинг зарур структуравий ўзгаришларни амалга оширишга, иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар асосида жаҳон иқтисодий тизимига кенг интеграцияси, табиий минерал хом

ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш ҳисобланади.

Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

- капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ёрдамида прогноз қилиш;
- муҳим инвестицион таклифларнинг таққослама рўйхати;
- инвестицион лойиҳаларнинг манзилли дастури.

Дастур қуйидагиларни амалга оширишга йўналтирилган капитал қўйилмалар прогнозини ўз ичига олади:

- табиий минерал хом ашё молиявий моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарасини ошириш;

- давлат бюджети республиканинг ички ва ташқи қарздорлиги билан боғлиқлиги;

- молиявий маблағлар билан тасдиқланган объектларни ва кредитлар қайтарилиши, шунингдек, қурилиш ва қуриш материаллари саноатидаги кучларнинг баланслаштиришни киритиш;

- иқтисодий ва экологик жиҳатдан асосланган янги корхоналарни жойлаштириш ва регионларнинг комплекс ривожланишини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритувчи корхоналарда қўшимча кучларни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш инфраструктурасидаги ва меҳнат ресурсларидаги табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция дастурининг молиялаштиришда асосан хорижий инвестициялар катта ўрин эгаллайди.

Мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди. Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимизда инвестицияларни жалб этишда аввало ички манбаларни сафарбар этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ёки мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтиришда инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари – корхона фойдаси, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва бошқалардан кенгроқ фойдаланиш зарурлигини англатади. Чунки, ички манбаларнинг тўлиқ сафарбар этилиши, бир томондан, мавжуд иқтисодий ресурслардан тежамли ва оқилона фойдаланишни таъминласа, бошқа томондан, инвестицияларнинг самарадорлигини оширади.

Мамлакат миқёсидаги инвестиция фаолиятини самарали амалга ошириш мақсадида **инвестиция дастури** ишлаб чиқилади.

Инвестиция дастури - республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал-хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан республика айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг

асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чора-тадбирлар комплекси.

Инвестиция дастурларида муайян даврда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, уларнинг бажарилиш босқичлари ва сарфланиши кўзда тутилган маблағлар қиймати ҳудудлар ва тармоқлар бўйича акс эттирилади. Инвестиция дастурлари узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, унда ҳар бир йил учун мўлжалланган чора-тадбирлар алоҳида ифодаланган бўлади.

Шунингдек, мамлакатимизда техник модернизациялаш бўйича **тармоқ дастурлари** ҳам ишлаб чиқилиб, уларда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришнинг замонавий андозаларига ўтиш, тежамкор ва самарали технологияларни қўллаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади.

5.5.1-жадвал.

Модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантиришнинг тасдиқланган тармоқ дастурлари

Тармоқлар	Лойиҳалар сони, дона	Лойиҳалар қиймати, млн. долл.
Пахта тозалаш саноати	41	129,7
Тўқимачилик саноати	65	477,7
Ёғ-мой саноати	63	31,7
Кимё саноати	30	291,7
Автомобиль саноати	26	255,1
Қурилиш материаллари саноати	36	343,1
«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси	9	49,0
Фармацевтика тармоғи	45	26,5
Навоий тоғ-кон металлургия комбинати	26	892,1
Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати	13	405,3
Қишлоқ хўжалик машинасозлиги	13	28,0
Темир йўл тармоғи	18	1734,2

Жумладан, мамлакатимизда 2009-2014 йилларга мўлжалланган ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чоралари дастури умумий қиймати 42,51 млрд. долл.дан иборат 852 та инвестиция лойиҳасини ўз ичига олади. 2009 йилда тасдиқланган айрим тармоқ дастурлари тўғрисидаги маълумотни қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (5.5.1-жадвал).

Республикаимизда 2009 йил мобайнида қайд этиб ўтилган инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди. Бунинг натижасида 22 та йирик ишлаб чиқариш объекти, жумладан, нефть-газ, кимё, металлургия саноатида 8 та, машинасозлик саноатида 9 та ва қурилиш индустриясида 5 та объект фойдаланишга топширилди. Йил давомида ниҳоясига етказилган бир қатор

стратегик лойиҳаларни қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (5.5.2-жадвал).

5.5.2-жадвал.

2009 йил давомида ниҳоясига етказилган стратегик лойиҳалар

Лойиҳа объекти	Лойиҳанинг қисқача мазмуни
«Фарғонаазот» корхонаси	Аммиак агрегатларини реконструкция қилиш
«Максам-Чирчиқ» корхонаси	
Наманган шаҳридаги енгил автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш заводи	Енгил автомобиллар учун фара ва чироқлар ишлаб чиқариш
Бухоро шаҳридаги «ДЭУ текстил» тўқимачилик комплекси	Пахта толасини қайта ишлаш асосида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш
«Газли» қўшимча компрессор станцияси	Газ маҳсулотларини истеъмолга тайёрлаш ва ишлов бериш жараёнларини таъминлаш
«Қўнғирот» компрессор станцияси	
Туркменистон-Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой трансмиллий магистрал газ қузури	Туркменистондан Ўзбекистон ҳудуди орқали Хитойга ўтадиган газ қузурини тортиш ишлари
«Янги Ангрен–Ўзбекистон» ЛЭП-500 электр узатиш линияси	Мамлакат ҳудудларини электр энергияси билан таъминлаш
«Ўзор–Сурхон» юқори вольтли электр узатиш линияси	
«Оҳангарон–Пунгон» магистрал газ қузури	Мамлакат ҳудудларини табиий газ билан таъминлаш

Бундан ташқари, ҳудудларимизда, аввало, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда кичик бизнес соҳасида фаолият олиб борадиган 480 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини оширишда мамлакатимиз ҳудудларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда, электр ва газ тармоғини барпо этиш бўйича стратегик инвестиция лойиҳаларининг мамлакатимиз учун нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этишини яна бир бор таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Айнан шу йўналишдаги ишларнинг амалга оширилиши натижасида:

1) мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш ишлари якунланиб, улардан узлуксиз ва тежамли фойдаланишни назорат қилиш ва таъминлаш;

2) Фарғона водийси ва Ўзбекистон жанубида яшайдиган аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан ишончли таъминлаш;

3) электр энергия экспорт қилишни сезиларли равишда ошириш имкониятлари қўлга киритилди.

Хусусан, мамлакатимизда электр, табиий газ ва ичимлик суви таъминотини замонавий талаб даражасида йўлга қўйиш борасида:

- меъёргадагидан ортиқча ёки кам қувват билан ишлаётган 283 та трансформатор подстанцияларини янгиларига алмаштирилди (ушбу тадбирларга 2,9 млрд. сўм маблағ сарфланди);

- меъёргадагидан ортиқча қувват билан ишлаётган 308 км электр тармоқларини алмаштириш ишлари амалга оширилди (1 млрд. сўм);

- ҳудудларда жами 964,2 км газ тармоқларида қурилиш ва реконструкция ишлари тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилди;

- ҳудудларда 2,3 минг км сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди;

- 366 та қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик суви объектлари қуриб фойдаланишга топширилди (19 млрд. сўм).

Қисқача хулосалар

1. Чет эл инвесторлари, асосан, даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

2. Бозор иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади.

3. Тузилмавий инвестиция сиёсати ҳудудлар, тармоқлар ва корхона инвестиция сиёсатларидан таркиб топиб, улар ўзаро боғлиқдир. Ҳудудлар инвестиция сиёсати инвестицияни сарфлашда аҳоли, ҳудуд ва инвестор манфаатларини ҳисобга олган ҳолда самарали ишлатишга имкон берувчи ҳудудда олиб бориладиган чора-тадбирлар мажмуи.

4. Инвестиция дастурларида муайян даврда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, уларнинг бажарилиш босқичлари ва сарфланиши кўзда тутилган маблағлар қиймати ҳудудлар ва тармоқлар бўйича акс эттирилади. Инвестиция дастурлари узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, унда ҳар бир йил учун мўлжалланган чора-тадбирлар алоҳида ифодаланган бўлади.

Назорат учун саволлар

1. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳиятини тушунтириб беринг.

2.Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилишнинг объектив зарурлигини асослаб беринг.

3.Ўзбекистон Республикасида яратилган қандай имтиёзли молиявий шароитлар мавжуд?

4.Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсати қандай ўзига хос жиҳатларга эга?

5.Тузилмавий инвестиция сиёсати нима?

6.Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг қандай шакллари мавжуд?

7.Ўзбекистон Республикасида инвестицияларни жалб қилишнинг қайси асосий йўналишларини биласиз?

8.Инвестиция дастурининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

9.Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурининг моҳиятини тушунтириб беринг.

6-боб. Хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришнинг замонавий шакл ва усуллари

6.1. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун имтиёзлар

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, хорижий инвесторларни ўз маблағларини мамлакатимиз иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган. Улар қуйидаги чизмада ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасида яратилган имтиёзли молиявий шароитлар

Кўрилган зарарларнинг қопланиши учун кафолатлар

Хорижий инвесторлар капиталининг сақланиши учун кафолатлар

Солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар

Фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги

Миллий сўмда ва чет эл валютасида олинган фойдаларни ўтказиш ва олиб чиқиб кетиш имконияти

Божхона имтиёзларининг мавжудлиги

6.1.1-чизма

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга амалдаги солиқлар ва божлар юзасидан қатор енгилликлар, имтиёзлар белгиланган. Ушбу имтиёзларнинг амал қилиши бевосита мамлакатимизда юритилаётган инвестиция сиёсатининг асосий негизларидан бирини ташкил этиб, ўз ижобий самарасини бермоқда. Масалан, Республикаимизда хорижий инвесторлар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан бож тўлови олинмайди, Республика инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга сарф этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари даромад (фойда) солиғидан 7 йил муддатга озод этилган, корхона жамғармасида хорижий инвестиция маблағлари ҳиссаси 50% ва ундан юқори бўлса, улар 2 йил муддатга даромад (фойда) солиғидан озод қилинган ва бошқа солиқ имтиёзлари белгиланган.

Ўзбекистонда мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини (жумладан, имтиёзларни бериш) амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланилади:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;
- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;
- республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини юритиш;
- маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналарнинг бир маромда фаолият юритиши ва инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Солиқ кодекси чет эл сармояларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ва тартибини белгилаб беради. Сир эмаски, ўз маблағини бирор мамлакат иқтисодиётига киритмоқчи бўлган чет эллик сармоядор биринчи навбатда ўзи учун яратилган имтиёз ва енгилликларни билишни истайди. Шу ўринда «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ чет эллик инвесторлар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шунингдек чет эллик инвесторларнинг ва чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида турган чет давлатлар фуқароларининг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан бож тўлови олинмаслигини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда хорижий инвесторларга қонуний фаолият натижасида олган фойдалари ва бошқа даромадларини бирор-бир чекловларсиз исталганча чет давлатга ўтказиш имконияти кафолатланади. Бундан ташқари, хорижий инвесторлар Республика банкларида ҳеч бир чекловларсиз исталган валютада ҳисоб рақамига эга бўлишлари мумкин.

Хорижий инвестицияси бўлган корхона амалдаги қонунларга биноан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспортга чиқариш ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар импортини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Хорижий инвесторларга табиий бойликларни қидириш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ва бошқа хўжалик ишларини юритиш учун концессиялар берилиши мумкин. Концессион шартномалар хорижий инвесторлар билан Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг вакил қилинган органлари ўртасида тузилади. Хорижий инвестициялари бўлган корхонадан чиқиш ёки бундай корхонанининг тугатилиш ҳолларида хорижий инвесторлар шу корхона мулкидан ўзининг ҳиссасини корхона мулки билан қийматига мутаносиб равишда пул ёки натура тариқасида қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Хорижий инвестициялар иштирокида тузилган корхоналарнинг хўжалик ишларида ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида олиб борилиши лозим.

Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган шарт-шароитлар халқаро шартнома ва хорижий инвесторлар билан келишувларда кўрсатилган шарт-шароитлар фарқ қилса, халқаро шартнома ва келишувга асосан фаолият юргизилади. Шундай қилиб, яратилган ҳуқуқий асослар хорижий ҳамкорларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай шароитлар яратиб, уларнинг ҳуқуқлари ва сарфлаган инвестициясини ҳимоя қилади.

Ҳозирга келиб, Ўзбекистон ҳудудида хорижий компаниялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни асосан ниҳоясига етказилди ва амалда қўлланилмоқда. Бу фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг қуйидаги тизими ишлаб чиқилган:

- хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларнинг қатнашиши;
- техникавий қайта қуруланиш;
- халқ истеъмоли ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Ўзбекистон Республикаси хорижий инвестицияларни миллийлаштириш ва реквизиция қилинмаслигига кафолат беради. Хорижий инвестициялар фақат фавқулодда ҳолатларда, авария, эпидемия тарқалган вақтларда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан реквизиция қилиниши мумкин. Бу ҳолат инвесторга кўрсатилган зарар миқдорида компенсация қиланади.

Хорижий инвесторларнинг қонуний фаолиятлари орқали қилинган даромадлари хорижий валютада, чегараланмаган миқдорда чегарадан олиб ўтишлари давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш мақсадида инвесторларга бир қатор имтиёзлар (иқтисодий платформа) берилади.

Хорижий инвестициялар билан ташкил этилган корхоналар (савдо, воситачилик, хом ашё етказиб берувчилардан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан бошлаб:

- даромад (фойда) солиғидан биринчи йил 25 фоиз қисмидан, иккинчи йил 50 фоиз қисмидан, учинчи йил 100 фоиз озод қилинади, қишлоқ ҳудудида эса биринчи йилдан 100 фоиз озод қилинади;

- мулк солиғидан 2 йилга озод қилинади;

- ишлаб чиқарган маҳсулотининг 30 фоиздан ортиғи экспортга чиқарилса, 50 фоиз даромад солиғидан (фойда солиғи), 15-30 фоиз экспортга чиқарилса, 30 фоиз даромад (фойда) солиғидан озод қилинади;

- ишлаб чиқариш билан банд бўлса, ер солиғидан 2 йилга озод қилинади.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида соҳаларга имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Унга кўра нефть ва газ конларини очиш ва қидириш ишларига хорижий компанияларни жалб қилган корхоналар ушбу ишларни амалга ошириш даврида барча солиқлардан, шунингдек ушбу ишларни амалга ошириш учун зарур ускуналарни импорт қилишда божлардан озод қилинади.

Мазкур соҳа корхонаси чет эллик ҳамкорлар билан бирга очилса:

- нефть ва газ казиб чиқарилган кундан бошлаб 7 йилга даромад (фойда) солиғидан;

- хорижий ҳамкорлар улуши капиталидан олинadиган даромад ва мулк солиғидан озод қилинади.

Енгил саноат соҳасида:

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар қўшимча қиймат солиғидандан ташқари барча солиқлардан озод;

- ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқариш ускуналари, эҳтиёт қисмларини импорт қилишда корхоналар божхона тўловларидан озод қилинади.

6.2.Қўшма корхоналарни ташкил этишда хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятининг ривожланиб бориши, фойда олишнинг турли йўллари амалга татбиқ этишга олиб келмоқда. Агарда аввал корхоналарда асосий даромад ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан иборат бўладиган бўлса, бозор

муносабатлари ривожланаётган ҳозирги шароитда инвестиция ва молиявий даромад олишга кенгроқ эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда инвестор олдида турган асосий мақсад оптимал инвестиция портфелини шакллантириш бўлиб, унинг ушбу портфел таркибига кирувчига инвестиция қимматликларини, бошқача айтганда, инвестиция мулк объектларини қандай жойлаштириши ҳам муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда инвестор мулкни қайси фаолиятга йўналтирилиши ҳам муҳим масалалар қаторига киради. Жумладан, инвестор мулки таркибида бўлган асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа мулклар кўпроқ жалб қилинса, унинг оладиган даромади янада ошиши мумкин. Инвестиция фаолиятининг воситаси ҳисобланган мулк барча ижтимоий-иқтисодий шаклланишларда ишлаб чиқариш муносабатларининг асосини ташкил этиб, уларнинг хусусиятларини белгилаб беради.

Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири қўшма корхоналар ҳисобланади. Қўшма корхоналар ташкил этиш корхона ва ташкилотларнинг чет эллик шериклар билан алоқасини юксалтиради, мамлакат ҳудудида хорижлик тадбиркорликларга кенг шароит яратади, мамлакат ҳудудига хорижий инвестицияларини жалб этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий омилларидан бири бу қўшма тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб берилишидир. Ҳозирги кунда хорижлик ишбилармонлар Ўзбекистонни ўзлари учун қулай ва ишончли шерик деб ҳисоблайдилар, чунки республикада хорижий инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратилди. Натижада уларда ўз сармояларини республикада жойлаштириш ва биз билан ҳамкорлик қилиш истаги ортиб бормоқда. Республикада яратилган қулай инвестицион муҳитнинг асосий омиллари - республикадаги қулай сиёсий барқарорлик, бой хом ашё ресурсларининг мавжудлиги, қўшма тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси яратилганлигидир.

Қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришни жадаллаштиради ва халқаро доирада мавқеи ортишига олиб келади. Қўшма корхоналарнинг аҳамиятли томони олинган фойдани тақсимлаш, сарфни қоплаш, корхона фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб боришдадир. Чет эл инвестицияларини республикада иқтисодиётига жалб этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан, корхонанинг низом фондига таъсисчиларнинг ўз улуши бўйича иштирок этиши, корхоналарнинг мулки, акцияси ва бошқа турдаги қўғозларни сотиб олиши, маҳаллий фуқаролар билан биргаликда ёки мустақил равишда ерларни сотиб олиш кўринишларида кўпроқ жалб этилмоқда.

Хорижий инвесторлар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш мамлакатимизга:

- янги, замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш эса неча йиллар давомида сифатсиз, харидор талабига жавоб бера олмайдиган

маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ қутилиш имконини беради;

- янги иш жойлари ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга, хорижнинг илғор бошқарув тажрибасини жорий қилиш имконини беради ва шу орқали меҳнат унумдорлиги оширилади;
- жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга эркин конвертация қилинадиган валюталарнинг кўпроқ кириб келишини таъминлайди.

Юқори техник савиядаги тайёр маҳсулотлар улуши оширилиши қуйидаги жиҳатларга боғлиқ:

- хорижий мамлакатлардаги корхоналар билан Ўзбекистондаги экспорт қилувчи корхоналар ўртасида кооперация алоқаларининг шаклланишига кўмаклашиш;
- юқори технология ва илм талаб қилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши соҳа ва соҳа ичи тизими яхшиланишига хизмат қилади;
- экспортнинг интеллектуал мулк объектлари лицензияларини ҳамда ноу-хау шаклида техник-тижорат сирларини сотиш, инжиниринг ва лизинг соҳаларида хизматлар кўрсатиш каби турларини ривожлантириш йўли билан республикамизда эришилган илмий-техник ютуқларнинг жаҳон хўжалиги айланмасига кириб боришини тезлаштириш;
- илмий ишланмаларга, хусусан, амалий фан ва технологиялар трансферти соҳасидаги илмий ишланмаларга бозор йўналишини берувчи шарт-шароит яратувчи инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;
- инновация жараёнини давлат томонидан ва тижорат усулида қўллаб-қувватлашнинг энг мақбул уйғунлашуви асосий йўллари белгилаб олиш ҳамда илмий-техник ишланмаларни тижорат аҳамиятига молик натижалар даражасигача етказиш;
- ўзбек олимлари ва мутахассисларининг чет элдаги етакчи институтлар, ташкилотлар ва фирмалар билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- юқори даражали маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, тижорат ва технология менежменти соҳасидаги ютуқларни ўрганиш, хорижий бозорларнинг конъюнктураси, сиғими ҳамда рақобатчиларнинг нарх сиёсати, кооперация, қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича ҳамкорлар қидириш юзасидан таҳлилий маълумотларни ўрганиш.

6.3. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш

Хорижий инвестициялар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, экспорт ҳажмини оширишга имкон яратаётганлигига

амин бўлиш мумкин. Тўғридан-тўғри инвестициялар оқими кенгайиб ва ортиб бораётганлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг тўғрилиги ҳамда самарадорлигидан далолатдир.

Ривожланган мамлакатлар орасида чет эл инвестицияларини ўз миллий иқтисодиётига жалб этишнинг рақобат шакли йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шу боис, чет эллик инвесторларга яратилган қулайлик қайси давлатда устун даражада бўлса, яъни фойда олиш эҳтимоли каттароқ бўлса, табиийки, уларнинг айнан ўша давлат иқтисодиётига сармоя киритишга қизиқиши ортади. Бу эса, бозор иқтисодиётининг нисбий самарадорлик қонунига мос келувчи ечим ҳисобланади, яъни қаерда самара (фойда) олиш имконияти нисбатан юқори бўлса, тадбиркорлар ўша ердаги бозорга кўпроқ интилади. Шунингдек, бугун Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар ичида энг юқори инвестиция муҳити яратган мамлакатлардан бирига айланди. Бу, шубҳасиз, иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри жалб этилаётган хорижий инвестициялар оқимини янада кучайтиради.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлашга қаратилган. Фармоннинг аҳамиятли томони шундаки, у хусусий инвестицияларни жалб этишга қаратилган. Фармонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳар томонлама қулай, ортиқча ишчи кучига эга бўлган бир қатор вилоятларнинг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштирилишининг белгиланиши мамлакатимизда бандлик масалаларини ижобий ҳал этишга қаратилган. Ҳуқуқий кафолатларнинг аниқ ва оддийлиги сармоядорларнинг инвестиция киритиш ҳақида қарор қабул қилишини тезлаштириш билан бирга, уларга мавжуд хатарларни ҳам баҳолаш имкониятини яратади. Давлатимиз иқтисодий сиёсати кўпроқ тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга ва уни рағбатлантиришга қаратилганлиги боис, турли шаклдаги инвестициялар оқими йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўз навбатида, республика минтақаларидаги бой минерал-хом ашё ресурслари, етарли миқдордаги малакали ишчи кучлари, тоза атроф-муҳит, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик каби омиллар шубҳасиз хорижий инвестициялар оқимининг янада кўпайишига, республика минтақаларида фаолият юритадиган корхоналар ривожига хизмат қилади.

Мамлакатимиз ҳудудларида бугунги кунда тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этиш ва чет эл инвестицияси иштирокидаги қўшма корхоналарнинг ташкил этилишини айрим вилоятлар мисолда кўриш мумкин. Юртимизнинг аҳолиси кўп бўлган вилоятлари ва қишлоқ аҳоли

пунктларида тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар асосида хорижий инвестицияли корхоналар ташкил қилинган бўлиб, фармонда келтирилган имтиёзлардан фойдаланмоқдалар. Хусусан, Фармонда келтирилган шартлар асосида 10 та корхона даромад (фойда) солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ва (ёки) ягона солиқ тўлови тўлашдан озод қилинган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидаги «Юнивер» қўшма корхонаси, «Тўрткўлтекс» қўшма корхонаси, Андижон вилоятида «Олтинкўл Текстил» қўшма корхонаси, Наманган вилоятидаги «Мармар-Ф» қўшма корхонаси, Сирдарё вилоятидаги «Лола Модел» қўшма корхонаси, Сурхондарё вилоятидаги «Сурхонтекс» қўшма корхонаси ҳамда Хоразм вилоятидаги «Ургенч ёғ» қўшма корхонаси шулар жумласидандир. Шунингдек, Фарғона вилоятининг қишлоқ аҳоли пунктларида тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар жалб қилиниб, янги қўшма корхоналар ташкил қилинган, масалан «Молочная Долина», «Unimobile» ва «Азия Паинтс Керамик» қўшма корхоналари Фармонда келтирилган имтиёзлардан фойдаланмоқдалар.

Мамлакатимизга бу тарзда сармоя оқиб келаётгани эса хорижий инвесторлар, яъни чет эллик шерикларимиз республикамызда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг тўғрилиги ҳамда самарадорлигини тан олгани, уларнинг биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканининг яна бир тасдиғидир.

**Ўзбекистон Республикасига жалб этилган тўғридан-тўғри
инвестициялар
(млн.АҚШ дол.)**



6.3.1-чизма

Чизмадан кўриниб турибдики, мамалкатимиз иқтисодиётига жалб қилинаётган тўғридан-тўғри инвестицияларни ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2009 йилда тўғридан-тўғри инвестицияларни ҳажми 2264 млн.АҚШ.дол.ташқил этди. Бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 1,8 баробарга ортган. Бундай ўзгариш албатта тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш борасидаги амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасидир.

2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови тўлашдан тўлашдан озод қилинади.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади:

1) 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларигача - 3 йил муддатга;

2) 3 миллиондан АҚШ долларида 10 миллион АҚШ доллари гача - 5 йил муддатга;

3) 10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

Солиқ имтиёзлари қуйидаги шартлар асосида қўлланилиши мумкин:

- мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар-Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш;
- хорижий инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга ошириш;
- корхонанинг низом жамғармасида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим;
- ушбу корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни киритиш;
- хорижий инвестицияларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш;
- мазкур имтиёзларни қўлланиш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромадни корхона янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш.

Имтиёз олган корхоналар шундай имтиёз берилган муддат тугашидан кейин бир йил барвақтроқ фаолиятини тўхтатган тақдирда фойдани ўз мамлакатига ўтказиш ва хорижий инвесторнинг капиталини чет элга олиб чиқиб кетиш фақат берилган имтиёзлар суммасини бюджетга қайтаргандан кейин амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қонуни 3-моддасининг тўртинчи қисмида хорижий инвесторлар учун белгиланган кафолатлар қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

-хорижий инвесторларга тўланадиган, дивиденд тарзида олинадиган даромадларга солиқ миқдори (ставкалари) қўпайиши;

-хорижий инвесторнинг чет элга ўтказиладиган даромадлари (фойдаси)ни ўз мамлакатига қайтариш тартиботини мураккаблаштирувчи ёки уларнинг миқдорини камайтирувчи қўшимча талаблар жорий этилиши, бунда давлат хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги ва банкротлиги ёки кредит берувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хорижий инвестор - жисмоний шахс содир этган жиноий қилмиш ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолларида ёхуд суд ёки ҳакамликнинг қарорига мувофиқ даромад (фойда)ни ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туришнинг бошқа зарурати бўлганда хорижий инвестор маблағларини қонун ҳужжатларини камситмайдиган тарзда қўллаш шартлари асосида ўз мамлакатига қайтарилишини тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;

-инвестицияларнинг миқдори бўйича инвестициялаш ҳажмларига миқдорий чеклашлар ҳамда бошқа қўшимча талаблар, шу жумладан хорижий

инвестициялар иштирокидаги корхоналарда хорижий инвестицияларнинг минимал миқдорини кўпайтириш тарзидаги талаблар жорий этилиши;

-республика корхоналарининг низом жамғармаларида хорижий инвесторнинг улуш билан иштирок этиши бўйича чеклашлар жорий этилиши;

-хорижий инвесторларнинг визаларини расмийлаштириш ва узайтириш борасидаги қўшимча тартиботлар, шунингдек хорижий инвестицияларни амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талаблар жорий этилиши.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодиёт тармоқлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Радиоэлектроника саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш.

2. Енгил саноат:

-тайёр ип газлама ва жун газламалар ишлаб чиқариш;

-тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ва тўқимачилик галантереяси ишлаб чиқариш;

-терини қайта ишлаш; пойабзал, тайёр кўн-галантерея буюмлари ишлаб чиқариш.

3. Ипакчилик саноати:

-шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш.

4. Қурилиш материаллари саноати:

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартдаги ПФ-358-сонли Фармони 1а-илоvasида кўрсатилган қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш.

5. Парранда гўшти ва тухумни саноат миқёсида етиштириш.

6. Озиқ-овқат саноати:

-маҳаллий хом ашёдан саноат миқёсида қайта ишланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (алкоголли, алкоголсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно).

7. Гўшт-сут саноати:

-гўшт ва сут маҳсулотларининг тайёр турлари, пишлоқ ва сариеғ ишлаб чиқариш.

8. Кимё-фармацевтика саноати:

-дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш;

-синтетик кир ювиш воситалари, майший кимё товарлари ишлаб чиқариш.

Президентимизнинг мамлакат иқтисодиёти ривожини учун ўта муҳим бўлган «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сон Фармони ишлаб чиқариш соҳаларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияни жалб этиш, юртимизнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиш билан бир қаторда, иқтисодиётни эркинлаштириш борасида қўйилган яна бир муҳим қадамдир.

Қисқача хулосалар

1. Хорижий инвестициялар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, экспорт ҳажмини оширишга имкон яратаётганлигига амин бўлиш мумкин.

2. Ривожланган мамлакатлар орасида чет эл инвестицияларини ўз миллий иқтисодиётига жалб этишнинг рақобат шакли йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шу боис, чет эллик инвесторларга яратилган қулайлик қайси давлатда устун даражада бўлса, яъни фойда олиш эҳтимоли каттароқ бўлса, табиийки, уларнинг айнан ўша давлат иқтисодиётига сармоя киритишга қизиқиши ортади. Бу эса, бозор иқтисодиётининг нисбий самарадорлик қонунига мос келувчи ечим ҳисобланади, яъни қаерда самара (фойда) олиш имконияти нисбатан юқори бўлса, тадбиркорлар ўша ердаги бозорга кўпроқ интилади.

3. Президентимизнинг мамлакат иқтисодиёти ривожини учун ўта муҳим бўлган «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сон Фармони ишлаб чиқариш соҳаларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияни жалб этиш, юртимизнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиш билан бир қаторда, иқтисодиётни эркинлаштириш борасида қўйилган яна бир муҳим қадамдир.

4. Республикамизда яратилган қулай инвестицион муҳитнинг асосий омиллари - республикамиздаги қулай сиёсий барқарорлик, бой хом ашё ресурсларининг мавжудлиги, қўшма тадбиркорликнинг ҳукукий асоси яратилганлигидир.

Назорат учун саволлар

1. Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга қандай имтиёзлар белгиланган?

2. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда қайси тамойилларга асосланган?

3. Ўзбекистонда хорижий инвесторлар қонуний фаолият натижасида олган фойдалари ва бошқа даромадларини исталганча чет давлатга ўтказиши мумкинми?

4. Қўшма корхоналарнинг ташкил этишнинг аҳамияти қандай?

5. Хорижий инвесторлар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш мамлакатимизга қандай ижобий ўзгаришларни амалга ошириш имконини беради?

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни

рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” фармонининг моҳиятини ёритиб беринг.

7. Имтиёз олган корхоналар шундай имтиёз берилган муддат тугашидан бир йил барвақтроқ фаолиятини тўхтатган тақдирда фойдани ўз мамлакатига ўтказиши мумкинми?

8. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонун асосида хорижий инвесторлар қандай кафолатларга эга бўладилар?

7-боб. Хорижий инвесторлар учун Ўзбекистон иқтисодиётини жалб қилувчанлигини оширишнинг асосий йўналишлари

7.1.Хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш учун амалга оширилаётган ишлар

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг мунтазам равишда кенгайтириб борилиши, узоқ муддатли инвестициявий қарзларнинг ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши Ўзбекистондаги Инкирозга қарши чоралар дастурида етакчи ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан 2009 йилнинг 12 мартда тасдиқланган дастур доирасидаги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молиявий ташкилотлар, икки томонлама шартномалар ва етакчи хорижий компанияларнинг кредитлари ва инвестицияларни жалб этиш кўзда тутилган эди. Ҳозирги кунда умумий қиймати 19 миллиард доллардан ортиқроқ бўлган 80 дан зиёд лойиҳаларни инвестициялаш ва молиялаш бўйича аниқ манбалар белгиланиб, хорижий шериклар билан шартномалар имзоланди.

Узлуксиз макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш, тузилмавий ўзгаришларни изчил амалга ошириб бориш, шунингдек, иқтисодиётни ҳамда унинг таянч ва ижтимоий инфратузилмаларини босқичма-босқич модернизациялаштириб боришни таъминлашга қаратилган Ўзбекистон иқтисодий стратегияси халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик кўламининг янада жадал ўсиб боришига замин яратади.

Умуман айтганда, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосида чуқур ўйланган, Ўзбекистонга хос хусусиятлар тўла ҳисобга олинган иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос ва ўзимизга мос модели мужассам. Ушбу дастурнинг ўтган 18 йил мобайнида изчил амалга ошириб келиниши собиқ "Марказ"га ҳар томонлама боғланиб қолган аграр, паст технологияли ва самарасиз иқтисодий тузилманинг диверсификациялашган, жаҳон бозорига рақобатбардош, кенг даражада хилма-хил тайёр маҳсулотлар билан чиқаётган, узлуксиз юқори суръатлардаги иқтисодий юксалишга мойил,

жиддий расмий омиллар ва бенуқсон кредит тарихига эга бўлган замонавий иқтисодиётга айланишини таъминлайди.

Бу, ўз навбатида, инқирознинг нафақат салбий оқибатларини юмшатишга, балки Ўзбекистон иқтисодиётини янада кучли ва бардошли иқтисодиётга айлантиришга қаратилган инқирозга қарши чораларнинг кенг миқёсли комплекс дастурини ишлаб чиқиш ҳамда уни тезроқ амалга ошириш имконини берди. Бунда эса энг хал қилувчи вазифа - хорижий инвестициялар ва узоқ муддатли инвестициявий кредитларни жалб этиш эвазига иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш асосини тубдан модернизациялаш, уни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдан иборат.

Маълумки, молиявий мақсадларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юқори ликвидли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг реал секторини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш имконини беради. Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун ўтган 2009 йилда Президентимиз қарорлари асосида республикада инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бир қанча қарор ва дастурлар қабул қилиниб, ҳаётга кенг татбиқ этилди. Хусусан, Инвестиция дастури (2008 йил 2 октябрдаги ПҚ-969-сон), «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури (2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сон), «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш» дастури (2009 йил 20 январдаги ПҚ-1041-сон) ҳамда «Қўшимча инфратузилма объектларини қуриш» дастури (2009 йил 17 мартдаги ПҚ-1073-сон) шулар жумласидандир.

2010 йилда белгилаб олинган инвестиция дастурида энг юқори кўрсаткич корхона маблағлари ҳиссасига (42,6 фоиз) тўғри келиши, ундан сўнг эса тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (21,3 фоиз)ни жалб этиш орқали амалга оширилиши режалаштирилган (7.1.1-расм).



7.1.1-расм.

Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, аҳоли маблағлари ва Тикланиш ва тараққиёт маблағлари ҳисобига 2010 йилда жами инвестицион маблағларнинг 22,6 фоизи тўғри келиши назарда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, асосий эътибор корхона маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми кўламини ошириш ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг техника ва технологик қувватларини модернизациялаш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали аҳолининг юқори даромад олишига эришиш, буларнинг оқибатида эса, мамлакат фаровонлигини юксалтириш мақсад этиб қўйилган.

Бу йўналишда аниқ мақсадли иш олиб бориш нафақат инвестицияларни, балки энг аввало, илғор технология ва ноу-хауларни жалб этишни кўзда тутди. Улар эса Ўзбекистонга жаҳон бозорида ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Айтиш керакки, жиддий хорижий инвесторлар учун яратилаётган кенг истикболлар ва имкониятлар ҳамда аниқ баён этилган тараққиёт устуворликлари етакчи трансмиллий компаниялар ва корпорацияларнинг мамлакатимизга ўз инвестицияларини олиб киришига юқори даражада интилишини таъминлайди. Сўнгги йилларда жалб этилган ҳамда изчил ва янада иқтисодий ўсиш, янги юқори технологияли иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромади даражасини кўтаришнинг ишончли манбаига айланган узоқ муддатли инвестициялар ҳажми 35 миллиард доллардан ошди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқлари бўлган нефть-газ ва нефть-кимё соҳаларида «Хитой миллий нефть корпорацияси», Жанубий Африканинг «Сасол», Малайзиянинг «Петронас», Кореянинг «Лотте», «LG international», «SK» корпорациялари, Корея миллий нефть

корпорацияси, Корея миллий газ корпорацияси, Россиянинг «Газпром» ва «Лукойл», Американинг «Техасо», Япониянинг «Мицуи» ва «Марубени» корпорациялари, машинасозлик соҳасида – Американинг «Женерал Моторс», Германиянинг «МАН», Япониянинг «Исузу»; авиация инфратузилмаси ва мультимодал логистика соҳасида – Кореянинг «Кореян Эйр» ва Япониянинг «Мицубиси»; озиқ-овқат ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида – Швейцариянинг «Нестле», Англия-Американинг «ВАТ», кимё соҳасида – Испаниянинг «Максам»; тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларида – Кореянинг «ДЭУ интернэйшнл», Ҳиндистоннинг «Спентекс», Япониянинг «Мицубиси» ва бошқа ўнлаб хорижий компаниялар, банк-молия секторида «Royal Bank of Scotland», «Корея Тараққиёт банки» ва ҳоказолар яқин шериклар ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан биргаликда фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарнинг сони 4 мингдан ошди.

Кенг миқёсдаги инвестициялар, ривожланиш мақсадларида халқаро молиявий институтлар билан ўрнатилган фаол ҳамкорлик, хорижий инвесторлар учун имкониятлар изчил равишда кенгайтирилиб борилиши анча мураккаб бўлган жорий йилда ҳам, келгуси 2010 йилда ҳам Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишни камида 8,3 фоиз даражасида белгилаш ва унга эришиш имкониятини беради. Бундай мақсадларнинг асосли эканлиги энг обрўли халқаро молиявий институтлар томонидан бир неча бор тасдиқланган.

Шу ўринда ички инвестициялардан фойдаланиш борасида ҳам мамлакатимизда талай ишлар амалга оширилиб келинаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги 1090-сонли Қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган «Аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини тижорат банкларидаги депозитларига янада жалб этиш бўйича қўнимча чоратадбирлар комплекси» доирасида банк тизимида бу борада олиб борилаётган ишлар янада фаоллашди.

Бугунги кунда ички инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича:

- тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизимини шакллантириш;


- аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (уй-жой сертификатлари ва уй-жой облигациялари);

- ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисmini тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш;

- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларида бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш;

- инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Республикамизга хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги 927-сонли Қарорига мувофиқ амалга оширилади (7.1.2-расм).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 февралдаги 578-сонли Қарорига мувофиқ хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш «Ўзинфоинвест» агентлиги хорижий инвесторларга ахборот билан қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар тарафлама кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Агентлик Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил муассасадир.

«Ўзинфоинвест» агентлиги 3 та йўналиш бўйича хорижий инвестицияларни жалб этади:

- 1) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар:
 - давлат инвестиция дастури йиғма рўйхати лойиҳалари;
 - ҳудудий инвестиция дастури лойиҳалари;
 - давлат кафолати остида имтиёзли кредит маблағларини жалб этиш йиғма рўйхати;
 - грант маблағлари.
- 2) корхоналарнинг акциялар пакетини истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш;
- 3) кимосди савдоларига мулкый мажмуа сифатида қўйилган корхоналарни истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш.

Шунинг билан бирга «Ўзинфоинвест» агентлиги маҳаллий тадбиркорлик субъектларига хорижий инвесторларни топиш, уларни Ўзбекистонга таклиф қилиб музокаралар ташкил этишга кўмаклашиш, инвесторларга республика инвестицион салоҳияти, шунингдек солиқ ва қонунчиликдаги бошқа имтиёзлар тўғрисида маълумот беради.

7.2.Ўзбекистон иқтисодийётини жалб қилувчанлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон иқтисодийётига хорижий инвесторлар сармояларини жалб қилишга қуйидаги шарт-шароитлар мавжуддир:

- чет эллик ҳамкорларни жалб этиш учун солиқ ва божхона имтиёзлари;
- сиёсий барқарорлик;
- қулай географик жойлашув;
- мамлакатнинг муҳим транспорт коридорлари туташувида жойлашганлиги;
- Марказий Осиёнинг марказида жойлашганлиги;
- минерал ресурслар ва қазилма бойликларга бойлиги;
- тасдиқланган резервлар 1,3 трлн. АҚШ доллари тенг;
- мамлакатнинг жами потенциал минерал ресурслари 3,5 трлн. АҚШ доллари тенг;
- инсон ресурслари:
 - а) деярли 100 фоиз саводлилик даражаси;
 - б) ишчи кучининг мавжудлиги.

Ҳозирда Ўзбекистон иқтисодийётига ўзлаштирилаётган чет эл инвестициялари кўлами минтақаларда мавжуд экспорт имкониятларига (табiiй-иқтисодий, меҳнат ва ишлаб чиқариш салоҳиятлари) нисбатан анча паст даражада бўлмоқда. Мавжуд ҳолат сабабини қўшни Афғонистонда давом этаётган фуқаролар уруши каби ташқи омиллар билан изоҳлаш мумкин. Маълумки, хорижий сармоядорлар нафақат мамлакатдаги ички сиёсий барқарорликни, балки қўшни давлатлардаги мавжуд ҳолатни ҳам алоҳида эътиборга олишади. Шу нуқтаи назардан қараганда 2005-2008 йилларда иқтисодийётга хорижий инвестицияларни йўналтиришда мавжуд ташқи омиллар сезиларли даражада салбий таъсир қилди. 2009-2010 йиллар мобайнида ички ва ташқи сармоя манбаларини жалб этиш ҳисобига иқтисодий жиҳатдан етарли ривожланмаган минтақаларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга эришилади. Бу эса мавжуд ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлагани ҳолда, минтақаларга чет эл инвестицияларини янада кенг миқёсда ўзлаштиришга имкон беради. Пировардида барча минтақалар ўз экспорт имкониятларидан келиб чиққан ҳолда юқори сифатли, рақобатбардош ҳамда замонавий маҳсулотлар билан жаҳон бозордан муносиб ўрин ола бошлайди.

7.3.Хорижий инвестицияларни жалб этишга ҳудудий жиҳатдан ёндашув

Хорижий инвестицияларни жалб этишга ҳудудий жиҳатдан ёндашув Республиканинг ҳар бир ҳудудининг ривожланишини таъминлашга имкон беради.

Агарда хорижий инвестиция иштирокидаги корхона - Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, ҳамда Навоий ва Фарғона водийси вилоятларининг қишлоқ ҳудудларида бўлса, у ҳолда қуйидаги солиқлардан тўлиқ озод этилади:

- ягона солиқ тўлови;
- даромад (фойда солиғи);
- мулк солиғи;
- инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кескин фарқланишни олдини олиш борасида кўрилаётган чораларга қарамасдан, ҳозирги вақтда ХИКларни ташкил этиш ва фаолият юритишида ҳудудий номутаносибликлар кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида экспорт-импорт операциялари ҳажмларида катта фарқланишни юзага келтирмоқда. Андижон, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳри экспорт даражаси барқарор юқори бўлган ҳудудларга киради. Мазкур 3та ҳудудда хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган йирик машинасозлик, металлургия ва тўқимачилик тармоқлари корхоналари жойлашганлиги сабабли уларда республиканинг барча ХИК экспортининг 80фоизи шакллантирилади.

Ҳозирги кунда ана шундай номутаносибликлар юзага келмаслиги учун ҳар бир вилоятнинг инвестиция киритилиши лозим бўлган иқтисодиёт тармоқлари аниқланган. (7.3.1-жадвал)

7.3.1-жадвал

Вилоятларнинг етакчи тармоқлари ва потенциал инвестиция тақлифлари (тармоқлар, 2008 й.)

Вилоятлар	Мавжуд етакчи ва илғор тармоқлар	Хорижий инвестиция киритилиши мўлжалланган устувор тармоқлар	Инвестициялар ҳажми (млн АҚШ долл.)
Андижон	Қишлоқ хўжалиги, автомобил саноати, машинасозлик, тўқимачилик, туризм.	Тўқимачилик Ипакчилик Кимё Озиқ-овқат	5,0 3,0 3,0 3,0
Бухоро	Нефт ва газ, тўқимачилик, қурилиш материаллари, туризм.	Тўқимачилик Қурилиш материал.	150,0 2,0

Фарғона	Қишлоқ хўжалиги, нефт-газ, кимё (нефть кимёси), тўқимачилик, машинасозлик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, туризм.	Тўқимачилик Ипакчилик Озиқ-овқат	20,0 2,0 10,0
Жиззах	Қишлоқ хўжалиги, кимё, машинасозлик	Қурилиш материал. Озиқ-овқат Кимё Энергетика	400,0 2,0 5,0 60,0
Қорақалпоғистон	Энергетика, нефть кимёси, кимё, кон-металлургия.	Тўқимачилик	8,0
Хоразм	Қишлоқ хўжалиги, енгил, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, машинасозлик, туризм.	Тўқимачилик Ғиламчилик	150,0 50,0
Наманган	Қишлоқ хўжалиги, енгил, тўқимачилик, машинасозлик.	Тўқимачилик Ипакчилик Қурилиш материал Озиқ-овқат	10,0 15,0 10,0 10,0
Навоий	Кон-металлургия, кимё, қурилиш материаллари, машинасозлик, тўқимачилик	Кимё Қурилиш матер, Энергетика Тўқимачилик	170,0 100,0 250,0 10,0
Самарқанд	Қишлоқ хўжалиги, халқ истеъмол товарлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик, машинасозлик, қурилиш материаллари, кимё, электротехника, туризм	Тўқимачилик Озиқ-овқат Кимё	20,0 30,0 30,0
Сирдарё	Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, тўқимачилик, енгил саноат, туризм	Тўқимачилик Мебель Фармацевтика энергетика	4,0 9,0 4,0 20,0
Сурхондарё	Қишлоқ хўжалиги, нефт ва газ, қурилиш материаллари, енгил саноат, озиқ-овқат, машинасозлик, туризм	Тўқимачилик Озиқ-овқат Тоғ-кон саноати	25,0 9,0 15,0
Тошкент шаҳри	Тўқимачилик, енгил, кимё, фармацевтика, қурилиш матер., туризм, озиқ-овқат, машинасозлик	Электротехника Машинасозлик, тўқимачилик Қурилиш матер, Кимё, фармацевтика	16,0 50,0 25,0 100,0 6,0 . 1,0
Тошкент вилояти	Енгил саноат, рангли металлургия, қурилиш матер, кимё, ёқилғи-энергетика	Озиқ-овқат, кимё Рангли металлург, Тоғ-кон, энергетика Фармацевтика	15,0 . 10,0 . 50,0 72,0 . 600, 0 . 15,0
Қашқадарё	Қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, нефт-газ, қурилиш матер., машинасозлик, енгил, озиқ-овқат	Тўқимачилик Озиқ-овқат Тоғ-кон саноати	100,0 10,0 13,0

Манба: www.uzinfoinvest.uz.

Кейинги йилларда ташқи бозорларга маҳсулот чиқариш улушлари паст бўлган ҳудудларда ҳам экспорт салҳияти ўсишида ижобий ўзгаришлар қайд этилган. Экспорт ўсиши индексининг республика бўйича ўртача даражасидан

юқори бўлган кўрсаткичлар Жиззах (3,5 маротабага), Қашқадарё (1,7 маротабага), Сурхондарё (3,4 маротабага), Сирдарё (2,6 маротабага) ва Хоразм (2,8 маротабага) вилоятларида қайд этилган. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида экспортнинг жадал ўсиши ҳисобига экспорт улуши 1 фоиздан кам бўлган ҳудудлар сони камайган.

Мамлакатимиз ва унинг алоҳида ҳудудлари иқтисодиёти самарадорлиги бевосита инвестиция сиёсатининг тавсифи ва миқёсларига боғлиқ. Инвестициялар республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ҳудудий тафовутлар ва номутаносибликларни қисқартиришнинг муҳим воситаси бўлиб, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳудудларда мавжуд табиий-иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга ва шу орқали иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини такомиллаштиришга имкон беради. Ҳозирги кунда Сурхондарё, Жиззах ва Наманган каби баъзи вилоятлар ва кўплаб қишлоқ туманлари бюджетларининг дотацияда қолиб кетаётгани, яъни республика бюджети ҳисобидан таъминланаётгани биринчи навбатда мазкур ҳудудларда замонавий корхоналар, кичик бизнес соҳаси, савдо тармоқлари, умуман инфратузилмани ривожлантиришга эътибор берилмаётгани билан боғлиқ, деб айтишга барча асосларимиз бор. Жиззах ва Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан мамлакат ва унинг ҳудудлари иқтисодиётини тизимли қайта қуришнинг муҳим омили сифатида чет эл инвестицияларни ушбу жараёнга фаол жалб қилишга устувор аҳамият берилмоқда. Иқтисодий ўсишга эришиш учун нафақат инвестиция ҳажмини кўпайтириш, балки улар йўналишини ва тузилмасини тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инвестициялаш учун шундай ишлаб чиқариш турлари ва корхоналарни танлаш зарурки, улар тезда ўзини қоплаб, юқори даражада иқтисодий ва технологик самара бера олсинлар. Бундай ҳолатда инвестициянинг тезда қайтарилиши ва қанчалик самарадорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу инвестицион жараёнини жонлантириш учун туртки бериш, кейинчалик эса инвестициялаш учун афзал тармоқлар ва хўжалик юритиш субъектларини танлашга имконият яратиш мумкин.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шаклланиши ҳудудларда қулай инвестиция муҳитини, бир қатор макроиқтисодий омилларини кескин даражада кучайтирилишини тақозо этади. Бу соҳада рўй бераётган жараёнлар воқеаларнинг шиддатли алмашинуви билан изоҳланади. Ҳудудларнинг иқтисодий ўсишини ва қулай инвестицион муҳитни яратиш ва қўллаб-қувватлаш, жадаллаштиришда ҳал қилувчи ролни ишлаб чиқариш инвестициялари ўйнаши керак.

Фақат инвестициялар базасидагина асосий капитални янгилаш ҳамда шу асосда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва сифатини яхшилаш эвазига маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин. Бироқ бу ҳозирги юксак даражада интеграциялашган хўжалик шароитида давлатнинг мувофиқлаштирувчи роли объектив равишда анча салмоқли бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан инвестиция муҳитни яхшилашда барча

ҳудудларга олиб келаётган инвесторлар фаолиятига давлатнинг фаол аралашуви яқин йиллар мобайнидаги макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида қараш муҳим аҳамият касб этади.

Бу эса стратегик мақсад – ҳудудлар иқтисодий ўсишини таъминлаш учун амалга оширилмоғи, бу рақобатбардошлик ва ҳудуд иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши мезонларига жавоб бериши лозим. Стратегик мақсадга эришиш қулай инвестицион муҳитни яратиш асосида таъминланиши мумкинки, инвестиция жараёнларини давлат йўли билан макро бошқариб туриш бундай режалаб туришнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳудудлардаги инвестицион муҳитини шакллантиришнинг ҳозирги босқичи иқтисодий ўсиш йўлига ўтиб олиш билан изоҳланади. Бундай ўсиш алоҳида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этадики, у тараққий этган мамлакатлар тажрибасига, инвестиция ресурслари ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш сифатида маблағлардан фойдаланишнинг мавжуд имкониятларига таяниши лозим бўлади. Чет эл инвестицияларини жалб этмай туриб, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини таъминлаш мумкин эмас.

Ҳудудлар инвестиция жараёнларини изга солиб туришнинг иқтисодий асосларини яратиш, ишлаб чиқилган сиёсатни амалга оширишга имкон туғдирувчи шарт-шароитни таъминлаш инвестиция сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, ҳудудларда қулай инвестицион муҳит яратишга айнан шу йўл билан эришиш мумкин.

Республика ҳудудида инвестиция муҳит билан ўзаро боғланган амалга ошириш жараёнига қаратилган субъектлар таркибий ўзгартиришлар стратегияси маъносини чуқур англаб олишлари, глобаллашув, иқтисодиётларнинг халқаро рақобат ва ўзаро ҳамкорлиги натижаларини, мамлакат ҳудудлари тараққиёти ва ҳудудлар корхоналарининг халқаро бозорларга чиқиш истикболларини олдиндан кўра билишлари керак. Буларнинг ҳаммаси инвестицион муҳитни фаол таъминлашда ишлаб чиқиш, танлаб олиш, амалга ошириш ва уларни ички манбалар ҳамда ташқаридан жалб қилинадиган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш истикболларини белгилашда асосий ўринда туради.


7.4. Стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларнинг ўрни

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган айти дамда, иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарини, шунинг билан бирга инфратузилма объектлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида инвестицион маблағларни топиш ва уларни мақсадли йўналтириш муҳим омиллардан бирига айланмоқда.

Ўтган 2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт

коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоратadbирлар дастурида назарда тутилган асосий йўналишларнинг учинчи бўлими «Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида ресурс базасини кенгайтириш ва инвестицион фаоллик ўсишини таъминлаш чоралари»га қаратилган бўлиб, биргина 2009 йилнинг ўзидаёқ дастурни ижросини таъминлаш, яъни тижорат банклари томонидан корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 2,4 трлн. сўм миқдорида ёки 2008 йилга нисбатан 1,6 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилди.



7.4.1-расм.

Хусусан ўтган 2009 йилда инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, шулардан 303 таси муваффақиятли якунланди. Йил давомида иқтисодиётга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этган бўлса, бу ўтган 2008 йилга нисбатан қарийб 24,8 фоизга кўп эканлигидан далолатдир. Жалб этилган хорижий инвестицияларнинг ҳажми 68 фоизга ўсди, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестицияларни ташкил этди.

2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар Дастурини тўлиқ амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 42,5 млрд. доллар миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларида зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестициялар жалб қилинишини ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 46 фоизга ошиши режалаштирилаётганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Бундай йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун ва бунинг учун ички ресурсларни 2007 йилда ташкил этилган Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағи эвазига молиялаштирилиши кўзда тутилмоқда. Бунинг асосий, яъни инфратузилма объектларини ривожлантириш учун ажратилиши белгиланаётган инвестицияларга урғу берилаётганлигидан асосий мақсад – инфратузилмани ривожлантириш орқали аҳоли яшаш шароитларини янада яхшилаш, турмуш даражасини ошириш ва халқ фаровонлигини таъминлашга эришишдан иборатдир. Бугунги кунда фақатгина мазур жамғарма маблағлари эмас, балки тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш йўли билан иқтисодиёт тармоқларини босқичма-босқич модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Қисқача хулосалар

1. Мамлакатимиз ва унинг алоҳида ҳудудлари иқтисодиёти самарадорлиги бевосита инвестиция сиёсатининг тавсифи ва миқёсларига боғлиқ. Инвестициялар республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ҳудудий тафовутлар ва номуносибликларни қисқартиришнинг муҳим воситаси бўлиб, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳудудларда мавжуд табиий-иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга ва шу орқали иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини такомиллаштиришга имкон беради.

2. Ҳудудлардаги инвестицион муҳитини шакллантиришнинг ҳозирги босқичи иқтисодий ўсиш йўлига ўтиб олиш билан изоҳланади. Бундай ўсиш алоҳида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этадики, у тараққий этган мамлакатлар тажрибасига, инвестиция ресурслари ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш сифатида маблағлардан фойдаланишнинг мавжуд имкониятларига таяниши лозим бўлади. Чет эл инвестицияларини жалб этмай туриб, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини таъминлаш мумкин эмас.

3. Ҳудудлар инвестиция жараёнларини изга солиб туришнинг иқтисодий асосларини яратиш, ишлаб чиқилган сиёсатни амалга оширишга имкон туғдирувчи шарт-шароитни таъминлаш инвестиция сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, ҳудудларда қулай инвестицион муҳит яратишга айнан шу йўл билан эришиш мумкин.

4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган айти дамда, иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарини, шунинг билан бирга инфратузилма объектлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида инвестицион маблағларни топиш ва уларни мақсадли йўналтириш муҳим омиллардан бирига айланмоқда

Назорат учун саволлар

1. Хорижий инвесторлар учун Ўзбекистон иқтисодиётини жалб қилувчанлигини оширишнинг асосий йўналишларини санаб беринг.

2. Ҳозирда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган чет эл инвестициялари кўлами қандай ҳолатда ?

3. Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини ривожлантириш муаммолари нималардан иборат ?

4. Ўзбекистон Республикасида қандай валютавий чекланишлар мавжуд ?

5. Валюта операцияларини ва валюта бозорини ривожлантиришдаги ўзгаришлар моҳиятини ёритиб беринг.

6. Хорижий инвестицияларни жалб этишга ҳудудий жиҳатдан ёндашув қандай имкониятларни беради ?

7. Ҳудудларнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланишида кескин фарқланишни олдини олиш борасида хорижий инвестициялар қандай аҳамиятга эга?

8. Ҳудудлар иқтисодиётининг самарадорлигини оширишда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг қайси ўзига хос жиҳатларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ?

8-боб. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни хорижий инвестициялар ёрдамида ривожлантириш масалалари

8.1.Мамлакатимизнинг экспортга йўналтирилган иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг экспорт фаолиятини такомиллаштириш иқтисодий қайта қуришнинг ҳозирги босқичида муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга Ўзбекистон олдида мамлакатнинг хом – ашё товарлари экспортга қарамлигини пасайтириш, импорт ва экспорт бозорларини диверсификация қилиш ҳамда қўшилган қиймати юқори бўлган товарлар экспортини жадаллаштириш каби масалалар турибди.

Баъзи мамлакатлар ва чет эл иқтисодчиларнинг фикрига кўра, экспортни мўлжал қилиб ташқи савдони ривожлантириш хом ашё бўлмаган товарлар экспорт улушини оширишга асос бўлиши мумкин. Ўзбекистон кўп афзалликларга эга эканлиги умуман тан олинган, уларнинг баъзилари қуйидагича:

- минерал хом-ашё кўп турларининг бой саноатбоп тури;
- кўпгина қишлоқ хўжалик ўсимликларини етиштириш учун қулай, шунингдек иссиқлик ва электр энергиясини тежаш имконини берувчи табиий иқлимий шароит;
- туризм ва тадбиркорликнинг турдош хилларини ривожлантириш имконини яратувчи бутун оламга донғи кетган бой маданий ва тарихий мерос;
- юқори малака билан бирга нисбатан арзон ишчи кучи;

- салмоқли илмий салоҳият ва амалий тадқиқотларнинг юқори даражаси;
- ривожланган инфратузилма ва бошқалар.

Бирок, мамлакатнинг солиштирма афзалликларини баҳолаш комплекс рейтинг усули қўлланишини талаб этади. Оддийроқ шаклда солиштирма афзалликлар ишлаб чиқариш харажатларининг нисбати ёки шундай ўхшаш товарларнинг жаҳон бозоридаги нархлари нисбати бўйича чамаланаши мумкин. Стандарт усул эксперт чамалаш асосида Ўзбекистоннинг рақобатбардошлик даражаси (харажатлар бўйича, маҳсулот сифати омили ҳисобга олинмаган ҳолда) бўйича солиштирма афзалликлари экспортнинг товар гуруҳлари бўйича шартли равишда рақобатбардош, рақобатбардошга якин ва ҳозирги пайтда рақобатбардош бўлмаган товарлар гуруҳларига таснифлаш мумкин.

Шу билан бирга, рақобат муҳитини яратиш мамлакат экспорт имкониятларини ўстириш ва янада ривожлантириш учун энг муҳим шарт ҳисобланади. Бир қатор мамлакатлар ва чет эл иқтисодчиларининг фикрига кўра, мамлакат ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш учун куйидагилар шарт:

- хўжалик фаолиятининг барча субъектлари учун теппа-тенг шароитларни яратиш, яъни ҳар қандай имтиёзлар барча тармоқларга тааллуқли бўлиши шарт;
- ресурсларнинг мобиллигини ошириш, энг аввало банк тизими самарадорлигини ошириш орқали сармояни эркин ўтишини таъминлаш, шунингдек, товар – хом ашё ресурслари бозорини эркинлаштириш ва маъмурий бошқаришдан воз кечиш ва хом ашё товарларини саноат ишлаб чиқариш ва экспорт учун тақсимлаш;
- маҳсулотлар импортига чегараланган тарзда йўл қўйилиши билан бирга технологик занжир бўйлаб нархларнинг ошишига олиб келаётган юқори нархларни яқка тарзда сақлаб туриш амалиёти сақланиб келаётган концернлар, ассоциациялар, холдинглар ва миллий компаниялар тизимини монополиядан чиқариш;
- солиқ тизимини ва уни маъмурийлаштиришни такомиллаштириш;
- ташқи савдони эркинлаштириш.

Айниқса қайта ишлаш соҳаларининг экспортини ривожлантириш хорижий мамлакатлар бозорларига чиқиш имкониятларига ҳам юқори даражада боғлиқ. Хом ашё экспорти амалда хорижий бозорларга чиқишда тўсиқларга учрамаган бир шароитда тайёр товарлар экспорти хорижий мамлакатларда кўпинча тариф ва нотариф тўсиқларга дуч келади.

Бугунги кунда мамлакат экспортини ривожлантиришнинг асосий муаммоларидан бири импортга нисбатан тариф ва нотариф протекционизмнинг юқори даражада мавжудлигидир. Айни вақтда юқори савдо тўсиқлари нафақат истеъмол товарларини (пировардида фойдаланиш учун товарларни) импорт қилишни, шу билан бирга ҳам экспортга, ҳам ички бозорга йўналтирилган миллий ишлаб чиқаришларни ривожлантириш зарур бўлган оралиқ товарлар импортини ҳам чеклаб қўяди. Бундан ташқари, ички

бозорда ташки рақобатни чеклаш иқтисодий ресурсларни самарасиз тақсимлаш учун омил яратади. Натижада ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда импортдан ҳимоя қилинган тармоқларнинг нисбатан рақобатбардошлик қобилияти пасайиб кетади.

Хўжалик юритувчи субъектларга ва инвесторларга барқарор шароит ва қўллаб-қувватлашни таъминлаб берадиган, одилона рақобатга ривожланишига ёрдам берадиган ва суистеъмолнинг олидини оладиган қулай шароитни яратиш экспортни ривожлантириш ва диверсификация қилиш ва оқибатда иқтисодий ўсишнинг зарур шарти ҳисобланади.

Ўтган йиллар мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, ташқи савдо таркибида ижобий силжишларга эришиш, унинг ҳажмини барқарор ўстириш имконини бермоқда (8.1.1-расм).



8.1.1-расм.

Маълумотлардан кўринадики, республикаимиз ташқи савдо айланиши муттасил ўсиб бормоқда. Хусусан, бу кўрсаткич 2009 йилда 21209,6 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2005 йилга нисбатан 2,23 марта, 2008 йилга нисбатан 0,06 фоизга ўсди. Бу экспорт ҳажми 2,4 фоизга ўсгани ҳолда импорт ҳажмининг 2,74 фоизга камайиши натижасида рўй берди.

Айни чоғда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирида кўпчилик мамлакатларда экспорт ҳажмининг кескин қисқариши кузатилмоқда. Жумладан, 2009 йилда экспорт ҳажмларининг қисқариши Россия Федерациясида 44,2 фоизни, Украинада 48,7 фоизни, Қозоғистонда 47,7 фоизни ташкил этди.

Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат тури (айниқса, хом ашё) улушининг катта бўлишига барҳам

берилиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради.

Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташқи талаб қисқарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши валюта тушумларининг камайиши, ташқи савдо балансининг ёмонлашуви ва корхоналар молиявий аҳволининг тангликка юз тутишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, экспорт умумий ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиб қолиши ҳам қалтис ҳолат ҳисобланади.

Президентимиз томонидан маърузада илгари сурилган тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради.

Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

2000-2009 йиллар давомида экспорт ва импортни диверсификация қилиш, унинг таркибини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз экспортининг товар таркибида ижобий силжишлар рўй берди (8.1.1-жадвал).

8.1.1-жадвал.

Ўзбекистон экспортининг товар таркиби

Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2008 йил	2009 йил
Экспорт жами (млн. АҚШ долл.)	3267,6	4853,0	11493,3	11771,3
Экспорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):				
Пахта толаси	27,5	19,1	9,3	8,6
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	2,9	5,3	5,6	5,0

Қора ва рангли металллар	6,6	9,2	7,0	5,0
Машина ва ускуналар	3,4	8,4	7,6	2,9
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5,4	3,8	4,5	6,0
Энергия ресурслари	10,3	11,1	24,7	34,2
Хизматлар	13,7	12,2	10,4	8,8
Бошқалар	30,2	30,5	30,9	29,5

Хусусан, бошқа товарлар позициялари бўйича экспорт ҳажмининг жадал ўсиши пахта толасининг жами экспортдаги улушини 2000 йилдаги 27,5 фоиздан, 2008 йилда 9,3 фоизга, 2009 йил якунларига кўра эса 8,6 фоизгача пасайишига олиб келди.


2000-2009 йилларда республикаимиз импорти таркибида ижобий силжишлар рўй берди. Мамлакатни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш тадбирларининг кенг миёсда амалга оширилишини таъминлаш жами импорт ҳажмида машина ва ускуналар импорти улушининг жадал ўсишига олиб келди (8.1.2-жадвал).

8.1.2.-жадвал.

Ўзбекистон импортининг товар таркиби

Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2008 йил	2009 йил
Импорт жами (млн. АҚШ долл.)	2944,5	4091,3	9704,0	9438,3
Импорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):				
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	13,6	13,6	11,6	11,1
Қора ва рангли металллар	8,6	10,3	7,7	6,3
Машина ва ускуналар	35,4	43,3	52,4	56,5
Озиқ-овқат маҳсулотлари	12,3	7,0	8,3	9,0
Энергия ресурслари	3,8	2,5	4,6	5,3
Хизматлар	8,5	10,4	4,4	4,4
Бошқалар	17,8	12,9	11,0	9,2

Ташқи савдо айланмаси, хусусан экспортнинг географик таркибида МДХ мамлакатларининг улуши 2009 йил якунларига кўра 33,9 фоизни ташкил этди (8.1.2-расм). 2009 йилда мамлакатимиз корхоналари экспортининг 21,0 фоизи Россия Федерацияси, 7,2 фоизи Украина, 6,2 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келди.



8.1.2. -расм

Узоқ хориж давлатларига қилинган экспортнинг жами экспортдаги улуши 2008 йилда 65,8 фоизни, 2009 йилда эса 66,7 фоизни ташкил этди. Бу мамлакатлар бўйича мамлакатимиз экспортининг диферсификациялашув даражаси нисбатан чуқурроқ бўлиб, 2009 йил маълумотларига кўра фақат Хитой (9,7%), Швейцария (7,9%), Афғонистон (3,3%), Туркия (3,2%), Эрон (2,7%), Германия (2,2%), АҚШ (1,7%) нинг мамлакатимиз экспортидаги улуши 1 фоиздан юқоридир.

Хорижий давлатларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш, бундай товарлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;
- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;

- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш;
- янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш ва Ҳ.к.

Бу борада ҳар бир тармоқ учун ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган 2010-2012 йилга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича махсус дастурларда экспорт ҳажмини ошириш, экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш, экспортчи корхоналарни маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалалари ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини диверсификация қилиш иқтисодий таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қилади.

Бугунги кунда экспортни ривожлантириш бу макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган давлатнинг умумий иқтисодий сиёсатининг ажралмас бир қисмидир.

Экспорт салоҳиятини юксалтириш, унинг ҳажмини ошириш, таркибини такомиллаштириш, географиясини кенгайтириш муҳим ва долзарб вазифадан бири бўлиб, бир вақтнинг ўзида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг мураккаб вазифалари қаторига киради.

Маълумки, минтақалар экспорт салоҳияти самарадорлигани ошириш кўп жиҳатдан жаҳон хом ашё бозоридаги талаб ва таклиф жараёнларига узвий боғлиқдир. Жаҳон бозорида кузатилаётган талаб-эҳтиёжлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон минтақалари экспорт салоҳиятининг яқин истиқболдаги ривожланиши кимё, рангли металлургия саноат маҳсулотлари, шунингдек, машина-жихозлар ва чуқур қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт ҳажмининг кескин ортишига боғлиқ бўлиб қолади. Чунки охириги ўн йилликлар мобайнида жаҳон бозорида айнан шу маҳсулотларга нисбатан барқарор нарх ва доимий талаб кузатилмоқда. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган Давлат экспорт сиёсати 2008-2010 йилларда ҳам сақланиб қолади ва мазкур сиёсат минтақалар экспорт салоҳиятини янада ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий ҳамда иқтисодий шарт-шароитларни яратишга йўналтирилади. Бу эса минтақаларда мавжуд табиий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ҳисобига чуқур қайта ишланган, рақобатга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон беради ҳамда экспортбоп маҳсулотлар турининг кескин ортишига олиб келади. Минтақалар экспорт салоҳиятининг кенгайишида ёқилғи-энергетика мажмуаси улкан истиқболлар очади. Яқин келажакда мавжуд нефть-газ захираларидан самарали фойдаланиш ҳисобига Бухоро, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари экспорт салоҳияти сезиларли даражада кўтарилди. Жумладан, Бухоро вилоятида чет эл инвесторлари

(Франция ва Туркия) билан ҳамкорликда 1996-1998 йиллар давомида нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи блоки ишга туширилди. Ушбу заводнинг қуввати йилига 2 млн. тонна газ конденсати ва 5 млн. тонна нефть маҳсулоти ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Республикамизда 2009-2010 йилларда углевод ишлаб чиқаришда асосий хом-ашё ҳисобланган нефть-газ конденсати ҳажмини ошириш ва маҳсулотни қайта ишлаш ҳисобига экспорт ҳажмини янада кенгайтириш мўлжалланмоқда. Шу боис нефть ва газ конденсати ишлаб чиқариш ҳисобига Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари экспорт ҳажмида чуқур таркибий ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Ҳозирда ушбу минтақалар ҳудудида Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводлари ҳамда Шўртан ва Муборак газни қайта ишлаш мажмуалари мавжуд. Республикамизда юксак техника ва технологияларни жалб этиш асосида қора металлургия саноатини ривожлантириш истикболлари мавжуд.

Минтақаларда рангли металлургия саноатини ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжуд. Бу эса хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда улкан истикболлар очади. Жумладан, Самарқанд (Ингичка, Қўйтош, Яхтон), Жиззах (Угат) ҳамда Навоий (Сариктоғ, Саутбас) вилоятларида вольфрам хом-ашёсига ўта бой захиралар мавжуд. Шунингдек, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидаги Учқулоч ва Хавдиза конларида кўрғошин, рух рудаси қазиб олишни 2 баробарга ошириш имконияти мавжуд. Рангли металлургия саноати бўйича экспорт салоҳиятини юксалтиришда асосий муаммолардан бири минерал хом ашё захираларидан фойдаланишда замонавий ускуналарни четдан келтириш ҳисобланади. Айниқса, Тошкент ва Навоий вилоятларида мавжуд тармоқ корхоналарини таъмирлаш ва техник қайта жиҳозлаш асосида жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш имконияти мавжуд. Олмалиқ ва Қизилқумдаги мис рудаси захиралари хом ашёси негизида турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятлари мавжудлига келгусида ушбу маҳсулот экспортини ошириш имкониятини беради. Минтақалар экспорт салоҳиятини кимё саноати бўйича оширишда асосий эътибор мавжуд кимё қайта ишлаш корхоналарини таъмирлашга қаратилмоқда. Айниқса, Навоий, Фарғона, Қашқадарё, Наманган, Тошкент, Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида қулай шарт-шароитлар мавжуд. Ҳозирда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган капролактамининг 70-80% қайта ишловчи воситаларни ишга туширишда қўлланилмоқда. Яқин келгусида капрон иплар ишлаб чиқарувчи фабрикаларни қуриш тахмин қилинмоқда. Шунингдек, кўпгина минтақаларда қисман маҳаллий эҳтиёж учун ҳамда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган енгил саноат корхоналарини қуриш мўлжалланмоқда.

Минтақалар бўйича машинасозлик экспорт салоҳиятини ошириш масаласи чет эл инвесторлари ва фирмаларини кенг жалб қилиш асосида янги тармоқларни ривожлантириш мўлжалланмоқда. Давлат инвестиция дастурига мувофиқ, Андижон, Жиззах, Тошкент, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида машинасозлик мажмуини янада ривожлантириш чора-тадбирларини, амалга ошириш бўйича аниқ режалар

лойихаси ишлаб чиқилмоқда. 2009-2010 йилларда қайта ишланган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишда хорижий сармоядорлар иштирокидаги қўшма корхоналар фаолияти ижобий аҳамият касб этиши кутилмоқда. Бу турдага ҳамкорлик Тошкент шаҳри, Андижон, Сурхондарё, Жиззах ва Фарғона вилоятларида янада ривож топган. Туркия, Хитой, Япония, Италия, Швейцария, Америка, Франция, Англия ва Литва давлатлари билан тузилган қўшма корхоналарда пахта толасидан ип, шойи, трикотаж, велюр, сунъий тери, жинси, жакард газлама, теридан тайёрланган оёқ-кийим маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, яқин истиқболда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашда хорижий сармоядорлар билан ўзаро ҳамкорликни қўшма корхоналар шаклида янада кенг йўлга қўйиш минтақалар экспорт фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

8.2. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш концепцияси

Ўзбекистон Республикасида Марказий Осиё давлатлари билан кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Республикамизнинг Яқин Шарқ ва Жанубий-Шарқий Осиёдаги ривожланаётган мамлакатларга яқинлиги, чегарадошлиги, Европа ва Осиё мамлакатлари савдо йўлида жойлашганлиги ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бунинг натижасида экспортга ихтисослашган қўшма субъектларни ташкил этиш, эркин иқтисодий ҳудудларни шакллантириш негизида ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириш имкониятлари вужудга келади.

Ҳозирги кунда республикамизда импортнинг ўрнини қоплаш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни қўллаб – қувватлаш дастури амалга оширилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш учун хорижий сармояларни устувор йўналишларга жадалроқ жалб қилишга, уларга кафолат ва имтиёзлар беришга, лицензиялар, “ноу хау”лар сотиб олишга, валюта тушумларини кадрларни тайёрлашга сарфлашда эркинликлар беришга қаратилган изчил сиёсат олиб борилмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигини ошириш – ушбу соҳадаги бошқарувни такомиллаштириш, энг аввало, саноат йўналишидаги субъектларини бошқариш ва иқтисодий рағбатлантириш тизимини яратишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бунинг учун субъектларни замонавий илғор технология, энг янги ускуналар, айниқса кичик ва ўрта субъектлар учун мўлжалланган ихчам ускуналар билан жиҳозлаш талаб қилинади.

Ўзбекистонда экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзлар берилган бўлиб, уларнинг айримлари қуйдагилардан иборат:

- субъект ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни эркин алмаштириладиган валютага сотадиган бўлса, унга аккредитивсиз экспорт қилиш ҳуқуқи берилади;
- товар экспорти ички бозор баҳосидан паст баҳода амалга оширилганда солиққа тортиш ҳақиқатда сотиладиган баҳо бўйича амалга оширилади;
- экспортга чиқарилаётган товарларнинг ҳажми умумий сотиш ҳажмининг 30 фоизини ёки ундан ортиғини ташкил қилса, даромад солиғининг миқдори икки мартагача қисқартирилади;
- МДХга маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар 1998 йил 1 январдан бошлаб акциз солиғи ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадилар;
- мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча ишлаб чиқариш субъектлари чет давлатларда ўзларининг уйлари, ваколатхоналарини очишлари мумкин. Шу билан бирга, уларга консигнация шартлари асосида товар етказиб беришларига рухсат берилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда хорижий сармояларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга, ҳамда зарур бўлган инфраструктураларни яратишга катта аҳамият берилмоқда. Булар жумласига, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Хорижий сармоялар бўйича агентлик, “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини киритишимиз мумкин. Бу ташкилот ва муассасаларнинг республикамизга хорижий сармояларнинг кириб келишини тезлаштиришда, устувор йўналишларни аниқлашда, уларни суғурталашда, банк ва консалтинг хизматлари кўрсатишда беқиёс аҳамиятга эгадир.

8.3.Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни кредитлаш

Бугунги кунда Республикамизда пул-кредит дастакларининг тижорат банклари фаолиятида таъсири механизми нуктаи назаридан олиб караганда, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардаги бериладиган кредитлар миқдори марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасига, марказий банкнинг сўмдаги депозитлар бўйича мажбурий захира ставкасига ва кредитларнинг ўртача фоиз ставкасига тескари мутаносибдир. Ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) Миллий банкининг кредит ресурслари миқдорига эса тўғри мутаносибдир. Бунинг сабаби шундаки, Марказий банкнинг мажбурий захира ставкалари оширилиши тижорат банкларининг кредитлаш салоҳиятларини тўғридан тўғри пасайтиради. Мажбурий захира ажратмалари тижорат банкларининг жалб қилинган ресурсларига нисбатан ҳисобланади.

Ўз навбатида жалб қилинган ресурсларнинг асосий қисми тижорат банкларининг кредит ресурслари ҳисобланади.

Бугунги кунда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган кредитларга таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган кредитлар ҳажми, кредитларнинг ўртача фоиз ставкаси, Марказий банкнинг сўмдаги депозитлари бўйича мажбурий захира ставкаси, ТИФ Миллий банкнинг кредит ресурслари кабиларни келтириш мумкин.

ТИФ Миллий банкнинг хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг кредитлаш салоҳиятига таъсир қилувчи муҳим омиллардан яна бири, кредит ресурсларининг етарлилик даражаси ҳисобланади. Кредит ресурсларининг етарли даражада бўлиши тижорат банкларига ўз мижозларини барқарор тарзда кредитлаш имконини беради. Халқаро банк амалиётида кредит ресурсларининг етарлилик даражаси куйидаги иккита кўрсаткич орқали аниқланади:

1. Трансакцион депозитлар кўрсаткичи.

Бу кўрсаткични аниқлаш учун трансакцион депозитлар суммаси тижорат банкнинг жами депозитлари суммасига бўлинади ва олинган натижа 100 фоизга кўпайтирилади. Экспертларнинг фикрига кўра, агар тижорат банклари депозитларининг салмоғи 30 фоиздан ошмаса, банкнинг депозит базаси барқарор ҳисобланади.

2. Тижорат банки умумий капиталининг етарлилик даражаси.

Буни аниқлаш учун умумий капитал суммаси банк активларининг рискка тортилган суммасига бўлинади ва олинган натижа 100% га кўпайтирилади. Халқаро Базел стандарти бўйича тижорат банклари умумий капиталининг етарлилик коэффицентини минимал даражаси 8% ни ташкил этилиши лозим. Агар бу коэффицентининг ҳақиқатдаги даражаси 8% дан паст булса у ҳолда тижорат банкнинг умумий капитали етарли эмас деб ҳисобланади.

Жаҳоннинг етакчи банлари экспертларнинг тавсиясига кўра, соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражаси 4,5% ни, соф фоизли спрэд кўрсаткичининг меъёрий даражаси эса, 1,25% ни ташкил этади. Миллий банк тизимида соғлом рақобат муҳити мавжуд бўлган шароитда тижорат банклари ана шу белгиланган даражаларда фаолият юрита оладилар. Агарда банк тизимида соғлом рақобат муҳити шакллантирилмаган булса, у ҳолда монопол банклар ушбу кўрсаткичларнинг юқори даражасида фаолият юритиш имкониятига эга бўлишади, кичик ва ўрта тижорат банклари эса бу кўрсаткичларнинг меъёрий даражасини ҳам таъминлай олишмайди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги даврда ТИФ Миллий банкнинг хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни кредитлаш салоҳиятига асосан урта омил таъсир қилмоқда. Булар Марказий банкнинг мажбурий захира талабномасининг ўзгариши, кредитларнинг фоиз ставкалари ўзгариши ва ТИФ Миллий банки кредит ресурсларининг етарлилик даражасидир. Шу сабабли, ушбу омиллар банкнинг кредитлаш салоҳиятига нисбатан юзага келиш эҳтимоли бўлган салбий таъсирларга барҳам бериш муҳим амалий аҳамият касб этади.

8.4. Хорижий инвестицияли корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолияти

Ўзбекистон Республикасида меъёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини рағбатлантириш, келгусида хорижий капитални жалб қилиш, янги қўшма корхоналар яратиш учун қулай иқтисодий заминни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мақсадли йўналтирилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Корхоналарни хусусийлаштиришда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, жорий халқаро операциялар бўйича сўмнинг конвертациясини жорий қилиш, айрим истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўшимча қиймат солиғидан ташқари бошқа солиқ тўловларидан озод қилиш, шунингдек, божхона тарифлари ёрдамида тартибга солишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар хорижий инвестицияли корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолияти ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ижобий ўзгаришларига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида кўплаб корхона ва бирлашмалар, корпорация ва компаниялар, фирма ва бошқа ташкилотлар хорижлик шериклар билан ташқи савдо алоқаларини муваффақиятли ривожлантирмоқда, хорижлик инвесторлар иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Хорижий инвестицияли корхоналар ишлаб чиқарувчи маҳсулотлар халқаро сифат стандартлари талабларига жавоб бера олади. “GM Ўзбекистон”, “ЎзКейсМаш”, “ЎзБАТ”, “Дойче Кабель АГ Ташкент”, “Green World”, “Оқсарой тўқимачи LTD”, “Хобас Тапо” ва бошқа бир қатор хорижий инвестицияли корхоналар ўз маҳсулотларига ИСО 9001 стандарти сертификатларини олган. Яқин йилларда республикада “Тошкентсут” АЖ, “Ўзгўштсутсаноат” ва Россия компанияси асосида яратилган “Вимм-Билль-Данн-Марказий Осиё-Тошкент” қўшма корхонасида сут маҳсулотлари (сут, творог, пишлоқ) ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган. Бу эса республика ички бозорини таъминлаш ва Қозғистон, Хитой ва Туркияга сут маҳсулотлари экспорт қилиш имконини беради. Енгил саноатда ҳам хорижий инвестицияли корхоналарнинг фаолияти сезиларли даражада кенгайтирилиши режалаштирилмоқда. Тўқимачилик товарлари экспорти 2 барабар ўсиши кутилмоқда. Лойиҳаларнинг асосий ҳамкорлари АҚШ, Германия, Швейцария ва Туркия мамлакатларидир. Хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда устувор лойиҳаларни амалга ошириш республика бозорини тўлдиришдан ташқари, юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорларига экспорт қилиш имконини беради.

Қисқача хулосалар

1. Экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини диверсификация қилиш иқтисодиётимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қилади.

2. Бугунги кунда экспортни ривожлантириш бу макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган давлатнинг умумий иқтисодий сиёсатининг ажралмас бир қисмидир.

3. Ташқи савдо муносабатларимиз географияси, аввало, ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари билан савдо айланмасининг ўсиши ҳисобидан сифат жиҳатидан ўзгармоқда.

4. Кейинги йилларда экспорт соҳасида кўлга киритилган ютуқлар, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларнинг натижасидир.

Назорат учун саволлар

1. Экспортга йўналтирилган иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий моҳиятини тушунтириб беринг.

2. Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришларни мисоллар ёрдамида изоҳланг.

3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири қайси йўналишларда намоён бўлди?

4. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигини ошириш қайси омилларга боғлиқ?

5. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда хорижий инвестицияларни роли нималардан иборат?

6. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни кредитлашнинг иқтисодий моҳиятини тушунтириб беринг.

7. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган кредитларга қайси омиллар таъсир қилади?

8. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспортини ривожлантиришнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

9-боб. Хорижий инвестицияларни суғурталаш ва таваккалчилик

9.1. Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорининг ривожланиши

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ташаббуслари билан молиявий бозорни янада ривожлантириш, унинг ошкоралиги ва барқарор фаолиятини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестициялар жалб этилишини фаоллаштириш борасида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан жадал ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида, аҳоли турмуш тарзини яхшиланишига, ишсизликни олдини олишга ва энг асосийси камбағалликни йўқотишга туртки бўлади. Охирги йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барча соҳаларида шу жумладан, суғурта соҳасида ҳам чуқур ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги 618-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2008 йил 21 майдаги 872-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, суғурта, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришнинг яққол мисолдир.

Бундан ташқари, мазкур Президент қарори асосида, мол-мулк суғуртаси ва ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш бўйича аҳоли ва корхоналарнинг тўлаган суғурта мукофотлари уларнинг даромад солиғи базасидан чиқарилиши белгиланди, бу билан шахсий суғуртани ва аввало жамғариб бориладиган суғурта турларини ривожланишига улкан база яратиб берилди. Ҳозирда Ўзбекистонда 29 та суғурта компанияси фаолият юритиб келмоқда. Ушбу суғурта компанияларидан 4 таси давлат улушига эга суғурта компаниялари ҳисобланади, булар “Ўзбекинвест” ЭИМСК, “Ўзагросуғурта” ДАСК, “Кафолат” ДАСК ва “Мадад” Суғурта агентлигидир. “Ўзбекинвест ҳаёт” суғурта компанияси ҳаёт суғуртаси соҳасида фаолият юритади ва яна битта қайта суғурта фаолиятини амалга оширувчи “Трансиншуранс” суғурта компанияси мавжуд. Қолган 27 та суғурта компанияси умумий суғурта соҳасида фаолият юритмоқда.

Ялпи суғурта мукофотлари ҳажмининг ялпи миллий маҳсулотдаги улуши, суғурта бозори ривожланишини ифодаловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич охирги йилларда 0,3% атрофидаги барқарорликка эришди, бу маҳаллий суғурталовчилар томонидан суғурта хизматларига бўлган тўловга қобил талабнинг тўлиқ қондирилганлигидан далолат беради. Шундай қилиб, шуни таъкидлаб утиш жоизки Ўзбекистонда суғурталаш ва қайта суғурталаш фаолияти юқори ўсиш суръатларини сақлаб турибди ва суғуртанинг иқтисодиётдаги аҳамияти кундан кунга ошиб бормоқда.

9.2. Хорижий инвестицияларни суғурталаш

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштиришга катта эътибор қаратилиб, инвесторларга кўмаклашиш ва кафолатлар бериш учун уларга инвестиция, солиқ тизимида ва божхона тўловлари соҳаларида маълум имтиёзлар, шароитлар ва кафолатлар тизими шакллантирилди. Бундай тизимнинг таркибий қисми бўлган суғуртанинг шакллантирилиши хорижий инвесторларга сиёсий ва тижорат хатарларидан суғурта кафолатини тақдим этиш имкониятини яратди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан суғурта соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилиб, суғурта бозорини босқичма-босқич ислоҳ қилиш амалга оширилмоқда.

Ҳозирги пайтга келиб, суғурта фаолиятини тартибга солувчи амалдаги, умумий, махсус қонунчилик ҳамда қонунга асосланган ва маъмурий - меъёрий ҳужжатларни ўз ичига олувчи қонунчилик тизими яратилди. Бундай суғурталаш ҳуқуқий тизимининг мавжудлиги республика суғурта бозорини ривожлантиришга ва такомиллаштиришга асос бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг суғурта қонунчилиги Ўзбекистон ҳудудида хорижий юридик ва жисмоний шахсларга суғурта ташкилотларини ташкил этишда инвесторларнинг низом сармоясида қатнашиш улушини қаттиқ чегаралашни назарда тутмайди.

2000 йилнинг охирига келиб республикада 28 та суғурта ташкилоти фаолият кўрсатди. 2009 йилга келиб, улардан 25 таси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 300 бўлинмаси, шу жумладан, чет эл суғурта бозори вакиллари иштирокида тузилган тўртта суғурта ва брокерлик компанияси иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларининг устувор йўналишлари амалга оширилиши инвестиция фаолиятини жадаллаштиришга хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва экспортнинг ўсишига кўмаклашишга қаратилган. Бу эса, суғурта компаниялари фаолиятини кенг қамровда ривожлантиришни тақозо этади.

Хусусан, маҳсулот ва хизматлар бозорларида Ўзбекистон экспортчиларига суғурта ҳимоясини тақдим этиш мақсадида, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ташкил этилди. Бу суғурта компанияси миллий экспорт қилувчиларнинг иқтисодий манфаатларини чет элларда хорижий ҳамкорлар томонидан қабул қилинган контракт мажбуриятларининг бажарилишига тўсқинлик қилувчи сиёсий, тижорат ва тадбиркорлик хатарларидан суғуртавий ҳимоя қилишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига сармоя сарфлаётган хорижий инвесторларнинг мулкӣ ва шахсий манфаатларини комплекс суғуртавий ҳимоя қилишни таъминлайди. Сиёсий хатарлардан суғурталаш бўйича халқаро тамойилларга асосланган ҳолда «Ўзбекинвест-интернейшнл» АЖ хорижий инвестицияларни ва савдони суғурталаш соҳаларида ўзининг суғурта хизматларини тақдим этади. Бугунги кунда, бу компания хорижий инвестицияларни қуйидаги сиёсий хатарлардан суғурталамоқда: мулкни мусодара қилишдан; экспроприациядан; мулкдан маҳрум қилишдан ёки миллийлаштиришдан; кўшимча хатарлар сифатида - танловли

камситишлардан; активлардан мажбурий маҳрум этилишдан; экспорт - импорт эмбаргосидан; лицензия бекор қилинишидан; уруш ва фуқаролар ғалаёнидан; ҳукумат шартномаси бекор қилинишидан ҳукумат кафолатларининг ноқонуний равишда йўқ қилинишидан ва бошқалардан. Узоқ муддатли хатарларни қоплаш бўйича компания жаҳон суғурта бизнесининг етакчи суғурта ва қайта суғурталаш компаниялари, халқаро молиявий институтлари ҳамда давлат экспорт - кредит агентликлари билан, қисқа муддатли хатарлар бўйича сиёсий хатарларни суғурталовчи хусусий бозор компаниялари билан фаол ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Йирик инвестиция лойиҳаларини қоплаш бўйича қўшма корхонанинг АИГ (АҚШ) суғурта компанияси ва Ллойдс бозоридаги хусусий компаниялар билан шартномалари бор.

Компания фаолияти давомида қайта суғурталашни кенг йўлга қўйган ҳолда, ташқи савдо шартномалари ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига йўналтирилаётган инвестициялар бўйича умумий ҳисобда 884,76 млн АҚШ доллари миқдорида суғурта ҳимояси тақдим этилди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар ва ташқи савдо шартномаларини хорижий банклар томонидан ушбу давлатларнинг экспорт-кредит агентликларининг кафолатларисиз молиялаштириш учун қулай шароит яратиш бўйича қўшимча тарзда компания томонидан мақсадли стратегик режа амалга оширилмоқда. Сиёсий бўҳронлардан имтиёзли шартлар асосида суғурталашнинг тақдим этилиши нефт қазиб олиш ва газ-кимё тармоқлари, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автомобилсозлик, телекоммуникация соҳаси ҳамда пахта толаси ва республика металлургия саноати маҳсулотларининг экспорт шартномалари бўйича аванс тўловларини ўз вақтида олиш учун ушбу банклар ресурсларини жалб этиш ва улардан фойдаланиш имконини беради. Хулоса қилиб айтганда, республикада хорижий инвестицияларни, умуман, инвестиция фаолиятини суғурталаш механизми яратилди. Мавжуд механизмни янада такомиллаштириш, хорижий инвесторларга сифатли, арзон ва қулай суғурта хизматларини кўрсатиш миллий ва қўшма суғурта компанияларимизнинг асосий мақсадидир. Ушбу мақсадларни амалга ошириш ва жаҳон талабларига тўла жавоб бера оладиган суғурталаш тизимини яратиш учун:

биринчидан, суғурта бозорида маълумотларнинг очиқ намоён этилиши, яъни суғурталанувчи ва суғурта назорати органларининг суғурта компанияларининг ишончлилиқ даражаси тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши;

иккинчидан, суғурта компаниялари фаолиятини бошқаришни тўғри йўлга қўйиш, яъни самарали бошқарувни ташкил этиш;

учинчидан, хорижий суғурта институтлари устидан фаол назорат олиб борилиши;

тўртинчидан, хўжалик-молиявий аҳволи ёмон ҳолатда бўлган ёки банкротлик эҳтимоли юқори бўлган суғурта компаниялари билан ишлаш услубларини яратиш;

бешинчидан, суғурта соҳаси бўйича етук мутахассисларни тайёрлаш, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳимдир.

Чет эл инвесторлари учун зарур молия-иқтисодий кафолатларни таъминлаш учун ҳукумат томонидан чет эл инвесторларини ҳимоялашнинг Миллий суғурта жамғармасини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу жамғарма республика ҳудудида таъсис этилган чет эл банкларида Ўзбекистон Республикаси, хорижий инвестиция иштирокидаги суғурта компаниялари валюта қадриятларининг бир қисмини депонентлаш йули билан ҳосил қилинади.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициясини ҳимоялаш расмий давлат суғурта агентлиги ҳисобланган суғурталаш тизими ва чет эл суғурта компаниялари иштирокидаги қўшма суғурта компаниялари орқали таъминланади.

9.3. Ўзбекистон Республикасида халқаро кафолатларни қўллаш масалалари

Халқаро кафолатлар товарлар ва капиталлар ҳаракатини узлуксиз ва доимий ҳаракат қилиниши таъминланишига хизмат қилади. Халқаро кафолатлар импорт қилувчиларни сифатсиз товарлар қабул қилишдан, экспорт қилувчиларни эса товарлар ҳақини ололмай қолиш хавфидан сақлайди.

Халқаро кафолатлар халқаро операцияларнинг барча асосий турларида қўлланилади. Жумладан, буларга:

- халқаро кредитлар бўйича бериладиган кафолатлар;
- экспорт-импорт операциялари бўйича бериладиган кафолатлар;
- тўғри ва портфелли инвестициялар бўйича бериладиган кафолатларни киритиш мумкин.

Халқаро кафолатлар марказий банклар, тижорат банклари, корпорациялар, ҳукумат ва халқаро ташкилотлар томонидан берилади. Халқаро кафолатлар банклар ва бошқа кафолат берувчи ташкилотлар учун муҳим даромад манбаи ҳисобланади, аммо булар юқори riskли операциялар ҳисобланади.

Халқаро кафолатларда учинчи бир томоннинг иштирок этиши шартдир. Айнан мана шу кафолат берувчи томоннинг тўловга лаёқатлилиги асосий масала бўлиб ҳисобланади. Халқаро кафолатлар халқаро миқёсда тан олинган субъектлар томонидан берилади.

Халқаро кафолатларнинг қуйидаги асосий турлари мавжуд:

Тўғри кафолат - бу кафолат берувчи томоннинг бевосита экспорт-импорт операциялари учун берадиган кафолатидир. Бунда мазкур тўлов бўйича мажбуриятларни тўлиқ ўз зиммасига олади. Бундай кафолатлар тўлов

талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар, ҳужжатлаштирилган аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда кенг қўлланилади.

Воситалашган кафолатларда кафолат берувчи ўзига хос тарзда воситачилик вазифасини ўтайди. Бундай кафолатлар экспорт-импорт операцияларида кенг ишлатилади.

Тасдиқланган кафолатлар берилган кафолатларни тасдиқлаш шаклида намоён бўлади. Масалан, банк ўз мижози бўлган импорт қилувчининг тўлов мажбуриятлари бўйича кафолат берган бўлса, экспорт қилувчининг банки ҳам ушбу кафолатлар бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади. Бу эса мавжуд кафолатларни тасдиқлаш йўли билан амалга оширилади.

Халқаро кафолатларнинг яна қуйидаги асосий шакллари ҳам мавжуд:

- 1.Тўлов бўйича берилган кафолатлар.
- 2.Сифатли маҳсулотлар етказиб бериш бўйича берилган кафолатлар (жарима, қўшимча харажатлар).

Ўзбекистон Республикасида халқаро кафолатлардан фойдаланиш масаласи энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Республикада катта суммада молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг аксариятида давлат улушининг кўплиги сабабли, халқаро кафолатларни ишлатувчи субъект ҳукуматдир. Бундай йирик лойиҳаларга Кўкдумалоқ нефть мажмуини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Олинаётган халқаро кредитларнинг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати билан олинмокда. Халқаро кафолатларни беришда тижорат тузилмалари ва банкларнинг аҳамияти каттадир. Ўзбекистон Республикасида халқаро кафолатлар ўрнини босувчи мажбуриятларни пул маблағлари билан таъминлаш тизими кенг қўлланилади.

9.4. Инвестицияларнинг таваккалчилик даражаси

Инвестициялар таваккалчилик даражаси бўйича юқори таваккалли ва паст таваккалли инвестицияларга ажратилади. Молия соҳасида таваккалчиликлик деганда инвестицияларга мутлоқ ёхуд нисбий миқдордаги фойда кутилганидан анча кам бўлади, бошқача айтганда «таваккалчилик» атамаси кутилмаган натижа олиш имкониятини англатади. Қўйилма маблағларига фойдани мутлоқ ёхуд нисбий миқдорларининг ёйилиши қанчалик кенг бўлса таваккалчилик шунчалик катта бўлади ва аксинча. Якка инвестор энг кам таваккалчиликка эга бўлган давлат қимматли қоғозлардан тортиб энг юқори таваккалли товарларгача бўлган давлат қимматли қоғозлардан тортиб энг юқори таваккалли товарларгача бўлган воситаларни кенг танлаш имкониятига эга. Албатта, таваккалчилик кўп ҳолларда эмитентнинг, воситачининг ёки муайян молиявий воситаларни сотувчисининг софдиллигига боғлиқ. Паст таваккаллик инвестициялар муайян даромад олишни хавфсиз воситаси ҳисобланади. Аксинча, юқори таваккалли инвестициялар хавфли ҳисобланади.

Қисқча хулосалар

1. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштиришга катта эътибор қаратилиб, инвесторларга кўмаклашиш ва

кафолатлар бериш учун уларга инвестиция, солиқ тизимида ва божхона тўловлари соҳаларида маълум имтиёзлар, шароитлар ва кафолатлар тизими шакллантирилди. Бундай тизимнинг таркибий қисми бўлган суғуртанинг шакллантирилиши хорижий инвесторларга сиёсий ва тижорат хатарларидан суғурта кафолатини тақдим этиш имкониятини яратди.

2. Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициясини ҳимоялаш расмий давлат суғурта агентлиги ҳисобланган суғурталаш тизими ва чет эл суғурта компаниялари иштирокидаги қўшма суғурта компаниялари орқали таъминланади.

3. Халқаро кафолатлар товарлар ва капиталлар ҳаракатини узлуксиз ва доимий ҳаракат қилиниши таъминланишига хизмат қилади. Халқаро кафолатлар импорт қилувчиларни сифатсиз товарлар қабул қилишдан, экспорт қилувчиларни эса товарлар ҳақини ололмай қолиш хавфидан сақлайди.

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорининг ривожланиши борасидаги ўзгаришларни санаб беринг.

2. Ўзбекистонда фаолият юритаётган суғурта компаниялари ва уларнинг хорижий инвестицияларни суғурталашдаги аҳамиятини тушунтириб беринг.

3. Хорижий инвестицияларни суғурталашнинг моҳияти нималардан иборат?

4. Суғурта кафолатини тақдим этиш нимани англатади?

5. Ўзбекистон Республикасининг суғурта конунчилиги нималарни назарда тутмайди?

6. Ўзбекистон экспортчиларига суғурта ҳимоясини тақдим этиш мақсадида қайси суғурта компанияси ташкил этилди?

7. Сиёсий хатарлардан суғурталаш бўйича халқаро тамойилларга асосланган ҳолда қайси суғурта компанияси тузилган?

8. Чет эл инвесторлари учун зарур молия-иқтисодий кафолатларни таъминлаш учун ҳукумат томонидан чет эл инвесторларини ҳимоялаш бўйича қандай қарор қабул қилинган ?

9. Халқаро кафолатлар қачон ва нима учун қўлланилади ?

10. Халқаро кафолатларнинг асосий турлари ва уларнинг мазмунини тушунтириб беринг.

11. Инвестицияларнинг таваккалчилик даражасини тушунтириб беринг.

10-боб. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш


10.1.Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самараси аниқлаш

Иқтисодиётнинг инвестицияга бўлган талаби, инвестицияга йуналтириладиган маблағларнинг етишмаслиги инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишни тақазо этади. Чунки қўйилган капитал маблағидан самарали фойдаланиш натижасида кўпроқ фойда олиш мумкиндир.

Халқаро капитал ҳаракатнинг иқтисодий самарасини кўрсатиш учун, капитал қўйилмалардан олинадиган фойда турли мамлакатларда турлича деган тасаввурдан келиб чиқиш зарур. Жаҳонда икки мамлакат мавжуд деб ҳисоблайлик. *I* мамлакат AK микдорда, *II* мамлакат AK' микдорда капиталга эга. Иккала мамлакатнинг умумий капитали KK' га тенг. S_1 ва S_2 тўғри чизиклар *I* ва *II* мамлакатларда қўйилган капитал хажмига боғлиқ равишда ишлаб чиқариш хажмини ўсишини акс эттиради. Агар халқаро капитал ҳаракати мавжуд эмас деб фараз қилинса *I* ва *II* мамлакатлар ўз капитал маблағларни мамлакат ичкарасида сарфлаб даромад олади (*I* мамлакат KC хажмида, *II* мамлакат $K'D$ хажмда). *I* мамлакатнинг ўз капитали ёрдамида ишлаб чиқариш ҳажми $a+b+c+d+e+f$ сегментларининг йиғиндисига тенг бўлиб, булардан капитал эгаларининг фойдаси $a+f$ га тенг булади, қолгани эса ер ва меҳнат каби бошқа ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг фойдасидир. *II* мамлакатнинг ишлаб чиқариш хажми $i+j+k$ га тенг бўлиб, бундан капитал эгаларининг фойдаси $j+k$, қолгани эса бошқа ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг фойдасидир. $KC < K'D$ эканлиги *I* мамлакатда капитал қўйишдан олинадиган фойда *II* мамлакатникидан кам эканлигини англатади(10.1.1-чизма)

“I” мамлакат

“II” мамлакат



10.1.1-чизма

Агар иккала мамлакат капиталнинг халқаро ҳаракатини тақиқловчи чекловларни олиб ташласа *I* мамлакатдаги капиталнинг бир қисми (AB) *II* мамлакатга кўчади, чунки инвестициялардан келадиган фойда иккала мамлакатда турличадир. Шундан сўнг инвестициялардан келадиган фойда BR

даражасида баланслашади. Бунинг натижасида *I* мамлакатнинг уз капитали ёрдамидаги ишлаб чиқариш ҳажми $a+b+c+d+e+f+h$ сегментларининг йигиндисига тенг бўлиб, $a+b+c+d$ маҳсулотлар ички инвестициялар ҳисобига, $h+e+f$ - *II* мамлакатга қилинган хорижий инвестициялар ҳисобга олингандир. Капитални бир қисмини *II* мамлакатга инвестициялаш ҳисобига ялпи ишлаб чиқариш (ялпи капитал ҳажми ўзгармаган ҳолда) маълум бир ҳажмга (h сегмент ҳажмига) ўсади. Бунда капиталдан олинган даромад ҳам *KC* дан *KE* даражагача ошади. Капитал эгаларининг даромади $a+b+d+e+f+h$ ҳажмгача ўсиб, бошқа ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг даромади c сегмент ҳажмида бўлади, холос.

Бошқа томондан, капитални *I* мамлакатдан *II* мамлакатга оқиб келиши унда капиталдан олинadиган фойдани $K'D$ ҳажмидан $K'F$ ҳажмгача қисқаришига олиб келади. Шу вақтнинг узида *I* мамлакатдан жалб қилинган ва ўзининг ички капиталини ишлатиш натижасида *II* мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажми $i+j+k$ дан $i+j+k+g+h+e+f$ гача кенгаяди. Албатта, $h+e+f$ сегментлар хорижий капитал ҳисобига ишлаб чиқарилган бўлиб, охир натижада *I* мамлакат инвесторларига фойда тариқасида берилиш зарур. Шундай қилиб *II* мамлакатда ички ишлаб чиқаришнинг соф усиши g сегментга тенг булади. *II* мамлакатда капитал қўйилишидан олинadиган фойда пасайиши натижасида капитал эгаларининг даромади $j+k$ ҳажмдан k ҳажмгача қисқаради, бошқа ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг даромади эса i дан $i+g+j$ ҳажмгача ўсади.

Жаҳон хўжалиги микёсида қаралганда капиталнинг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга оқиб ўтиши натижасида ялпи ишлаб чиқариш ҳажми $[a+b+c+d+e+f]+[k+j+i]$ дан $[a+b+c+d]+[e+f+g+h+i+j+k]$ ҳажмгача, яъни $g+h$ ҳажмгача ўсади. Бунда h *I* мамлакатнинг капиталини *II* мамлакатга инвестициялаб самаралироқ фойдаланиш натижасида юзага келади, g эса *II* мамлакатга тегишли бўлиб, шу мамлакатда инвестицияланадиган капитал ҳажмини ўсганлиги натижасида вужудга келади.

Шундай қилиб, капиталнинг халқаро ҳаракати (товарларнинг халқаро ҳаракати каби) ишлаб чиқариш омилларини самаралироқ қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланиш эвазига ялпи умумжаҳон ишлаб чиқаришини ўсишига олиб келади. Бунда, капитални экспорт қилувчи мамлакатдаги капитал эгаларининг даромади ўсади ва бошқа омиллар (айниқса меҳнат ва ер) эгалари даромади эса қисқаради. Капитални импорт қилувчи мамлакатдаги капитал эгаларининг даромадлари қисқаради ва ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари эгаларининг даромадлари эса ўсади.

Мамлакатларнинг халқаро капитал миграцияси (ХКМ) жараёнларида қатнашиши бир қатор кўрсаткичлар орқали намоён булади. Буларга капитал экспорти (импорти) ҳажми, капитал экспорти-импорти сальдоси, мамлакатдаги хорижий капиталли корхоналар сони, уларда банд бўлганлар сони ва бошқалар киради. Сальдодан келиб чиқиб, жаҳон хўжалиги мамлакатларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- капитални экспорт килувчи мамлакатлар (Япония, Швейцария);
- капитални импорт килувчи мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия);
- тахминий мувозанатдаги мамлакатлар (Германия, Франция).

Бошка гуруҳ кўрсаткичлар эса капитални экспорт-импорт килиш даражасига боғлиқ ҳолда мамлакатларнинг ХКМ даги таксимланишини акс эттиради. Улар қуйидагилардир:

1) Капитал импорти коэффиценти ($K_{ик}$) - хорижий капитал (ХК)нинг мамлакат ЯИМдаги улушини акс эттиради:

$$K_{ик} = \frac{ХК}{ЯИМ} \times 100\% \quad (10.1.1.)$$

Европа мамлакатлари ичида энг юкори кўрсаткич Белгия ва Люксембурга тегишли.

2) Капитал экспорти коэффиценти ($K_{эк}$) - экспорт килинадиган капитални (ЭК) мамлакат ЯИМга нисбатини акс эттиради:

$$K_{эк} = \frac{ЭК}{ЯИМ} \times 100\% \quad (10.1.2)$$

Европа мамлакатлари ичида максимал кўрсаткич Нидерландияга тегишли.

3) Мамлакат иқтисодиётига сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида хорижий капитални улушини акс эттирувчи кўрсаткич:

$$K_{эх} = \frac{ХК}{D(K)} \times 100\% \quad (10.1.3)$$

бу ерда: $K_{эх}$ – эҳтиёж коэффиценти, ХК – хорижий капитал, $D(K)$ – мамлакатда капиталга бўлган талаб.

АҚШнинг капиталга бўлган ички эҳтиёжларининг 33% хорижий капитал хисобига қондирилади.

4) Бошка нисбий кўрсаткичлар – миллий ишлаб чиқаришда хорижий ёки аралаш компанияларнинг улуши, ўтган даврга нисбатан капитал экспорти (импорти)ни ўсиш суръатлари, мамлакат аҳолисининг ҳар бирига тўғри келадиган хорижий инвестициялар суммаси ва бошқалар.

10.2. Инвестицион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари

Иқтисодий самарадорлик - инвестиция учун қўйилган капиталдан фойдаланилганлиги учун олинган фойда, даромад тушунилса, ижтимоий-иқтисодий самара эса инвестицияни ишлатишдан олинган фойдадан

ташқари, кишиларнинг ҳаёти яхшиланиши, табиатни сақлаш, илмий техникавий тараққиётнинг ривожланиши ҳам тушунилади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда «иқтисодий самара» ва «иқтисодий самарадорлик» атамаларига эътибор бериш лозимдир.

Иқтисодий самара - қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижаси бўлса, иқтисодий самарадорлик эса олинган иқтисодий самара еки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги муносабатни билдиради.

Иқтисодий самара бу қўйилма ҳисобига олинган даромаддан қўйилган капитал суммаси айирилиб топилади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$\mathcal{E} = \mathcal{D} - K \quad (10.2.1.)$$

бу ерда:

$\mathcal{E}$ - иқтисодий самара;

$\mathcal{D}$ - қўйилган капиталдан даромад;

K - қўйилган капитал суммаси.

Иқтисодий самарадорлик қўйилган инвестициядан олинган фойда, даромадни қўйилган капитал суммасига бўлиш орқали топилади:

$$\mathcal{E}_1 = \frac{Иф}{K} \quad (10.2.2.)$$

бу ерда:

$\mathcal{E}_1$ - иқтисодий самарадорлик;

$Иф$ - инвестициядан фойда;

K - қўйилган капитал.

Мамалакат иқтисодиёти миқёсида инвестициянинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи мамалактда яратилган ялпи миллий маҳсулот миқдорини мамалакт миқёсида киритилган инвестици миқдорига бўлиш орқали топилади.

$$\mathcal{E} = \frac{ЯММ}{K} \quad (10.2.3)$$

бу ерда:

$\mathcal{E}$ - иқтисодий самарадорлик;

$ЯММ$ - ялпи миллий даромад;

K - $ЯММ$ ни яратиш учун қўйилган капиталнинг суммаси.

Иқтисодий самара вақт функцияси ҳисобланиб, бошланишида у салбий кўринишда бўлади, чунки қўйилган капиталдан ҳали даромад олинмаган бўлади. Вақт утиши билан капитал кайтими булган сари даромад орта боради

ва бу ижобий натижага эришилади, яъни қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капитал миқдоридан орта боради.

Қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капиталга тенглашади. Бу давр инвестицияни қоплаш даври деб аталади. Бу кўрсаткич иқтисоднинг ишлаб чиқариш соҳасига қўйилган капитал қўйилманинг самарадорлигини курсатади. Инвестицияни қоплаш даври кичик бизнес соҳасида 2-3 йил, узоқ муддатли қўйилмалар эса 10-15 йилгача давом этади. Капитал қўйилмаларни қоплаш даврининг нормативлари деган тушунча мавжуд бўлиб, бу иқтисодиёт тармоқларида қўйилган капитал қўйилмаларнинг қоплаш даврининг ўртача миқдори деб тушунилади. Ўрта ҳисобда инвестицияни қоплаш даври қилиб иқтисодиётда 6-8 йил деб қабул қилинган.

Инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссаси инвестиция нормаси деб аталади. Бу қуйидаги формула асосида ҳисобланади;

$$ЯИН = \frac{ЯИС}{ЯММ} \times 100\% \quad (10.2.4.)$$

бу ерда:

ЯИН- ялпи инвестиция нормаси;

ЯИС- ялпи инвестиция суммаси;

ЯММ- ялпи миллий даромад.

Инвестициявий лойиҳанинг (ИЛ) тижорат (молиявий) самарадорлиги—бу, ушбу ИЛ-ни юзага келтирувчи лойиҳани, унинг иштирокчилари мақсадлари ва манфаатларига мувофиқлигини акс эттирувчи категориядир.

Самарадорлик қуйидагича бўлиши мумкин:

- лойиҳанинг умумий самарадорлиги;
- лойиҳадаги иштирок самарадорлиги.

Лойиҳанинг умумий самарадорлиги иштирокчилар учун уларнинг манфаатдорлигини аниқлаш ва молиялаштириш манбаларини излаш мақсадида баҳоланади. Самарадорликнинг ушбу тури қуйидагиларни ўз ичига олади:

- лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги;
- лойиҳанинг тижорат самарадорлиги.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ИЛ амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий натижаларини ҳисобга олади.

Тижорат самарадорлиги кўрсаткичлари эса, ушбу лойиҳани амалга ошираётган иштирокчи учун молиявий натижаларни ҳисобга олади. Бунда ушбу иштирокчи лойиҳани амалга ошириш учун лозим бўлган барча харажатларни кўтариши ва лойиҳа натижаларидан тўла фойдаланиши кўзда тутилади.

Умуман олганда, лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичлари техник, технологик ва ташкилий лойиҳа қарорларини иқтисодий нуқтаи- назардан тавсифлайди.

Лойиҳадаги иштирок самарадорлиги ИЛ-ни амалга оширилиши ва барча иштирокчилар манфаатдорлигини аниқлаш мақсадида аниқланади.

Лойиҳадаги иштирок самарадорлиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхонанинг лойиҳадаги иштироки самарадорлиги (иштирокчи-корхоналар учун ИЛ самарадорлиги);
- корхона акцияларига инвестициялар қўйиш самарадорлиги (иштирокчи-акциядорлик корхоналар акциядорлари учун ИЛ самарадорлиги);
- иқтисодиётнинг айрим тармоқлари, молия-саноат гуруҳлари, уюшмалар ва холдинг тузилмалари учун – тармоқ самарадорлиги;
- ИЛ-нинг бюджет самарадорлиги (барча даражадаги бюджетлар харажат ва даромадлари нуктаи-назаридан, лойиҳада давлат иштироки самарадорлиги).

ИЛ самарадорлигини баҳолаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда умуман лойиҳанинг самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланади. Ушбу босқичнинг мақсади – лойиҳавий қарорларнинг умумлаштирилган тарзда иқтисодий баҳолаш ва инвестор излаш учун зарур бўлган қулай шароитларни яратишдир. Локал лойиҳаларга нисбатан фақатгина уларнинг тижорат самарадорлиги баҳоланади, ва у қулай бўлган тақдирдагина, баҳолашнинг иккинчи босқичига ўтиш тавсия қилинади.

Баҳолашнинг иккинчи босқичи, молиялаштириш схемаси ишлаб чиқилгандан кейингина амалга оширилади. Ушбу босқичда иштирокчилар таркиби, уларнинг ҳар бирини молиявий иштироки ва самарадорлиги аниқланади. (Четыркин Е.М. Методы финансовых и коммерческих расчётов. - М.: 1995.)

Соф дисконтланган даромад (СДД) ва даромадлиликнинг ички меъёри (ДИМ)ни ҳисоблаш учун инвестициялардан олинadиган даромадни билиш лозим. Бу даромадни топиш учун эса, маҳсулот (хизмат) нарҳини ёки бошқача қилиб айтганда инвестициявий қўйилмалар натижаларининг қиймат баҳосини билиш лозим. Бундан келиб чиққан ҳолда, натижанинг қиймат баҳоси бўлмаган тақдирда, СДД ва ДИМ кўрсаткичлари ёрдамида лойиҳанинг абсолют самарадорлигини аниқлаб бўлмайди, деган хулосага келиш мумкин. Аммо, масала бундай қўйилганда ҳам, СДД ва ДИМ кўрсаткичларини ҳисоблаш мумкин. Гап шундаки, бунда икки хил вариант кўриб чиқилади: биринчи (лойиҳа) ва иккинчи (ноллик муқобил) вариантлар. Бундай ёндашувда даромад объектни эксплуатация қилиш харажатларини тежаш билан алмаштирилади, ноллик вариант бўйича инвестициявий қўйилмалар эса, нолга тенглаштирилади. Ноллик вариант бўйича қўйилмалар ҳақиқатдан ҳам нолга тенг бўлгандагина бундай ёндашув тўғри бўлади. Ноллик вариантдаги масала ечимини кўриб чиқайлик. Таққослама самарадорлик кўрсаткичидан фойдаланамиз:

$$C_T = \frac{T_1 - T_2}{K_2 - K_1} \quad (10.2.5.)$$

бу ерда: T_1 ва T_2 – таққосланаётган вариантлар бўйича йиллик маҳсулот таннарни.

$K_1=0$ экан, унда таққослама самарадорлик кўрсаткичи E_c абсолют самарадорлик кўрсаткичига айланади ва уни рентабеллик (R) орқали белгилаш мумкин, яъни:

$$R = \frac{X_1 - T_2}{K_2} \quad (10.2.6)$$

Ҳақиқатдан ҳам, $K_1=0$ бўлса биринчи вариант бўйича амортизация ҳам нолга тенг, T_1 эса, X_1 га тенг бўлади ($T_1=X_1$). (X-харажатлар).

Шундай қилиб, (X_1-T_2) йиллик тежашга олиб келаётган K (K_2 , $K_1=0$ да) капитал қўйилмалари амалга оширилмоқда. Капитал қўйилмалар самаралими ёки йўқми деган саволга қуйидаги кўрсаткич ёрдамида жавоб бериш мумкин:

$$X_1 - T_2 > CK \quad \text{ёки} \quad X_1 - T_2 - CK > 0 \quad (10.2.7.)$$

Ҳақиқатдан ҳам, агарда рентабеллик катталигини C билан таққосланса,

унда K_2 самарадорлигининг шартини бўлиб $R = \frac{(X_1 - T_2)}{K_2} > E$ хизмат қилади.

Агарда объектнинг хизмат муддати (T) даги жорий харажатлар тежамини ҳисобга олсак, унда лойиҳа самарадорлиги қуйидаги тенгсизлик

билан аниқланади: $\frac{(1+C)^T - 1}{(1+C)^T \cdot C} \cdot (X_1 - X_2) - K > 0$

Объект хизмат кўрсатиш муддатидаги СДД:

$$CDD^T = \frac{(1+C)^T - 1}{(1+C)^T \cdot C} \cdot (X_1 - X_2) - K$$

Капитал қўйилмалар самарадорлигини аниқлаш учун ўртача йиллик соф даромад (аннуитет) дан ҳам фойдаланиш мумкин. Аннуитет йиллик тежам катталигидан кичик бўлмаса, капитал қўйилмалар варианты самарали ҳисобланади.

$$(X_1 - X_2) - K > K \frac{C(1+C)^T}{(1+E)^T - 1} \quad (10.2.8.)$$

Лойиҳа самарадорлиги даражасини эса, ДИМ кўрсаткичи ёрдамида аниқлаш мумкин. $CDD^T=0$ даги даромадлилик – бу ДИМдир.

Пул оқими унсурларининг ҳар хил вақтда пайдо бўлиши муносабати билан уларни ўзаро таққослаш муаммоси туғилади. Чунки, ҳар хил вақтда олинган бир хил пул суммаларини тенг қийматли деб бўлмайди. Бизнеснинг “олтин” қондасига мувофиқ: бугунги пуллар эртага олинадиган пуллардан қимматлироқдир.

Молиявий таҳлилларда вақт омилини ҳисобга олишга бўлган турли ёндашувлар қўлланилади. Энг тарқалган услуб бу келажакдаги неъматлардан ҳозиргиси афзаллироқ эканлигининг нисбий даражасини акс эттирувчи ва таққословчи функция услубидир. Амалиётда, кўп ҳолларда ушбу мақсад билан мураккаб фоизлар кўринишидаги функция қўлланилади. Бундай ёндашувда пулларнинг жорий ва келажакдаги қийматлари мураккаб фоиз формуласи билан ўзаро боғланган:

$$S_n = S_0 - (1 + r)^n \quad (10.2.9.)$$

бу ерда:

- S_n —пул маблағларининг жорий суммаси;
- S_0 - n та бир хил вақт оралиқларидан кейинги пул маблағлари суммаси (пулларнинг қўшилган суммаси);
- r —бир вақт оралиғидаги даромадлилик ставкаси (фоиз ставкаси).

Бунинг маъноси шундаки, агарда r йиллик даромадлилик ставкасига эга бўлган ишга S_0 сўм пул қўйилса, унда n -йилдан сўнг биз S_n сўм пулга эгалик қилишимиз мумкин бўлади. Ва аксинча, жорий вақтга келтирилган, S_n келажакдаги пул суммасининг реал қиймати, қуйидаги формула бўйича баҳоланади:

$$S_0 = S_n \cdot dm_n \quad (10.2.10.)$$

бу ерда:

- dm_n —дисконт кўпайтирувчиси;
- r -ставкаси бўйича, n даврига тегишли бўлган дисконт кўпайтирувчи қуйидаги тарзда аниқланади:

$$dm_n = 1/(1+r)^n \quad (10.2.11.)$$

Демак, келажакдаги даромадларни жорий вақт даврига олиб келиш жараёни дисконтлаш дейилади, яъни, бугунги олинган бир сўм, бир йилдан сўнг олинадиган бир сўмдан янада юқориноқ баҳоланишини акс эттиради. Бунинг сабаби факатгина инфляция эмас, балки даромадларни кўпайтиришнинг турли имкониятлари мавжудлиги ва улардан воз кечиш келажакдаги муайян пул суммасини йўқотиш билан тенгдир. Дисконт меъёрини танлаш инвестициявий таҳлилнинг мураккаб муаммосидир. Бозор иқтисодиёти шароитларида дисконт меъёри биринчи навбатда корхона пул

ресурсларини ишлатиш бўйича альтернатив инвестициявий имкониятларни акс эттириши лозим.

Дисконтлаш операцияси инвестициявий лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда кенг қўлланилади, чунки у вақтнинг турли даврларига тегишли даромад ва харажатларни таққослаш имконини беради.

10.3. Инвестицион лойиҳаларни баҳолаш муаммолари

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб турган чет эллик ташкилотлар ваколатхоналарининг бизнесга техникавий ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш салоҳиятидан тулиқроқ фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Масалан, немис иқтисодиёти ваколатхонасида замонавий ишлаб чиқариш технологиялари, ускуналар ишлаб чиқарадиган фирмалар реквизитлари бўйича ахборотлар олиш мумкин. Бундан ташқари, катта экспертлар жамияти маркетинг соҳаси, иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ишлаб чиқариш менежменти бўйича немис мутахассисларининг бепул маслаҳатларини ташкил этади. GTZ, ICE, ТКА, ЛСА ва хоказолардаги худди шунга ухшаш мутахассисларнинг молиявий ва ташкилий ёрдамларидан фойдаланган ҳолда чет элда экспорт маҳсулотини реклама қилиш ва олға силжитиш бўйича кўргазмалар, шунингдек ўқув семинарлари ташкил этиш мумкин.

Ҳозир Ўзбекистонда молия бозори етарлича ривожланмаганлиги сабабли, лойиҳавий молиялаш кўпчилик ҳолларда банк кредитлаши шаклида амалга оширилмоқда. Бунда жаҳонда кенг ёйилган бошқа усуллар - қимматли қоғозлар чиқариш (ўз капитали), инвестиция фондлари, банк консорциумлари, нафақа жамғармалари, лизинг компаниялари ва бошқалардан етарлича фойдаланилмаяпти. Қатор афзалликларга, шу жумладан, солиқ соҳасида имтиёзларга эга бўлган лизинг инвестиция лойиҳаларини молиялашнинг кенг тарқалган усулларида биридир, лекин у ҳали етарлича ривожлангани йўқ. Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаш корхоналарнинг, айниқса, кичик бизнес корхоналарининг ўз маблағлари етишмаслиги, шунингдек тижорат банклари берадиган кредитнинг нархи амалда барча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги унинг молиявий самарасидан юқорироқ эканлиги туфайли муаммолар пайдо бўлмоқда. Ҳозирги пайтда инвестиция лойиҳаси қарз маблағлари қайтарилишининг ўртача муддати 5-8 йилдир. Экспортга йўналтирилган лойиҳалар устувор деб топилганлиги сабабли, лойиҳаларнинг катта қисми рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш имконини берадиган замонавий юқори унумли технологиялар ва ускуналарни жорий этиш йўли билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда янги лойиҳаларни амалга ошириш учун асосан тижорат банкларининг кредитлари жалб этилмоқда. Бунда ускунанинг пировард қиймати ускунанинг ҳисоблаб чиқилган нархи (етказиб бериш ва монтаж қилишни ҳам ҳисобга олган ҳолда), кредит линиялари экспорт суғурта мукофотининг қиймати, кредит учун тўланадиган фоизлар, маҳсулот етказиб берувчи фирмалар хизматларининг қиймати, инвестиция давридаги фоизлар

ва банк комиссиялари, шунингдек ускуналарни суғурталаш қийматида таркиб топади.

Лойиҳани баҳолашда ушбу лойиҳани таклиф этувчи компаниянинг молиявий-иқтисодий таҳлили зарурий компонент бўлади. Компаниянинг лаёқати ва барқарорлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина лойиҳанинг ўзини таҳлил қилиш ва унинг молиялаш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин бўлади.

Инвестиция киритиш асосида келажакда фойда олиш кўзда тутилади. Бунинг учун албатта, пухта ўйлаб иш тутиш лозим. Дастлаб инвестиция киритиш лойиҳаси тузиб олиниши шарт. Ҳар қандай лойиҳа тузиш асосида албатта, бир қанча фикрлар мажмуаси, назарий ёки амалий тадқиқотлар асосида малакали конструкторларни янги маҳсулот ва технологияларни яратишга ундайди. Бундай фикрларни албатта, мутахассислар, олимлар ва малакали ишчи хизматчилар билдиришади. Фикрлар маркетинг тадқиқотларида унумли самара бериши мумкин. Шулардан реал фикрларга кўпроқ эътибор бериш лозимки, бу фикрлар қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги;
- фойданинг ўсиш даражаси;
- маҳсулот ҳажмининг ортиши;
- маҳсулотни бошқа бозорларга чиқиш имконияти;
- маҳсулотни туриб қолишини камайиши;
- фойдаланилаётган капиталнинг самарадорлиги;
- фирма имиджининг ўсиши.

Бундан кўринадики, ҳар қандай фирма ёки корхонанинг самарадорлигини юқоридаги факторлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Ҳар қандай лойиҳалар маълум бир муддатга тузилиб, вақт ўтиши билан ўз самарасини йўқотади. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда яна бир доимий асосий ўринда турадиган вақтлилиқ омили мавжуддир. Бу омил инвестиция жараёнининг локомотиви бўлиб ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, инвестициялаштириш ва уни молиялаштириш инвесторнинг талабига мувофиқ ўзгариб туриши мумкин.

Инвестициялаштиришдан олдинги ўрганиш жараёнини қуйидагиларга ажратилади:

- имкониятларни ўрганиб чиқиш;
- тайёрлов ёки лойиҳалаштиришдан олдинги изланиш;
- иқтисодий-техник изланиш.

Инвестициявий изланишнинг оралиқ фарқ даражалари доим шартли белгиланади. Инвестициялаштиришдан олдинги кузатиш ишларини олиб бориш учун капитал қўйилманинг умумий қийматида 0,8%-5% гача ажратилади. Инвестициялашдан олдинги босқични муддатини аниқ белгилаш жуда мураккаб бўлиб бу лойиҳалаштиришга боғлиқ бўлади.

Лойиҳаларни инвестициялаш жараёни давомида корхона активлари яъни, ўз маблағлари шаклланиб боради. Шу билан бирга бошқа корхоналар

билан маҳсулотлар етказиб бериш бўйича шартномалар тузилиб боради, ишчи хизматчиларни ишга қабул қилиш жараёни бошлаб юборилади

Инвестициядан фойдаланиш жараёнида лойиҳага қуйилган инвестициядан келган самарадорлик белгиланади.

Бу жараёнда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- ишлаб чиқарилган маҳсулотни сертификациялаш;
- брокер ва диллер алоқаларини ташкил қилиш;
- лойиҳани иқтисодий кўрсаткичлари мониторингини ўтказиш.

Ҳар қандай инвестицияни лойиҳалаштириш маълум бир даражадаги билим ва кўникмаларни талаб этади. Шу ўринда айтиш жоизки, ҳар қандай инвестицион лойиҳани самарадорлигини аниқлаш учун бу лойиҳани қандай фикр асосида тузилганига, унинг муддатига, инвестиция миқдорига ва инфляциянинг даражасига эътиборни қаратиш лозим. Бу билан биз инвестиция жараёнида учрайдиган бир қанча муаммоларни олдини олган бўламиз.

Қисқача хулосалар

1.Иқтисодиётнинг инвестицияга бўлган талаби, инвестицияга йуналтириладиган маблағларнинг етишмаслиги инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишни тақазо этади. Чунки қўйилган капитал маблағидан самарали фойдаланиш натижасида кўпроқ фойда олиш мумкиндир.

2.Халқаро капитал ҳаракатнинг иқтисодий самарасини кўрсатиш учун, капитал қўйилмалардан олинадиган фойда турли мамлакатларда турлича деган тасаввурдан келиб чиқиш зарур. Капиталнинг халқаро ҳаракати (товарларнинг халқаро ҳаракати каби) ишлаб чиқариш омилларини самаралироқ қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланиш эвазига ялпи умумжаҳон ишлаб чиқаришини ўсишига олиб келади. Бунда, капитални экспорт қилувчи мамлакатдаги капитал эгаларининг даромади ўсади ва бошқа омиллар (айниқса меҳнат ва ер) эгалари даромади эса қисқаради. Капитални импорт қилувчи мамлакатдаги капитал эгаларининг даромадлари қисқаради ва ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари эгаларининг даромадлари эса ўсади.

3.Иқтисодий самара вақт функцияси ҳисобланиб, бошланишида у салбий кўринишда бўлади, чунки қўйилган капиталдан ҳали даромад олинмаган бўлади. Вақт утиши билан капитал кайтими булган сари даромад орта боради ва бу ижобий натижага эришилади, яъни қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капитал миқдоридан орта боради.

4.Лойиҳани баҳолашда ушбу лойиҳани таклиф этувчи компаниянинг молиявий-иқтисодий таҳлили зарурий компонент бўлади. Компаниянинг лаёқати ва барқарорлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина лойиҳанинг ўзини таҳлил қилиш ва унинг молиялаш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин бўлади.

Назорат учун саволлар

1. Халқаро капитал ҳаракатнинг иқтисодий самараси тушунчасини ёритиб беринг.
2. Инвестициялардан келадиган фойда қандай аниқланади?
3. Капиталнинг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга оқиб ўтиши қандай омилларга боғлиқ?
4. Капиталнинг халқаро ҳаракати ишлаб чиқариш омилларини самаралироқ қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланиш эвазига қандай натижаларга олиб келади?
5. Мамлакатларнинг халқаро капитал миграцияси (ХКМ) жараёнларида қатнашиши қайси кўрсаткичлар орқали намоён бўлади?
6. Капитал импорти коэффицентини аниқлаш формуласини ёзинг ва тушунтириб беринг.
7. Капитал экспорти коэффицентини аниқлаш формуласини ёзинг ва тушунтириб беринг.
8. Мамлакат иқтисодиётига сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида хорижий капитални улушини акс эттирувчи кўрсаткичнинг моҳиятини ёритиб беринг.
9. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни баҳолаш усуллари тушунтиринг.
10. Инвестицион лойиҳаларни баҳолаш муаммоларини санаб беринг.

11-боб. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка хорижий инвестицияларни жалб этиш

11.1. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти

Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарини барпо этиш орқали мустақил хўжалик юритувчи мулк эгалари шаклланди. Кичик бизнес корхоналари бозор иқтисодиётига хос турли макроиқтисодий шарт-шароитлар ва талабларига мослашиши имкониятларига эгаллиги билан устувор аҳамиятга эга. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашнинг муҳим макроиқтисодий омилларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда кичик бизнес тараққиётининг кескин авж олиши натижасида уларнинг мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулот салмоғидаги улушининг ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2009 йилда 50 фоиздан ошди. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир (11.1.1-расм).



11.1.1-расм.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлди. Хусусан, мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2008 йилдаги 13,9 фоиздан 2009 йилда 16,9 фоизга, қишлоқ хўжалигида тегишли равишда 97,8 фоиздан 97,9 фоизга, асосий капиталга инвестициялар ҳажмида – 23,1 фоиздан 23,7 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмида – 48,5 фоиздан 48,7 фоизга, экспорт ҳажмида – 12,4 фоиздан 14,6 фоизга қадар ошди (1.4.1-жадвал).

11.1.1-жадвал.

Ўзбекистонда кичик бизнеснинг иқтисодиёт асосий тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмидаги улуши, фоизда

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил
Саноат	13,9	16,9
Қишлоқ хўжалиги	97,8	97,9
Қурилиш	48,3	41,6
Савдо	48,1	46,5
Асосий капиталга инвестиция	23,1	23,7
Пуллик хизмат	48,5	48,7
Экспорт	12,4	14,6
Импорт	35,7	42,5

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Жумладан, бу борада 2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди (11.1.2-расм).



1.4.2-расм.

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, 1996-2010 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 7 фоизгача, яъни 5,4 марта қисқарган.

2009 йилда ҳам тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини қисқартириш ишлари давом эттирилди. Масалан:

- архитектура-режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш қиймати – 4 баробар;
- лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш – 2,5 баробар;

- кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қиймати – 2 баробарга пасайтирилди.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги рухсат бериш жараёнларининг қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши билан боғлиқ тадбирлар натижаларини қуйидаги жадвал орқали яққолроқ кўриш мумкин (11.1.2-жадвал).

1.4.2-жадвал.

**Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларини
қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши**

Рухсат бериш билан боғлиқ жараёнлар турлари	Тўлов миқдори				Тўлов миқдорининг қисқариши, фоизда
	Аввал амалда бўлган		Янги киритилган		
	энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда*	энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда*	
Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш	5	140200	2	56080	- 60
Банкда ҳисоб рақамини очиш	1	28040	0,5	14020	- 50
Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш	40	1120000	10	280400	- 75
Ер участкасини расмийлаштириш	-	130000	-	58000	- 56
Экологик экспертиза	25	701400	1	28040	- 96
Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза қилиш	10	280400	3	84120	- 70
Қурилиш давомида назорат-ижро сьемкалари ўтказиш	5	140200	3	84120	- 40
Нормативлар лойиҳаларининг экологик экспертизасини ўтказиш	75	2103000	1	28040	- 98,7
Гигиеник сертификатлар олиш	10	280 400	3	84 120	- 70
Жами тўловлар қиймати (лицензия ва рухсатномаларсиз)	-	5037660	-	830960	- 83,5

* Изоҳ: энг кам иш ҳақи миқдори тўловларни қисқартиришга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган даврга татбиқан олинган.

Жадвалдан кўринадик, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларини қисқартириш ва тўловларни оптималлаштириш тадбирлари аҳамиятли даражада амалга оширилган. Масалан, нормативлар лойиҳаларининг экологик экспертизасини ўтказиш бўйича тўлов миқдори 75 марта, экологик экспертиза қиймати 25 марта камайтирилган. Бунинг натижасида ҳар битта тадбиркорлик субъекти учун ўз фаолиятини ташкил этишда умумий ҳолда 4207 минг сўм миқдоргача маблағларни тежаш имконияти пайдо бўлди.

2009 давомида инвентаризация натижасида аниқланган қарийб 2 мингта бўш бино кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди. Бунда биноларни ижарага бериш тарифлари тадбиркорлик субъектларининг қаерда жойлашгани ва уларнинг фаолият турига қараб 3 баробардан 10 баробарга қадар камайтирилди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қуйидаги имтиёз ва қулайликлар яратилди:

- маҳсулотларнинг гигиеник сертификатини амал қилиш муддати илгариги 3 йилдан эндиликда чекланмаган муддатга ўтказилди;
- фитосанитария хулосаларини бериш муддатлари қисқартирилди;
- электр ва иссиқлик тармоқларига уланиш учун техник шартларни бажариш муддатлари 1 ойдан 3 кунгача қисқартирилди;
- биноларни турар жойдан нотурар жой тоифасига ўтказиш жараёни соддалаштирилди;
- давлат мулкидаги бўш бинолар ижара ҳақлари 10 ва ундан кўп баробаргача туширилиши натижасида уларнинг 81 фоизи (аниқланган 3650 тадан 2939 таси) тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди;
- ташқи рекламани жойлаштириш тарифлари ўртача 20 дан 30 фоизгача пасайтирилди ҳамда айрим ҳудудларнинг қишлоқ жойларда ҳақ олиш бекор қилинди. Бунинг натижасида ташқи реклама берувчи тадбиркорларнинг улуши 34 фоизгача ошди;
- ташқи рекламани жойлаштириш қиймати Тошкент, Фарғона, Жиззах, Наманган ва Навоий вилоятларининг қишлоқ жойлари учун 50 фоизгача пасайтирилди;
- электр энергиясини олди-сотти шартномасида белгиланган ҳажмга нисбатан кам сарфланиши учун жарималар бекор қилинди ва ортиқча сарфлаш бўйича жарималар 50 фоизга қисқартирилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тадбирлари кучайтирилди. Хусусан, 2009 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 трлн. 850 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди (11.1.3-расм).



11.1.3-расм.

Маълумотлардан кўринадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилаётган кредитлар миқдори 2001-2009 йиллар мобайнида деярли 11 баробар ўсган.

Кичик корхоналарни ривожлантиришда банк молия тизимининг ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим. Иқтисодиётда кичик корхоналарнинг фаолият юритиши йирик кохоналарни айрим харажатлардан холос этиб, кўп ҳолларда йирик корхоналарда қўлланиладиган янги техника ва технологиянинг кичик корхоналарда қўлланишида кўпроқ самара беради. Кичик корхоналар жамият учун бошқа корхоналарга нисбатан кўпроқ янги товарлар етказиб бера олади ҳамда истеъмолчиларнинг талабини кенгрок ўрганиб, ўз фаолиятини талабга мослаштира олади.

Кичик корхоналарда меҳнатни ташкил этиш истеъдодли кадрларнинг ижодий фаолиятдан самарали фойдаланиш билан бирга уларнинг жамиятга танилишига ҳам имконият яратади. Бошқа корхоналарга нисбатан кичик корхоналарда тажрибали мутахассисилардан фойдаланиш ниҳоятда юқоридир. Маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш, чиқиндилар ва меҳнат салоҳиятидан фойдаланишда кичик кохоналар учун имкониятлар мавжуд. Бозор иқтисодиётига хос бўлган талаб капитал айланишининг тезлашиши айнан кичик корхоналарда йўналтирилган капиталнинг ўз-ўзини бошқараётган корхоналарга нисбатан уч маратоба юқорилиги исботланган.

Юқоридаги фикрга асосланган ҳолда айтишимиз мумкинки, кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг самарали натижаси сифатида мамлакатимизда бандлик, аҳоли фаровонлиги таъминланмоқда ва бу соҳа макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда асосий иқтисодий омиллардан бири вазифасини бажармоқда.

11.2.Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестиция муҳитининг роли

Кичик бизнес иқтисодиётнинг шундай секторидирки, у инвестиция муҳотида юз бераётган деярли барча ўзгаришларга мослашади. Кичик бизнес нуқтаи назаридан инвестиция муҳитининг жозибадорлик даражасини аниқлаш учун бутун мамлакат ва минтақалардаги иқтисодий вазиятни кўрсатувчи омиллар, иқтисодиётнинг бу тармоғига инвестициялар киритиш қонунлар ва инфратузилмалар билан қанчалик таъминланганлиги, минтақада бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, малакали ишчи кучининг мавжудлиги, шунингдек, мана шу ва бошқа омиллар билан боғлиқ хатарлар бор ёки йўқлиги ғоят муҳимдир.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишига унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасаларининг ташкил этилиши ва хизмат сифати даражасининг яхшиланиб бориши сезиларли таъсир кўрсатмоқда (11.2.1-жадвал).

11.2.1-жадвал.

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи мавжуд инфратузилма объектлари

(2010 йил 1 январь ҳолатига, бирликда)

Инфратузилма объекти номи	Сони
Тижорат банклари филиаллари	1042
Минибанклар	2318
Ахборот-маслаҳат марказлари	262
Консалтинг марказлари	327
Аудитор фирмалари	113
Ўқув марказлари	917
Баҳолаш компаниялари	138
Товар хом ашё биржасининг савдо майдончалари	204
Микрокредит ташкилотлари	32
Кредит уюшмалари	103
Бизнес-инкубаторлар	34
Суғурта ташкилотлари	32
Брокерлик идоралари	1424

Жадвалдан кўринадикки, бугунги кунда мамлакатимиз кичик бизнес соҳасига ўндан ортиқ турдаги 8 мингга яқин инфратузилма муассасалари хизмат кўрсатиб, фаолият учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда (11.2.2-жадвал).

11.2.2-жадвал.

2009 йилда Ўзбекистонда яратилган иш ўринлари

Кўрсаткич	Сони, нафар
2009 йилда яратиладиган жами янги иш ўринлари	940532
Ўтган йилга нисбатан, фоизда	142,3
Шундан қуйидаги асосий йўналишларда яратилган иш ўринлари:	
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида	391809
ўтган йилга нисбатан, фоизда	104,7
Уй меҳнатининг барча шакллари ташкил этиш, жами	196745
Шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда (меҳнат шартномаси асосида)	77466
Янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқаришларни қайта қуриш ва кенгайтириш	70587
Иш жойларини кўпайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари (Инқирозга қарши дастур ва бошқа қўшимча чоралар)	281391

Жадвалдан кўринадикки, мамлакатимизда 2009 йилда яратилган жами 940,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларининг 391,8 мингтаси (41,7 фоизи)

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келмоқда. Бу ўтган йилдагига нисбатан 4,7 фоизга кўпроқ демакдир. Жами янги иш ўринларининг деярли 21 фоизи турли шакллардаги уй меҳнатини йўлга қўйиш, 7,5 фоизи янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқаришларни қайта қуриш ва кенгайтириш, деярли 30 фоизи иш жойларини кўпайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари амалга ошириш ҳисобига ташкил этилган. Бунинг натижасида, кичик тадбиркорликда банд бўлганларнинг жами иқтисодиётдаги банд бўлганларга нисбатан улуши 2008 йилда 73,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 74,2 фоизга етди.

Бундан кўринадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида амал қилмоқда.

Хусусий тадбиркорликнинг асосий хусусияти шуки, унинг учун минтақавий омиллар қоида тариқасида, инвестициялар жалб этиш жараёнига таъсири жиҳатидан устунлик қилади. Инвестициявий муҳит таҳлилини тармоқлар бўйича олиб бориш зарурлигини кўрсатиб ўтиш керак. Чунки, ижобий инвестициявий омиллар турли тармоқлар учун ўзига хос жиҳатларга эга. Баъзи ҳолларда бир тармоқда ижобий рол ўйнаши мумкин бўлган омиллар бошқа тармоқ учун салбий бўлади ёки агар муайян тармоқ учун бирон-бир кўрсаткич етарли даражада намоён бўлса, шу кўрсаткичнинг ўзи бошқа тармоқнинг муваффақиятли ривожланиши учун мутлақо кам бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик учун тармоқлар бўйича инвестиция муҳити алоҳида қизиқиш туғдиради. Кичик бизнес учун ўзига хос баъзи кўрсаткичлар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими ва инфратузилмасини ривожлантиришнинг минтақавий кўрсаткичи;

- эгаллаб турган бозор секторлари бўйича (масалан, хизматлар ёки савдо соҳасида) рақобатлашувчи йирик фирмаларнинг мавжудлиги ва ривожланиш даражаси;

- маҳаллий банк тизимининг ривожланиш даражаси ва бошқа омиллар.

Кичик корхоналар ўзларига хос хусусиятлар туфайли инвестиция ресурсларини жалб этиш учун хизмат қиладиган кўп сонли манбаларнинг айримларидангина фойдалана оладилар. Масалан, шуни қайд этиш керакки, кичик тадбиркорликдаги ички молиялаш манбалари тадбиркор ўзини ўзи инвестициялаши учун берадиган имкониятлар йирик фирмаларнинг имкониятлари даражасида эмас. Шунга қарамай, бу манбалардан кичик тадбиркорликда фойдаланиш сезиларли самара беришга қодир бўлиб, жалб этиш самарадорлиги жиҳатидан бир қанча афзалликларга эга. Шундай қилиб, инвестиция ресурсларини шакллантиришнинг қулай манбалари сонини кўпайтириш ҳамда мавжуд манбалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳозирги вақтда, биринчи навбатда, кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тузилмаларининг муҳим вазифаси бўлиб

қолмоқда.

Кичик корхонанинг муҳим хусусияти шуки, у моддий шаклда оладиган ресурслардан йирик фирмаларга қараганда анча самарали ва молиявий ресурсларга қараганда нисбатан самаралироқ фойдаланиш хусусиятига эга. Ушбу хусусиятга сабаб шуки, энг аввало, кичик корхона бошқариш тузилмаси, одатда унчалик консерватив бўлмайди. Бу эса молиявий маблағлардан фойдаланиш учун салбий омил, буюм ҳолидаги инвестициялар учун эса ижобий омилдир. Молиявий инвестицияларни қидириб топиш, жалб этиш ва ишлаб чиқаришга киритиш жараёни ҳамма вақт анча расмийлашган ва меъёрий ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган бўлади. Қоида тариқасида юқори даражали профессионал молиячиларга эга бўлмаган кичик корхона учун эса бу операция қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабли кичик корхоналар моддий инвестицияларни жалб этиш имкониятларини кенгайтиришдан манфаатдор. Интеллектуал ресурслар (технологиялар, "ноу-хау", савдо маркалари ва бошқалар) бундан мустасно, лекин бу соҳада ҳам кичик корхона назарида тайёр маҳсулотни сотиб олиши учун маблағ етарли эмас, балки инвестициялар сифатида шу тайёр маҳсулотнинг ўзини олиш маъқулроқ.

Бозор ислохотларини амалга ошираётган бир қатор мамлакатларда моддий инвестицияларни жалб этишнинг турли шакллари орасида лизинг, франчайзинг ва толингдан жуда фаол фойдаланилмоқда. Бунинг устига, кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш органларининг мавжуд ва ишлаб чиқиляётган дастурий ҳамда меъёрий ҳужжатларида мазкур шаклларга катта ўрин берилмоқда. Моддий инвестициялашнинг турли шаклларида фойдаланиш самараси кўп жиҳатдан бундай операцияларда вужудга келадиган муносабатни тартибга соладиган махсус меъёрий базанинг ривожланиш даражаси, тегишли бозор инфратузилмасининг ривожланганлиги билан белгиланади.

Хусусий тадбиркорликни ва бу соҳага инвестицияларни жалб этишни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлайдиган давлат сиёсатини амалга ошириш институциявий ва ҳуқуқий тизимни доимий равишда такомиллаштиришни талаб қилади. Бу тизимнинг самарали ишлаши унинг барча унсурлари бир-бирининг вазифасини жуда кам такрорлаган ҳолда доимий равишда ўзаро алоқада бўлишини ҳамда фаолиятлари мувофиқлаштирилишини тақозо этади. 2000 йилда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун кичик бизнесни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш соҳасида давлат фаолияти такомиллашувига олиб келди. Шу билан бирга, айтиш керакки, бозор муносабатларини шакллантириш шароитида кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш рағбатлантирадиган, танлаб қўлланиладиган бозор механизмларида мувозанат бузилишига олиб келмайдиган бўлиши керак.

11.3. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хорижий инвестициялар

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари қаторидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳам ўрин олган. Бинобарин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётганлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди.

Тадбиркорлар ўз фаолиятлари билан энг муҳим, долзарб муаммони, яъни ички бозорнинг кенг халқ истеъмол молларига бўлган талабини қондириш ва ишсизликни тугатишдек ижтимоий муаммони ечишга ёрдамлашади.

Ҳозирги кунда республикамизда тадбиркорлар янги ижтимоий қатлам ва синф сифатида шаклланмоқда. Республика Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида мамлакатимизда хусусий мулкнинг ривожланиши ва шу асосда аҳоли-кенг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва кенгайтиришга қаратилган қатор фармон ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш тўғрисида"ги 2004 йил ноябр Қарорини ҳамда юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларнинг экспорт ва импорт операцияларининг қонунийлигини таъминлаш ва даромадларини ҳисоблашга доир бир қатор янгиликларни ўз ичига олган Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси. Давлат статистика қўмитаси томонидан қабул қилинган 2004 йил 11 ноябрдаги "Савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тадбиркорларнинг товар операциялари ва даромадларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарорлари ҳам хусусий тадбиркорларга яратилган янги бир йўналишдир.

Бундан ташқари, республикамизда амалга оширилаётган бир қанча чора-тадбирлар, жумладан, 2004 йил май ойидан бошлаб асосий мақсади - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни доимий равишда замонавий технологиялар ва янги банк хизматлари билан таъминлашдан иборат бўлган "Business Leasing" компаниясининг фаолият юритиши; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2004 йил 7 июлда хусусий тадбиркорликка келажакда янада яхши шароитлар яратиш, бизнес муҳитини такомиллаштириш, республика тадбиркорларининг хорижий тадбиркорлар билан алоқаларини ўрнатиш, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозордаги фаолликларини ошириш, мамлакатимизга хорижий сармояларни кўпроқ, жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ташкил қилиниши кабилар ҳам мамлакатимизда тадбиркорликка катта эътибор берилаётганлигидан далолат беради.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни жадаллаштириш ва унинг ЯИМдаги улушини кўпайтириш, бозор иқтисодиёти талабларига мос товар ва хизматлар бозорини шакллантириш ҳамда маҳсулот экспортини оширишда:

- хорижий инвестицияларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб этишни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;
- давлат ташкилотларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини

чеклаш;

- хусусий тадбиркорларнинг ресурслар ва сотиш бозорларида иштирокини кенгайтириш;

- молиявий қўллаб-қувватлаш ва қўшимча солиқ имтиёзларини жорий этишдаги асосий вазифалар жумласидандир.

Тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг такомиллашуви ҳамда миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омилидир. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти бекиёслигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Кичик бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижаси қуйидагилар орқали намоён бўлади:

- кичик бизнеснинг мамлакатимиз ЯИМдаги улуши 2009 йилда 50,1 фоизга етганлиги;

- иш билан банд ходимлар пул даромадларининг 70 фоизи айнан кичик бизнес соҳасида шаклланаётганлиги;

- кичик бизнес корхоналарининг мамлакат экспортидаги улуши 2009 йилда 14,3 фоизга етганлиги ва ҳ.к.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни кредитлаш ҳажмининг ошиши соҳани ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. 2009 йилда саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 8 фоиздан 7 фоизга туширилиши натижасида 23,6 млрд. сўм миқдоридаги маблағ мазкур корхоналар ихтиёрида қолдирилди.

Шу йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 трлн. 850 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди (11.3.1-расм). Бу 2001 йилгига нисбатан қарийиб 11 марта, 2005 йилдагига нисбатан 4 марта кўп.



11.3.1-расм.

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг 462 млрд. сўми «Микрокредитбанк» ҳиссасига тўғри келди. Соҳа ривожини учун шу йили Осиё тараққиёт банки, Ислонд тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (КфВ), ХХР Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар маблағлари ҳисобидан жами 121,8 млн. долл. ёки 2008 йилга нисбатан 1,5 баробарга ортиқ кредит ресурслари жалб қилинди.

2010 йилда кичик бизнесни жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш борасида чора тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Масалан, 2009 йилда саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари учун ягона солиқ ставкаси 7 фоизга туширилган бўлса, 2010 йилдан эътиборан 7 фоизли солиқ ставкаси барча кичик бизнес корхоналари учун жорий этилди.

Қайси тармоқда фаолият юритишларига боғлиқ равишда кичик бизнес субъектлари қуйидаги солиқ имтиёзларидан фойдаланишлари мумкин:

- 2014 йил 1 январгача янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари солиқларнинг барча турларидан ва айрим мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган;

- 2012 йилнинг 1 январигача гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилди ва уларнинг четдан олиб келинадиган технология ускуналари божхона тўловларидан озод қилинган;

- 2012 йил 1 январгача 15 хилдаги нооziк-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан, шунингдек, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ускуналарини импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинган.

Кичик бизнесни ривожлантириш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар соҳанинг иқтисодий ривожланишдаги, аҳолини иш билан бандлилиги ва даромадларининг ўсишидаги роли янада кучайиши ҳамда ЯИМ, экспорт ва тармоқлар ҳамда соҳаларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларидаги улуши ортиб боришига хизмат қилади.

11.4. Кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштириш

Мамлакатимизда амалган оширилаётган изчил ислохотларининг устивор йўналишларидан бири – бу кичик бизнес хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдир. Халқаро андозалар талабларига мос равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кичик бизнес субъектларига ривожланган хориж давлатларининг ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кичик бизнес субъектларига ривожланган хориж давлатларининг ишлаб чиқариш технологиялари зарур бўлади, лекин бундай ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш истаги бўлган кичик бизнес субъектларининг барчаси ҳам ўз маблағлари ҳисобидан бу ишни амалга ошира олмайди. Бунда кичик бизнес субъектларининг яхши инвестицион лойиҳалари хорижий кредит линиялари ва банклар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хусусий бизнесни молиявий қўллаб қувватлашда хорижий кредит линиялари маблағларини банклар орқали реал секторга жалб қилиш ҳисобига кичик ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Келажақда улар негизида молиявий жиҳатидан бақувват кўп тармоқли йироик ишлаб чиқариш корхоналари шаклланиши кўзда тутилади.

Хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлар тадбиркорлик субъектларига экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа миллий хом-ашё ресурсларини қайта ишлашни машинасозлик ва электрон саноати учун деталлар ва узеллар ҳамда кундалик эҳтиёжи ҳалқ истеъмоли товарларини назарда тутадиган инвестицион лойиҳаларга ўрта ва узоқ муддатга берилади. Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки “Агробанк”, “Ўзсанотқурилишбанк”, “Асакабанк”, “Ипотека банк”, “Ипак Йўли банки”, ва “Хамкорбанк” томонида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари жалб қилинган.

Шу соҳада эришилаётган ютуқларииздан ташқари айрим муаммоларга ҳам дуч келинмоқда.

Тадбиркорлар томонидан тақдим этилаётган техник иқтисодий асоснома (ТИА) ларнинг яхши ишланмаганлиги хорижий кредит линиялари ўзлаштирилишининг кечикишига асосий сабаб бўлмоқда. Аксарият ҳолларда тақдим этилган ТИА ларда сотиб олинadиган хом-ашёлар нархларининг камайтирилиб кўрстилиши сотиб олинadиган технологик ускуналар ҳамда сотиладиган маҳсулотлар нархларининг реал нархларга нисбатан ошириб

кўрсатилиши ТИА ларнинг қайта тайёрлашига ва тадбиркорликнинг ортиқча вақт сарфлаб овора бўлишига сабаб бўлмоқда.

Чет эл кредитлари ўз вақтида ўзлаштирилмаслигининг яна бир сабаби кредит берилишида асосий шартлардан бири бўлган кредит таъминотининг етишмаслигидир. Инвестицион лойиҳалари маъқуллаган тадбиркорлик субъектларининг 40-50 фоизи белгиланган миқдордаги ёки ликвидли таъминот тақдим этилмаганлиги сабабли молиялаштириш кечикмоқда.

Хозирги кунда ушбу муаммоларнинг ечимини топишга айрим омиллар яъни:

- кўчмас мулк бозорининг (ишлаб чиқариш тавсифидаги) ривожланмаганлиги;

- қимматли қоғозлар бозорининг етарли ривожланмаганлиги;

- кафил бўла оладиган молиявий барқарор корхоналарнинг камлиги салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кичик бизнес субъектларининг кредит олишда таъминотининг етишмаслиги муаммоси фақат бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда эмас балки ривожланган АҚШ, Япония ва Европа давлатларида ҳам мавжуд. Ушбу давлатларда бу муаммо Давлат кафолат фонди орқали тижорат банклари кредитларининг 50-80 фоизгача миқдордаги кафиллик бериш орқали ўз ечимини топади. Ушбу муаммонинг долзарблигини инобатга олиб кредит берилишида таъминотнинг етишмаслиги муаммосини ҳал этиш мақсадида, кичик ва хусусий тадбиркорликни риволантиришни рағбатлантириш бўйича Республика муваффақлаштирувчи кенгашнинг 2003 йил 25 июндаги йиғилишида молия вазирлиги ва бошқа мутасадди вазирликларга кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат фондиди тузиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Давлат кафолат фондиди ташкил этишдан асосий мақсад, кредит олишда таъминоти бўлмаган ёки қисман бўлган тадбиркорлик субъектларига кафолат берадиган молиявий институтни вужудга келтиришдир.

Ушбу фонд банк депозитига қўйиладиган кафолат капиталига эга бўлиб, қарздор кредит бўйича тўловларни амалга оширишга ноқобил бўлиб қолган тақдирда, уни тўлаш манбаси бўлиб хизмат қилади. Жамғарма томонидан кафолат бўйича мажбуриятлар бажарилгандан кейин, унга қарздордан кафолат бўйича банкка тўланган суммани олиш ҳукуқи ўтади.

Тадбиркорлик субъектларининг кафолат фондига ёки фонд билан ҳамкорлик қилаётган банкка тақдим қилган аризаси унга кафолат беришга асос бўлиб хизмат қилади. Кафолатлар фақатгина асосий қарз бўйича ва тўлов асосида берилади. Ташкил этиладиган фонд, бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат ҳудудлари ва тармоқларида капитал қўйилмаларини тақсимлайдиган инструмент бўлиб хизмат қилади. Фонд ушбу вазифани миллий иқтисодиёт ёки маълум бир ҳудуд ривожланиши дастури ва концессиясига мос тушадиган инвестицияларнинг қайтиши учун кафолат бериш йўли билан бажаради. Давлат кафолатлари одатда, инвесторлар томонидан ҳар томонлама ишончли восита сифатида тан олинади. Фонд томонидан 100 фоизли кафолатларнинг тақдим қилиниши мумкин эмас.

Сабаби, бундай ҳолат қарздорлар фаолиятининг нораціонал қилиб қўяди, яъни кредиторлар таваккалчиликни жиддий таҳлил қилмаслиги ва инвестициянинг ўзини оқлаш даражасини ҳисобга олмаслиги мумкин. Шунинг учун қарз олувчи тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганда фонд томонидан инвестициянинг ўртача 50 фоизидан ошмаган миқдорда кафолат бериш тартибини ўрнатиш мақсадида мувоффақ бўлади. Миллий иқтисод манфаатлари нуқтаи назаридан муҳимроқ ҳисобланган инвестициялар учун мазкур меъёр оширилиши, муҳимлик даражаси пастроқ бўлган лойиҳалар учун камайтирилиши мумкин.

Кредитлари кафолатлаш нафақат қарздорни турли молиявий йўқотишлардан ҳимоя қилади, у ҳаттоки бутун тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг муҳим инструменти сифатида ҳам хизмат қилади. Чунки, давлат кафолат жараёнида иштирок этиб кредиторлар билан биргаликда таваккалчиликни ўзаро ўртада тақсимлаган ҳолда кредит маблағларини жалб қилишни тезлаштиради.

Хорижда кафолатлаш тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг энг оммавий шаклларида бири бўлиб ҳисобланади ва давлат кафолат фондларининг асосий таъсисчиси сифатида қатнашади.

Ҳозирги кунда АҚШ Кичик бизнес Администрацияси (The Small Business Administration), Канада кичик бизнес кредитлари тўғрисидаги қонуни тизими (SBLA), Буюк Британиядаги Кредит кафолати тизими (LGS) фаолият юритишмоқда. Кафолатлаш тизими 1994 йилдан бошлаб Германия, Бельгия, Испания, Франция ва Италия давлатларида ҳам ўз фаолиятини амалга ошира бошлади. Жануби-Шарқий Осиёдаги мамлакатларда, хусусан, Япония, Жанубий Корея, Малайзия ва Индонезия давлатларида мазкур амалиёт 30 йилдан ортиқ давр мобайнида фаолият кўрсатиб келмоқда. Мисол учун, Японияда мазкур тизим 1947 йилдан, Жанубий Кореяда 1971 йилдан, Малайзияда 1971 йилдан ва Индонезияда 1972 йилдан бошлаб давлат кафолат тизими амал қила бошлаган.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Давлат кафолат фондининг бошланғич маблағини эса қуйидаги маблағлар, яъни:

- давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган тушумлар;
- давлатнинг бошқа ликвидли активлари (акциядорлик жамиятларидаги давлат акциялари);
- жамғарма фаолиятининг даромадлари;
- ҳомийлик ажратмалари ҳисобига шакллантириш мумкин.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес субъектларига кредитлар берилишида таъминотнинг етишмаслик муаммосини ҳал этиш мақсадида кичик бизнесни қўллаб қувватлаш Давлат кафолат фондини тузиш мақсадга мувофиқдир

Бу эса мамлакатимизга жалб қилинадиган хорижий инвестициялар миқдорининг ортишига ва уларнинг ўзлаштирилишининг тезлашишига олиб келади. Натижада банкларимиз билан хорижий кредит муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада самарали бўлади ҳамда маҳаллий хом ашёлар негизида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини

босувчи, экспортга йўналтирилган товарлар ҳажми ортади ва кўплаб янги ишчи ўринлари яратилади.

11.5. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ва уларнинг моҳияти

Президентимиз ўз маърузаларида «2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш – устувор вазифа бўлиб қолади»^{9[9]} деб белгилаб бердилар.

2009 йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда.

Шу сабабли Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Жумладан, янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Шу билан бирга, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан хомашё ва ресурслардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, биржа савдолари орқали сотиладиган юқори ликвидли, монопол маҳсулотлар турлари позициялари 136 тадан 195 тагача кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 мартдаги 36-сонли «Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабини ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмининг такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига монопол маҳсулотларни биржа савдоларига мажбурий қўйдириш бўйича ваколат

^{9[9]} Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

хамда юқори ликвидли товарлар моддий балансларига тегишли ўзгартириш киритиш бўйича имконият берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг биржа савдоларида иштирок этиш имкониятларини ошириш мақсадида биржа хизматининг комиссиян харажатлари ўртача 25% гача пасайтирилди ва биржа савдоларида қатнашиш учун тўланадиган гаров пули 10% гача оширилди.

Тадбиркорлар учун енгиллик яратиш мақсадида қуйидаги тўловлар миқдорини камайтириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилди:

- архитектура-режалаштириш топшириғини (АРТ) ишлаб чиқишга кетадиган тўловлар – 2 мартагача;

- экологик экспертизадан ўтказиш тўловлари – 20 фоиздан 90 фоизгача;

- турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш харажатлари – 9 мартагача;

- лойиҳалаш ҳужжатларини экспертиза қилиш харажатлари – 2 мартагача.

Шунингдек, банкда ҳисоб рақами очиш ва ёпиш учун олинадиган тўловлар умуман бекор қилинди.

Қисқача хулосалар

1. Ўзбекистон шароитида кичик бизнес корхоналарини барпо этиш орқали мустақил хўжалик юритувчи мулк эгалари шаклланди. Бизнеснинг бошқа ташкилий-иқтисодий шаклларида фарқли равишда мазкур кичик корхоналарни ташаббускор ишбилармон шахслар бошқариб, турли бюрократик элементларнинг хўжалик фаолиятига аралашувидан холос этади. Кейинги йилларда кичик бизнес тараққиётининг кескин авж олиши натижасида уларнинг мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулот салмоғидаги улушининг ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

2. Кичик бизнес иқтисодиётнинг шундай секторидирки, у инвестиция муҳитида юз бераётган деярли барча ўзгаришларга мослашади. Кичик бизнес нуқтаи назаридан инвестиция муҳитининг жозибадорлик даражасини аниқлаш учун бутун мамлакат ва минтақалардаги иқтисодий вазиятни кўрсатувчи омиллар, иқтисодиётнинг бу тармоғига инвестициялар киритиш қонунлар ва инфратузилмалар билан қанчалик таъминланганлиги, минтақада бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, малакали ишчи кучининг мавжудлиги, шунингдек, мана шу ва бошқа омиллар билан боғлиқ хатарлар бор ёки йўқлиги ғоят муҳимдир.

3. Хусусий тадбиркорликни ва бу соҳага инвестицияларни жалб этишни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлайдиган давлат сиёсатини амалга ошириш институциявий ва ҳуқуқий тизимни доимий равишда такомиллаштиришни талаб қилади. Бу тизимнинг самарали ишлаши унинг барча унсурлари бир-бирининг вазифасини жуда кам такрорлаган ҳолда доимий равишда ўзаро алоқада бўлишини ҳамда фаолиятлари мувофиқлаштирилишини тақозо этади.

4.Бозор иқтисодиёти шароитида хусусий бизнесни молиявий қўллаб қувватлашда хорижий кредит линиялари маблағларини банклар орқали реал секторга жалб қилиш ҳисобига кичик ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Келажақда улар негизида молиявий жиҳатидан бақувват кўп тармоқли йироик ишлаб чиқариш корхоналари шаклланиши кўзда тутилади.

Назорат учун саволлар

1. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

2. Иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашнинг муҳим макроиқтисодий омиллари қайсилар?

3. Кичик корхоналарни ривожлантиришда банк молия тизимининг ўрни қандай?

4. Кичик бизнес нуктаи назаридан инвестиция муҳитининг жозибадорлик даражасини нималарга боғлиқ?

5. Хусусий тадбиркорликнинг асосий хусусияти инвестициялар жалб этиш жараёнига қандай таъсир қилади?

6. Хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлар тадбиркорлик субъектларига асосан қандай мақсадларда берилади?

7. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ва уларнинг моҳияти нималардан иборат?

8. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг биржа савдоларида иштирок этиш имкониятларини ошириш мақсадида қандай ишлар амалга оширилди?

Изоҳли луғат

Айланма маблағлар – корхона маблағларининг бир ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқ истеъмол қилинувчи қисми бўлиб, ўз ичига хомашё, материал, ёқилғи, энергия, эҳтиёт қисмлар кабиларни олади.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш – бу, биз аҳолига давлат томонидан яшаш учун барча шарт-шароитларни яратишга мақсадли йуналтирилган кафолатлар тизимидир.

Аҳолининг реал даромадлари – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.

Бандлик – меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

Банк активлари – банкларнинг асосий фаолиятини амалга оширишда фойдаланувчи турли моддий ва молиявий ресурслар мажмуи. Улар асосан банк кредитлари, асосий воситалари, сотиб олган қимматли қоғозлари, инвестициялари, валюта бойликлари кўринишида бўлади.

Банк депозитлари – жисмоний ва юридик шахсларнинг банк муассасаларига маълум муддатга ва муддатсиз омонат шаклида қўйилган бўш пул маблағлари.

Банк капиталининг етарлилик даражаси – бу жами капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати бўлиб, у халқаро Базель келишувига кўра камида 8% ни ташкил этиши керак.

Банк тизимининг ликвидлиги – банкнинг ўз мажбуриятларини вақтида ва сўзсиз бажара олиш имконияти.

Банклар ликвидлиги – банклар активларининг қисқа муддат ичида пулга айланиш қобилияти. Ликвидлик банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни ҳам билдиради.

Банкрот – қарзлик ночорлик, тадбиркорнинг ўз қарз мажбуриятлари бўйича маблағи бўлмаганлиги учун тўлашдан бош тортиши.

Барқарорлик – нарс ва ҳодисаларга хос муайянликни ифодалайди.

Бизнес – ингилизча сўз бўлиб, фойда олишга қаратилган (эҳтиёж ва муҳтожликни қондириш натижасида) тадбиркорлик фаолиятини англатади.

Бозор конъюнктураси – муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб, қуйидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.

Давлат бюджети – давлат даромадлари ва сарфларининг молиявий режаси.

Даромад солиғи – фуқароларни бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солиқ).

Даромад солиғи ставкалари – аҳоли даромадларидан табақалаштирилган ҳолда олинадиган солиқларнинг фоизлардаги даражалари.

Дефицит – бюджет харажатларининг даромадлардан ошиб кетиши натижасида вужудга келган тақчиллик.

Диверсификация – (лотинчадан *diversus*- ҳар хил ва *facere*-қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.

Дивидент – акционер жамияти соф фойдасининг бир қисми, акционерларга даромадлар нақд пул ёки акциялар билан тўланади.

Жаҳон банки – 1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институтидир. Банк ўзининг фаолиятини 1946 йил 25 июндан бошлаган.

Жаҳон бозори конъюнктураси - жаҳон товар бозорларидаги сотиш шарти, ўшбу бозорлардаги талаб, таклиф, нархлар даражаси, уларнинг ўзгариш тенденциялари.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги – мамлакат иқтисодиётининг халқаро савдода иштирок этиш, жаҳон бозоридаги ўз ўрни ва мавқеини сақлаб қолиш ва кенгайтира олиш, жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқара олиш лаёқати бўлиб, қуйидагилар орқали белгиланади: мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий даражаси, ишлаб чиқариш харажатлари миқдори, ишлаб чиқарилаётган товарлар сифати, инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, мутлақ ва нисбий устунликларнинг мавжудлиги.

Иқтисодиётнинг реал сектори – иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади.

Иқтисодий ўсиш – реал ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши.

Импорт – мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини ва технологиясини олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсмоти натижасидир. У вақтни тежашга, халқ хўжалиги, аҳоли эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилишга кўмаклашади.

Инвестицион кредитлар – ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситаларни сотиб олиш мақсадида олинган кредитлар.

Инвестицион лойиҳа дастури - Ўзбекистон республикасида қабул қилинган қонунчилик андозаларига мувофиқ ишлаб чиқилган зарурий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмалар ҳажми ва амалга ошириш муддатини мақсадга мувофиқлигини асословчи ва шунингдек инвестицияларни (бизнес режа) амалга ошириш бўйича амалий фаолиятнинг дастурдир

Инвестицион сиёсат – савдо мененжменти умумий стратегиясининг бир қисми бўлиб, корхона ривожлантириш учун активларни кенгайтиришнинг энг самарали йўллари тиклашни назарда tutади.

Инвестицион солиқ кредити – инвесторга солиқ мажбурияти бўйича солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш имконияти.

Инвестицион ҳамкорлик - халқаро иқтисодий муносабатларнинг бир кўриниши бўлиб, ресурсларни рационал тақсимлаш, халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш натижасидаги устунликларидан фойдаланиш орқали давлат томонидан иқтисодиётда нисбатан юқори натижаларга эришиш, технологик ишлаб чиқариш тузилмасини янгилаш каби ларни мақсад қилган.

Инвестиция – бу иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир

Инвестиция дастури – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш учун ишлаб чиқилган дастур.

Республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал-ҳом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан республика айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чора-тадбирлар комплекси.

Инвестиция комплекси - инвестиция фаолиятини таъминловчи ташкилотлар, корхоналар ва фирмалар мажмуаси.

Инвестиция муҳити – инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи.

Инвестиция фаолияти - инвестиция мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолият. Инвестиция комплекси ташкилотлари орқали амалга оширилади.

Инвестиция фаолияти иштирокчилари - буюртмачилар, пудратчилар, етказиб берувчилар, банклар, суғурта компаниялари, лойиҳаловчилар, воситачилар, илмий-маслаҳат фирмалари, ўз мамлакатидagi қонунчиликка кўра инвестициявий мулк эгалари (тасарруфчилари) ёки буюртмалардан

фойдаланувчи сифатида қатнаша олувчи хорижий ташкилотларни киритиш мумкин.

Инвесторлар - хусусий ва қарзга олинган мулкӣй ва интеллектуал кийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторлар кредиторлар ва ҳаридорлар ролини бажаришлари, шунингдек инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажаришлари мумкин. Одатда инвесторлар капитал қўйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайдилар, контракт ва шартномаларнинг шартларини ишлаб чиқадиладар ва инвестиция актининг бошқа томонлари билан - контрактор, ҳукумат органлари, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширадиладар.

Инқирозга қарши мўлжалланган чоралар дастури – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2009-2012 йилларга мўлжалланиб инқирозга қарши ишлаб чиқилган чоралар дастури бўлиб, мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топган.

Инновацион технологиялар – иқтисодиётга янгиликларни татбиқ этиш босқичларида қўлланилувчи усул ва воситалар мажмуи бўлиб, ўз ичига жорий этиш, тренинг, консалтинг, трансферт, аудит, инжиниринг каби турларини олади.

Инфляция – пул муомаласи қонунларининг бузилиши натижасида миллий валютанинг қадрсизланиши, нархларнинг ўсиши.

Инфляция даражаси – маълум вақт ичида (ой, йил) баҳолар даражасининг фоиздаги ўзгариши.

Инфратузилма – товар ишлаб чиқариш шартларини таъминловчи ишлаб чиқариш т ва ноишлаб чиқариш тармоқлари комплекси: йўллар, алоқа, транспорт, маориф, соғлиқни сақлаш.

Истеъмол – ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охириги фазаси, ижтимоий маҳсулотдан аҳолини иқтисодий талабларини қондириш жараёни.

Истеъмол кредити – марказий банк томонидан барқарорлик даврида қўлланиладиган пул сиёсати воситаси (инструменти). У банклар томонидан берилиши мумкин бўлган ички кредитнинг максимал миқдори расмий равишда белгиланишини тақозо этади.

Истеъмол товарлари – инсон эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган истеъмол буюмларининг товар шакли; пулга сотиб олиб, истеъмол этиладиган моддий маҳсулотлар ва ҳар хил хизматлар.

Иш билан банд бўлган жами аҳоли – ишчи кучи (иқтисодий фаол аҳоли)нинг ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган қисми.

Иш ҳақи – жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар ҳисобланган суммалар йиғиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади: иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар.

Ишлаб чиқариш – маълум даврда алоҳида ҳўжалик юритувчи субъектлар тармоқлар ва иқтисодий секторлар томонидан ишлаб чиқарилган мол ва хизматлар қиймати.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси – ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун ташқи шарт-шароитларни таъминловчи тармоқлар мажмуи бўлиб, ўз ичига темир ва автомобиль йўллари, электр, газ ва сув таъминоти, алоқа коммуникациялари, омбор ҳўжалиги ва бошқаларни олади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига оловчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йуналиш ва воситалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш; ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

Ишсизлик – иқтисодий жиҳатдан актив (фаол) аҳолининг бир қисми ўз кучини қўллай олмай “ортиқча” бўлиб, меҳнат заҳираси армияси бўлиб қолиш ҳодисаси.

Капитал қурилиш - янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, объектлар иятларсий воситаларни мукамал таъмирлаш, шу жумладан лойиҳа-қидирув ишларини бажариш.

Капитал қўйилмалар - қувватларни такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини қуришга қаратилган ресурслар ва жами ижтимоий меҳнатнинг қийматини акс эттирувчи иқтисодий категория. Давлат томонидан (давлат буюртмаси), турли мулкчилик шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар, банклар ҳамда хусусий шахслар томонидан ажратиладиган пул маблағлари капитал қўйилмаларнинг манбалари бўлиши мумкин. Капитал қўйилмалар янги корхоналар қуришга ёки амалдаги корхоналарни қайта таъмирлашга йўналтирилиши мумкин.

Ҳозирги иқтисодий адабиётларда кўпроқ инвестициялар деган синоним термин қўлланилади, тўғридан - тўғри инвестициялар, реал инвестициялар ва асосий капитал каби синоним терминлар ҳам қўлланилади.

Капитал харажатлар - асосий капиталга киритиладиган маблағлар ва заҳираларни ўсиши.

Касаначилик – йирик саноат корхоналари билан тузилган шартнома асосида уй шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш.

Кичик бизнес субъектлари – корхона қўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари миқдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар. Республикамизда

саноат ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва Ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати ва бошқаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик бизнес субъектлари ҳисобланади.

Кичик корхоналар – мустақил ҳўжалик фаолиятини олиб борувчи, ўз балансига бўлган, солиқлар ва бошқа тўловларни тўлагандан сўнг қолган фойдасини ўзи тақсимлайдиган корхона.

Конъюнктура – бу бозорда маълум бир вақтда юзага келган иқтисодий ҳолатдир (асосан талаб ҳамда таклиф нисбати ва у билан боғлиқ бўлган нархлар даражаси орқали юзага келади).

Кооперация алоқалари – турли соҳа ишлаб чиқариш тармоқларида маълум маҳсулотни тайёрлаш бўйича узоқ муддатли алоқаларни ўрнатиш.

Корхоналарга преференция бериш – миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқаришга чет элдан олиб кирадиган хом-ашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, шунингдек асбоб-ускуналарни олиб киришда бож тўловлари ва бошқа жараёнлар бўйича енгилликлар (имтиёзлар) берилиши.

Корхоналарни техник қайта қуrolлантириш – алоҳида ишлаб чиқариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускуналарни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси. У ишлаб чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган бўлади.

Корхонанинг инновацион салоҳияти – корхонанинг янгиликларни жорий қилиш ёрдамида бозор шароитларида фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мақсадида корхонанинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган ривожланиш қобилияти. Корхонанинг инновацион салоҳияти ташкилотнинг ички инновация жараёнидаги барча босқичларнинг (ижтимоий меҳнат ва ресурсларнинг сарф меъёрлари асосида) бир маромда кечишига имкон беради.

Кредит – жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларларини бир жойга жамлаб, уларни маълум бир тамойиллар асосида бериш жараёнида вужудга келган иқтисодий муносабатлар мажмуи.

Кутилаётган инфляция даражаси – мавжуд ижтимоий-иқтисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутиладиган бўлғуси даврдаги инфляция даражаси.

Қўшимча қиймат солиғи – қўшилган қийматдан олинadиган солиқларнинг бир тури ҳисобланади. Товарларнинг реализацияси, хизмат

кўрсатиш ва бошқа ишларни бажаришдан олинади. Сотиш оборотиға нисбатан маҳсулотларнинг турларига кўра фоизларда белгиланади.

Макроиктисодий кўрсаткичлар – мамлакат яхлит иқтисодиёти даражасидаги ижтимоий-иқтисодий жараён ва ҳодисаларни ўлчаш ва баҳолаш имкониятини берувчи кўрсаткичлар. Масалан, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодий ўсиш, ишсизлик, инфляция даражаси ва бошқалар.

Маркетинг – сўзи ўзбек тилида ҳам таржимасиз ишлатилади, у нафақат фалсафа, фикрлаш тарзи ва иқтисодий тафаккур йўналишигина эмас, балки айрим фирма, компания, тармоқ ва бутун иқтисодиёт бўйича амалиёт фаолиятини қамраб олади. АҚШ ва бошқа хорижий давлатлар иқтисодий адабиётларида маркетингга ҳар хил таъриф берилган. Улар орасида энг кенг тарқалгани қуйидаги мазмундаги таърифдир: “Маркетинг шундай жараёнки – унинг ёрдамида ўйланган ғоя режалаштирилади ва амалга оширилади, нархлар шакллантирилади, ғоялар, товарлар ва хизматлар кўрсатиш бўйича ҳаракатлар йўлга қўйилади, айрим шахслар ва ташкилотларнинг эҳтиёжлари айирбошлаш ёрдамида қондирилади”.

Микрокредит – хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошланғич сармояни шакллантиришга бериладиган кредитлар. Микрокредитлар: а) юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик фаолияти учун – энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача; б) микрофирма ва деҳқон хўжаликлариға энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача; в) фермер хўжалигига энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача берилади.

Модернизация – (грекчадан *moderne* - янгича) - объектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, уни янги талаб ва меъёрларға, техник шарт-шароитларға, сифат кўрсаткичлариға мослаштириш.

Молия тизими – молиявий муносабатлар ва турли даражада уларға хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.

Молиявий институтлар – белгиланган қонун-қоидалар доирасида фаолият юритувчи мамлакатдаги молия-кредит ташкилотлари.

Молиявий манбалар – иқтисодиётнинг турли даражасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун тақозо этилувчи молиявий маблағларнинг келиб чиқиш манбалари. Масалан, молиявий манбалар аҳоли ва корхоналарнинг манбалари, давлат бюджети маблағлари, қарзға олинган маблағлар, хорижий инвесторларнинг маблағлари ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси – жаҳон стандартлариға жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2008 йил 3 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг қўламда ишлаб чиқаришдан иборат.

Нарх (баҳо) – товар қийматининг пулдаги ифодаси (шакли).

Преференция – иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айрим соҳа ва тармоқлар, корхона ва ишлаб чиқариш турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлар.

Протекционизм – давлатнинг хориж рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсати, мамалакатга олиб келинаётган товарларга юқори божлар белгилайди, айрим товарларни олиб келиш чекланади ёки умуман таъқиқланади.

Пул - кредит сиёсати – бу давлат томонидан иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида пул муомаласини ташкил этиш ва барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган барча чора-тадбирлар мажмуи.

Пул – ҳамма товар ва хизматлар айирбошланадиган, умумий эквивалент сифатида фойдаланиладиган, бошқа барча товарлар қийматини ифодаладиган маҳсус товар.

Реконструкция (қайта тиклаш) – фаолият юритаётган корхонани маънавий ва жисмоний эскирган қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бўғинлар ва ёрдамчи хизматдаги номуносибликларни йўқотиш йўли билан алмаштириш ёрдамида тўлиқ ёки қисман ўзгартириш. Қайта тиклашда эски цехлар ўрнига янги цехларни қуришга рухсат берилади.

Рентабеллик – корхона фаолиятининг фойдалиқ даражаси. Унинг уч хил кўрсаткичи мавжуд: корхона активлари рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги ва сотилган маҳсулот рентабеллиги. Бу кўрсаткичларни балансдаги (соф) фойда кўрсаткичини корхона активларининг ўртача йиллик қиймати, муомалага чиқарилган акциялар миқдори, хусусий капитал миқдори ва сотилган маҳсулот таннаригига нисбати билан аниқланади.

Сальдо - муайян вақт давомида молиявий тушумлар ва сарфлар, экспорт ва импорт қиймати (савдо баланси сальдоси), хорижий тўловлар ва тушумлар (тўлов баланси сальдоси) ўртасидаги фарқ.

Самарали иқтисодий сиёсат – давлатнинг иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама асосланган, изчил ва ўзаро уйғунлаштирилган чора-тадбирлари мажмуи.

Сектор – институцион бирликлар йиғиндиси бўлиб, уларнинг мақсади, молиялаштириш манбалари ва функциялари бир хил бўлади, натижада уларнинг иқтисодий ҳуқуқи ҳам ўхшашиб кетади.

Солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ, қисман ва вақтинча озод қилиш шакли.

Солиқ ставкаси – солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёрини ифодалайди.

Солиқ юки – солиқ тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндисини ифодалайди.

Солиқ юкини енгиллаштириш – солиқларнинг фоиз ставкалари камайтириш ва имтиёзлар яратиш.

Солиқлар – булар мажбурий, қайтарилмайдиган тўловлар. Улар давлат органлари томонидан ишлаб чиқариш бирликларидан товар ва хизматларни ишлаб чиқарганлари учун ёки ишлаб чиқариш омилларида фойдаланганлари учун олинади.

Таннарх – маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун кетган барча харажатларнинг қиймати.

Таркибий ўзгаришлар – миллий иқтисодиётнинг самарали ва барқарор таркибий тузилишини таъминлаш мақсадида унинг тармоқ ва соҳаларини изчил равишда ўзгартириб бориш. Таркибий ўзгаришлар ўз ичига янги тармоқларни барпо этиш, баъзиларини кенгайтириш, айрим самарасиз, истиқболга эга бўлмаган тармоқларни қисқартириш каби чора-тадбирларни олади.

Ташқи қарз – мамлакат ҳукумати, молия-кредит ташкилотлари, йирик корхоналарининг бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.

Ташқи савдо – бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси.

Ташқи савдо сиёсати – Бир мамлакатни бошқа мамлакатлар билан олиб бораётган савдоси (экспорти ва импорти) борасидаги сиёсати. Бунга тенг ҳуқуқлилиқ ва икки томонлама манфаат олиш кўзда тутилади. Экспорт ва импортнинг товар таркиби ва географик ҳажмига асосан олиб борилади.

Тижорат банклари – саноат ва савдони қисқа муддатли кредитлар билан таъминлаш, шунингдек хусусий мижозларга турли турдаги банк хизматларини кўрсатишга ихтисослашган банклар.

Турмуш даражаси – бу, аҳолининг зарурий, моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар билан таъминланганлик ҳамда уларни истеъмол қилиш даражасидир.

Тўғридан – тўғри инвестициялар – бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этиш ёки янада кенгайтириш мақсадида хорижий шериклар томонидан узоқ муддатли капитал қўйилмалар киритиш. Тўғридан-тўғри инвестициялар инвесторларга мазкур ишлаб чиқариш жараёнлари устидан назорат қилиш имконини беради.

Тўлов баланси – бу халқаро операцияларнинг баланс ҳисоб варағидир, яъни товарлар, хизматлар, капиталлар олиб кириш ва олиб чиқиш

кўрсаткичлари нисбати шаклидаги халқаро хўжалик тармоқлари комплексининг қиймат ифодаси.

Фонд бозори – қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларнинг олди-сотди жараёнлари амалга оширилувчи махсус ташкиллаштирилган бозор.

Хизмат кўрсатиш соҳаси – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий-бўюмлашган кўринишга эга бўлмаган истеъмол қийматларини яратишга йўналтирилган соҳалари. У ўз ичига моддий хизматлар кўрсатиш (транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат ва бошқалар) ҳамда номоддий хизматлар кўрсатиш (ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)ни олади.

Хусусий тадбиркорлик – бу фуқаролар (алоҳида фуқаролар) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкӣ жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Экспорт – ташқи бозорда сотиш учун товар-пулларни чет элга чиқариш.

Эмиссия – қоғоз пулларнинг ғазнахонага ёки бошқа давлат молия органлари томонидан муомалага чиқарилиши; барча шаклдаги пул белгиларини муомалага чиқариш.

Ягона солиқ тўлови – кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли солиқ ва йиғимлар ўрнига соддалаштирилган тартибда тўланувчи солиқ тури.

Ялпи ички маҳсулот – мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган жами пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор қиймати.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

3. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

7. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Чет эллик инвестициялари тўғрисида. 1998 йил 30 апрель.

8. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя чоралари тўғрисида. 1998 йил 30 апрель.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида. 2009 йил 28 октябрь.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида. 2009 йил 13 февраль.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. //Солиқлар ва божхона хабарлари, 2003 йил 16 май.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2005 йил 11 апрель.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибни тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

19. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. (электрон версияси билан).

20. Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари (ўзбек ва рус тилларида). Илмий-оммабоп қўлланма. (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92 б. (электрон версияси билан).

21. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида. Экспресс-проспект. (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Нетьматов И.У.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 5 б. (электрон версияси билан).

22. Боди, Зви, Кейн, Алекс, Маркус, Алан. Принципы инвестиций, 4-е издание.: Пер. с англ. "Вильямс", 2008. — 984 с .

23. Дамодаран А. Инвестиционная оценка: Инструменты и методы оценки любых активов:Пер.с англ.- 4-е изд.-М.:Альпина Бизнес Букс,2007. - 1340 с.

24.Инвестиции: учеб. /А.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. -2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. - 584 с.

25.Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. - М. ИНФРА-М, 2007. -1028 с.

26.Внешнеэкономическая деятельность: Учебник. /[Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов.С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелова. - 4-е изд., перераб. и доп.- М.: «Академия», 2007. - 304 с.

27. Н.Н.Расулов.Стимулирование привлечения иностранных инвестиции в экономику Узбекистана.-Т.: «ФАН», 2003.-165 с.

28. Игошин Н.В. Инвестиции, организация, управление, финансирование: Учебник / -3-е изд.-М.: «ЮНИТИ : ДАНА», 2005.- 448 с.

29.Дегтярёв О.И. Внешнеэкономическая деятельность: Учеб. пособие. /Дегтярёва О.И., Полянова Т.Н., Саркисов С.В. –М.: Дело, 2005. – 325 с.

30.Диденко Н. И. Основы внешнеэкономической деятельности в РФ. 2-е изд. –СПб.: Питер, 2004. – 286 с.

31.Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 1-қисм. Бекмуродов А., Болтабаев М., Ғойибназаров Б., Аманбаев М., Тошхўжаев М. Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислохотлар. – Т.: ТДИУ, 2005.

32.Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 2-қисм. Бекмуродов А., Ҳакимов Р., Сафаров Б., Захидов Г. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар ва фермерлик ҳаракати. – Т.: ТДИУ, 2005.

33.Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 3–қисм. Бекмуродов А.Ш., Сатторов С., Тўраев Ж., Солиев К., Рўзиев С. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожини – давр талаби. - Т.: ТДИУ, 2005.

34.Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 4-қисм Бекмуродов А., Тожиев Р., Қурбонов Х., Алимардонов М. Молия ва банк

тизимидаги ислохотлар самараси. – Т.: ТДИУ, 2005.

35. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 5-қисм. Бекмуродов А., Таиров Ш., Махмудов Э., Исаков М., Тўраев Н. Ташқи иқтисодий сиёсат: савдо ва инвестициялар оқимлари. – Т.: ТДИУ, 2005.

36. “Қўшма корхоналарни ташкил этишга инвестицияларни киритишнинг устувор йўналишлари ва вазифалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДИУ, 2008.

37. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари

38. www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо Вазирлигининг расмий сайти

39. www.uzinfoinvest.uz - «Ўзахборотинвест» агентлигининг расмий сайти.